



Америкалик ёзувчи Фрэнсис Скотт Фицджеральд жаҳон адабиётида чуқур из қолдирган. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган унинг «Буюк Гэтсби» романида Америка ҳаёти тасвирланади, Гэтсби исмли йигит Дэзи номли қизни чин юракдан севиб қолади. Уруш сабабли севган қизини йуқотиб қўяди. Воқеалар тизими уларнинг айрилиши ва топиши асосида кечади.

Роман қаҳрамони Гэтсби бешшчалар учун сирли инсон. Ҳаёти сир-синоатга тўла. Турмушнинг икир-чикирига нисбатан унда ажабтовур сезгирлик мужассам. Ҳозиржавоблик, дарҳол бошқа қиёфага кириш, сўзамоллик унинг феълига хос. Бу кечинмалар романда ёрқин буюқларда тасвирланган. Жаҳон адабиёти дурдаси бўлган мазкур асар ўзбек китобхонларининг ҳам меҳрини қозонгани учун қайта нашр этаяпмиз.

Рус тилидан Назира ЖЎРАЕВА таржимаси

Инсон ёшлик йилларида жуда таъсирчан булади. Отамдан эшитган, узоқ вақт хотирамда муҳрланиб қолган бир маслаҳатни сира унута олмайман.

- Башарти, бирдан биронтасининг устидан ҳукм чиқаришни хоҳлаб қолсанг, - деган эди у, - дунёдаги ҳамма кишилар ҳам сен каби устунликка эга эмаслиги ёдингда булсин.

Отам ортиқча суз айтмас, аммо бир-биримизни бир қарашдаёқ тушуниб олардик. Унинг гаплари замирида бошқа маънолар ҳам борлигини яхши билардим. Ана шундан буён менда босиқлик билан фикр юритиш одат тусига кириб қолган. Отам ичимдагини топ, дейдиган одамлар қалбига йўл топишда менга катта мактаб булган эсада, худобезор кимсалар қилиғи қурбони булишимга ҳам сабабчи буларди. Агар бу босиқлик оддий, росмана одамга мужассам бўлса, уни ҳар қандай “думбул” одам ҳам дарҳол англаб олади ва унга чиппа ёпишиб олишга ошиқади.

Коллежда уқиб юрган кезларим уртоқларим мени “ичидан пишган” деб аташар, булар-булмасга валдирайвермаганим ва одамларга аралашавермайдиган одамови булганим учун юракларидаги сирларини менга ишониб айтишарди. Дусларимнинг бундай сирларига ошно булишни истамасдим, чунки бировлар сирини сақлай оламанми-йўқми, билмайман. Ҳатто, уларнинг гапини эшитиб, эснаб утирган пайтларим ҳам булган. Узимни китоб ўқиётганга солар ёки пинакка кетгандай қилиб кўрсатардим. Ахир ёшларнинг ботиний сирларини миридан-сиригача эшитишни ҳар қанча истасам-да, улар сирларини охиригача айтишмас эди. Босиқлик билан фикр юритиш — катта имтиёз. Муҳим маънавий қадриятларни сезиш қобилияти барчага ҳам бирдай берилмаганлигини ёддан чиқарсам, бирон нарсани унутиб қўйдиммикан, деб хавотирга тушаман.

Ўзимнинг сабр-тоқатли эканлигимни яхши билсам-да, бунинг чегараси борлигини унутмаслигим керак. Турли тоифадаги инсонларнинг хулқ-атвори турлича булади: баъзилариники ўта қаттиқ, ута мураккаб, баъзилариники эса ўта юмшоқ. Баъзан уларнинг хулқ-атвори остида нимадир яширингани мени қизиқтирмай ҳам қўяди.

Ўтган йили куз фаслида Нью-Йоркдан қайтгач, инсон феъл-атворининг нақадар мураккаблигини тушундим. Кишилар узманфаатлари учун ёвузликдан ҳам тоймасликларини билиб олдим. Шушу мен инсонларнинг ботиний сирларини билиш учун ўзгалар қалбига қўл солишни истамай қолдим. Фақат номи шу китобга битилган Гэтсби исмли инсонгина бундан мустасно эди. Гэтсби мен нафратланадиган ва хуш кўрмайдиган барча нарсаларни узида мужассам этган инсон каби туюларди, наздимда. Ҳар бир кимса қобилиятига қараб баҳоланодиган булса, бу инсон мутлақо жумбоқ эди. Ҳаёти сир-синаотга тула. Бу одамда ҳаётнинг барча икир-чикирларига нисбатан ажабтовур бир сезгирлик мужассам эдики, гуё у ўн минг миля нарида содир булган ер ости силкинишларини қайд этувчи мураккаб асбобга ухшаб кетарди. Унда ҳозиржавоблик, дарҳол бошқа қиёфага кириб олиш, сузамоллик хислати устун булиб, бу табиатнинг унга берган ноёб инъоми эди. Унинг қалбида жуш урган ғайратни ҳеч кимда учратмаганман ва бундан кейин ҳам учратмасам керак. Йўқ, Гэтсби пировард-натижада узини курсата билди. Унинг фикрларини чулғаб олган ва эзиб турган заҳарли қурум тез барҳам

топувчи инсон изтироблари ва хурсандчиликларига булган кизиқишини вақтинча сундирган эди.

Мен ҳурмат-эътиборга лойиқ боёнлар оиласининг учинчи авлодига мансубман. Авлод-аждодимиз Ўрта гарбий шаҳарда таниқли насаблардан эди. Коррауэй катта бир уруғ-аймоқ булиб, оилавий келиб чиқишига кўра, у Бэклу герцогларининг ворислари ҳисобланар, очиғи, бувамнинг акаси бу шажарага асос солган десак, тўғри булар эди. У 1851 йили бу ерга кўчиб келгач, федерал армиясида хизматни уташ учун бир кишини уз Урнига ёллаган эди. Ўзи эса бу ерда майда-чуйда темиртерсакларнинг улгуржи савдосини йулга қуйиб юборди. Эндиликда бу ишлар билан менинг отам шугулланмоқда. Бобокалонимни курган эмасман, лекин айтишларича, унга жуда ўхшаб кетарканман. Отамнинг идораси деворида осифлик суратдаги бадқовок бувамни ҳамиша менга ўхшатишади.

Мен Йель университетини тугатдим. Орадан бир оз вақт ўтгач, Жаҳон урушида қатнашдим. Урушдан қутулиб, уйга қайтганимда роса ҳафсалам пир булди. Ўрта Ғарб энди кузимга ҳаёти оғир гуша эмас, балки ўта зерикарли бир ер бўлиб кўринди. Шарққа кўчиб кетдим ва у ерда кредит ишини урганишга аҳд қилдим. Барча таниш-билишларим кредитга оид ишлар билан шугулланишади. Наҳотки мендек бир инсонга шу соҳада иш топилмаса? Барча оила аъзолар жамулжам булдик, масала мен кирадиган укув юртини танлаш ҳақида эди. Аммаларим ва амакиларим пешаналарини тириштириб, узок маслаҳатлашишгач, ниҳоят, қатъиятсизлик билан “хуп” деб қуйдилар, холос. Отам менга бир йил давомида молиявий ёрдам беришга розилик билдирди. Ниҳоят, 1922 йилнинг баҳорида мен Нью-Йоркка келдим. Бу ердан узимга маъкул уй-жой қидирдим. Ёз мавсуми бошланаётган эди. Мен шаҳардаги ястаниб ётган кум-кук утларга ва дарахтлар соя ташлаб, сулимлик бахш этган ерларга ошифта эдим. Дабдурустдан бирга ишлайдиган ходимимиз менга шаҳар чеккасидан ижарага уй олиб, бирга яшаш истагини билдириб қолди. У уй қидиришга тушиб кетди. Мўъжазгина уйни ойига саксон доллар тулаш шарти билан олди. Энди кўчай деб турганимизда шеригимни қандайдир иш билан

Вашингтонга хизмат сафарига жўнатишди, шу сабабли кулбага ёлғиз ўзим кўчиб келишимга тўғри келди. Мен ёлғиз яшамаслигим учун бир кучукчани ўзим билан олиб келдим, бир неча кун ўтмай кучукча уйдан қочиб кетди. Шундан сўнг хизматкор аёл ёлладим. У эрталаб ўрнимни йиғиб, уйларни ораста қилгач, фин тилида хиргойи қилганча, менга но-нушта тайёрлайди.

Аввалига ўзимни ёлғиз ҳис эта бошладим, орадан учтўрт кун ўтгач, вокзал яқинида эндигина поезддан тушган бир кимса мени тўхтатди.

- Кечирасиз, Уэст-Эгга қандай борса бўлади? - сўради у саросимага тушиб.

Унга керакли манзилни тупгунтирдим-да, йўлимда давом этдим, шунда ёлғизлик ҳисси мени тарк этганини сездим. Бу ерга биринчилар қаторида кўчиб келиб жой' лашганим сабабли, янги келганларга йўл кўрсатадиган бўлдим. Бу учрашувлар одамларга қўшилишимга катта ёрдам берди.

Қуёш нури ерни тобора қиздириб бормоқда. Киши кўз ўнгида баҳор фасли бошланиб, куртаклар аста-секин яшил барг ёзмокда. Табиатнинг қайта уйғонаётганидан қалбим нурафшон бўлиб борарди. Мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Маза қилиб китоб мутолаасига берилиш ҳам мумкин. Мен" соҳамга хос ва мос китобларни сотиб олдим. Улар ҳисоб-китоб, кредит ва қурилишга оид дарсликлар эди. Барчасини жавонга териб қўйдим. Китобларнинг ялтироқ муқовалари қуёш нуридан товланиб, менга фақат Мидас, Морган ва Меценатга маълум бўлган сирларни ўргатмоқчи бўлгандек саф тортиб, тизилиб турарди. Лекин мен фақат шу дарсликларни ўқиш билан чегараланиб қолмоқчи эмасдим. Коллежда ўқиб юрганимда менда дабдурустдан адабиётга бўлган қизиқиш кучайиб кетди, ўша пайтларда “Жарчи” газетасига бир қатор чуқур мазмунли ва ишонарли мақолалар ёзиб бергандим, шундан сўнг менда ёзишга иштиёқ кучайди. Бу шунчаки қизиқиш эмасди, ташқарида рўй бераётган воқеаларни кузатиш менда одат тусига кириб қолди.

Ҳаётимдаги бир тасодиф сабабли, Шимолий Американинг ўзига хос жойларидан бирида истиқомат қила бошладим. Нью-Йоркнинг шарқида табиати ниҳоятда сўлим ерлар жуда куп. У ерда катта орол

бўлиб, тепалик ва кўрфазлар бисёр. Шаҳардан йигирма миля узоқликда, Лонг-Айленд курфазининг орқа томонида унча катта бўлмаган кўрфаз билан деярли ёнма-ён иккита тепалик ястаниб ётарди. Тепалик тухумсимон думалоқ шаклда эди. Улар шу даражада бир-бирларига ухшаб кетардики, нафақат одамзот, балки орол устида чарх уриб учиб юрган чағалайлар, барча мавжудотлар ҳам бундан ҳайратда эди. Энг ажабланарлиси, бу иккала тепалик бир-бирига жуда ўхшаса-да, нимаси биландир бир-биридан фарқ ҳам қиларди.

Мен Уэст-Эггда яшай бошладим. Кулбам қиргоқдан эллик чақирим нарида, табиати ниҳоятда гўзал бўлган оролнинг ёнгинасида жойлашган. У иккита вилланинг оралиғида эди.

Бу жойларда бир мавсумга 12-15 доллар тўлаб яшайдилар. Айниқса, ўнг тарафда жойлашган вилла жуда ҳашаматли эди. У Нормандиядаги ажойиб Hotel de Ville вилласига ўхшаб кетарди. Унинг яқинда терилган ғиштлари орасидаги тирқишдан чўмилиш ҳавзаси ва қирқ акрдан иборат бог кўзга ташланарди. Бу Гэтсби исмли кимсанинг ҳовли-жойи эканлигини яхши билардим. Аниқроғи, бу вилла Гэтсби исм-шарифли кимсага тегишли эди. Яшаётган уйим бу ҳашамдор уйлар орасида кузга чиққан тирсакдай яққол кўриниб турарди. Лекин буни ҳеч ким илғамасди. Шунинг учун мен нафақат оролни, балки баҳаво богларни ҳам мириқиб томоша қилиш имкониятига эга эдим. Ижара ҳақи — саксон доллар. Кўрфазнинг нариги тарафида ҳашаматли Ист-Эгг оқ саройининг акси сув юзасида қалқиб туради.

Бу ёз мавсумининг тарихи “Дож” русумли машинамга утириб, нариги қирғоқда истиқомат қилувчи Бьюкененларникига борган кечадан бошланди. Дэзи Бьюкенен — менга узоқ қариндош, унинг эри Томни эса университетда ўтказган давримдан буён танийман. Урушдан кейин уларникида — Чикагода икки кун меҳмон бўлган эдим.

Том жисмонан бакуват эди. Нью-Хейвен футбол ишқибозлари чап қанотда ўйновчи ундан кучлироқ бошқа ўйинчини тан олмас эдилар. У ўзига тўқ оиладан. Йигирма бир ёшга етгунига қадар анча-мунча ютуқларни кўлга киритган. Ота-онаси ўта бадавлат одамлардан саналарди. Университетда ўқиб юрган давридаёқ пулни аямай совувар, бу қилмиши учун унга танбеҳ ҳам беришарди. У Чикагодан Шарк

томонларга кўчиб ўтишни ният қилди, чавгон ўйини учун бир отхонага сигадиган пони отларини Лейк-Форестдан олиб келтирди. Аслида, у кимсанинг кўнглига келган ишни қилишга етадиган пули борлигига ишониш қийин.

Томнинг оила аъзолари Шарқ тарафларга кўчиб келишига нима сабаб бўлганлиги менга номаълум. Улар Францияда бир йил истиқомат қилибдилар, сўнгра таниш боёнлар йигилиб, чавгон ўйнаб, бойликларини совуриш мақсадида Европанинг турли бурчакларини саёҳат қилиб чиқибдилар. Дэзининг айтишича, энди улар бир жойда муқим яшашга қарор қилишибди. Дэзи бу гапни тўғри айтдимми ёки йўқми, бу менга қоронғи, назаримда, Том худди футболчилардек у юртдан-бу юртга кезиб юришни хуш кўрарди.

Илиқ шабада эсиб турган оқшомда икки дўстимни кўргани йўл олдим. Дэзи билан Том яшайдиган жой мен тахмин қилгандан ҳам ҳашамдор экан. Фусункор уйнинг олд томони бўғоз тарафга қаратиб қурилган. Ям-яшил майсазор сув ёқасидан бошланиб, чорак миля узунликда майдаланган гишт бўлаклари териб қўйилган гулзор ва йўлакчалар бўйлаб чўзилиб борарди. Уйнинг олд қисми у бошидан бу бошигача икки табақали деразалардан иборат бўлиб, улар ланг очиқ эди. Илиқ шабада деразадан ичкарига урилар, ойналарда қуёшнинг олтин нурлари жилваланарди. Чавандоз кийимидаги Том Бьюкенен оёқларини керганча, эшик олдида гердайиб турарди.

У Нью-Хейвенда кўрган пайтимдагига қараганда жуда ўзгариб кетганди. Кенг яғринли, ўтгиз ёшлар чамасидаги оқ сариқдан келган димоғдор бу йигит энди ўзини анча тутиб олганди. Одамга қараганда унинг кўзлари тешиб юборай дер, ҳайбатидан отхуркарди. Чавандозлик либоси аёлларникидай нафис кўринса-да, унинг жисмоний кучқувватини яшира олмасди: кулранг кўнжли этиги болдирларининг бақувватлигидан худди ёрилиб, чок-чокидан сўкилиб кетаётгандай кўринарди. Елкаси кенг, билаклари мушакдор эди. Кўриниши бақувватлиги боис енгилмас кимсага ўхшарди.

Томнинг овози бўғиқ бўлса-да, чўрт кесиб гапиришни ёқтирар, сўзларининг оҳангидан феъл-атвори оғирлиги шундоққина сезилиб турарди. У ёқтирадиган одамлар билан суҳбатлашган пайтда ҳам ўзини

улардан устун тутаётганлиги билиниб турар, жуда қайсар ва манман киши эди. Ана шунинг учун ҳам Нью-Хейвенда уни кўпчилик ёқтирмасди. Наздимда у: “Мен сизларга қараганда кучлироқман, сизлар менинг тенгим эмассизлар”, деяётгандай тутарди ўзини. Лекин бошқаларнинг фикрини инобатга оларди. Биз юқори курсда ўқиб юрган пайтимизда талабалар жамиятига аъзо бўлган эдик. Гарчи орамизда ҳеч қандай дўстлик риштаси бўлмаса-да, у мени ўзига яқин олар, дўстона фикр алмашиб, маслаҳатлар сўрарди.

Биз эшик олдида учрашдик. Қуёш ботиб бормокда эди.

- Хўш, уй-жойим ёмон эмас-а, - деди Том ҳовлисига кўз ташларкан. У бир қўлини елкамга қўйиб, иккинчи қўли билан кенг қулоч ёзганча, италян русумидаги боғини, ярим акр келадиган майдондаги атрофга муаттар бўй таратиб турган гулзорини ҳамда тўлқинда чайқалиб турган моторли яхтасини кўз-кўз қилди.

- Бу кўргонни нефтчи Демэйдан сотиб олдим, - у қўлларини елкамдан олиб, мени ҳовлиси томон етаклади. - Қани, юр ичкарига!

Биз кенг дах[^]лиздан ўтиб, деворлари ойнаванд, пушти ранг хонага кириб бордик. Деразалар очик турар, уй ранги билан уйғунлашиб кетган ям-яшил ранг ойналарда жилваланарди. Ичкарига урилаётган шамол дераза пардаларини гоҳ тепага, гоҳ ён-атрофга ҳилпиратиб ўйнарди. •

Хонадаги жойидан кўзгалмайдиган катта ёғоч каравот устида иккита ёш аёл суҳбатлашиб ўтирганди. Улар оқ ҳарир кўйлак кийиб олишган бўлиб, бу кўйлақлар деразадан кираётган шабадада тинмай ҳилпирарди, Мен, назаримда, бир неча дақиқа хона деразаларига осифлиқ пардалар-у, хона деворидаги шабададан силкиниб турган суратга маҳлиё бўлганча қотиб қолдим. Нимадир тарақлаб кетди. Том Бьюкенен деразаларни ёпди. Ташқаридан кираётган шамол таққа тўхтади. Дарпардалар ҳилпирамай қўйди.

Ёғоч каравотда ўтирган аёллардан ёшроғи менга нотаниш эди. У узала тушиб ётар, энгагига нимадир боғланган эди. Узини гўё мени кўрмаётгандай тутарди. Уларнинг оромини бузганим учун узр сўрадим.

Иккинчи аёл Дэзи эди. У ўрнидан кўзгалди-да, истиқболимга юриб кела бошлади. У жарангдор ва мафтункор овозда гапириб, кулиб келарди. Мен ҳам юзимда табассум билан унга пешвоз чиқдим. Хурсандлигимдан турган жойимда қотиб қолган эдим.

Дэзи, хулди кулгили сўз айтгандек, яна хандон отиб кулиб юборди. Қачондан бери мени кўришга муштоқдек қўлимни қаттиқ сиқиб кўришди ва мафтункор кўзларини менга тикди. Дэзи каравотда узала тушиб ётган нотаниш аёлни Бейкер хоним деб таништирди.

Бейкер хоним беихтиёр нималарнидир шивирлаб, бошини аста тебратиб қўйди, энгаги остидаги нарсанинг тушиб кетишидан кўрқиб, бошини оҳиста орқага ташлади. Ўзимни нокулай ҳис этиб, яна кечирим сўрадим.

Қариндошим Дэзи ҳаяжонланиб, мени саволларга кўмиб ташлади. Унинг ингичка овозда айтган гаплари гуё ёқимли муסיқадек эшитиларди. Дэзи жуда гўзал эди, лекин чехрасига қандайдир ғам соя ташлаб турганлиги аниқ сезилиб турар, чакнаб турган кўзлари, ғунчадек лаблари кишига жон багишларди. Унга қанча йигитлар ошиқ бўлмаган дейсиз, кўнгирокдек майин овозиг барчани мафтун этиб, “менга кулоқ беринглар”, деган оҳангда жарангларди.

Мен Дэзига Нью-Йоркдан қайтишимда Чикагода бир кеча қолганимни, унга кўплаб дўстлар салом айтиб юборишганини айтдим.

- Демак, менсиз у ерда зерикишаётган экан-да, - деди Дэзи қувончи ичига сигмай,

- Ҳа, бутун шаҳар мотамда. Барча машиналарнинг чап ғилдираклари қорага бўялган, мотамсаро. Кўлнинг қирғоқларидан кечалари йиги ва “оҳ-воҳ” овозлари :>шитилмоқда, - дедим ҳазиллашиб.

- Шундай дегин, қандай яхши! Том, ортимизга қайтамизми, эртагаёқ!
- у шу захотиёқ шоша-пиша қўшиб к^йди: - Бизнинг кичкинтойимизни куришса нима дейишаркан-а?!

- Уни жуда кўргим келаяпти.

- Кечирасан, у ҳозир ухляпти. Энди уч ёшга тўлди. (’ен хали уни кўрмагансан-а?

- Йўқ.

- Уни кўрсанг борми... Қизимиз...

Том Бьюкенен уйнинг у бошидан бу бошига юраркан, тухтади ва кўлини елкамга қўйиб:

- Ник, қандай ишлар билан бандсан? - деб сўради.

Кредит муомалалари билан шугулланяпман.

- Кимда?

Мен исми-шарифини айтдим.

- Ундай номни эшитмаган эканман, - деди Том ўзини магрур тутиб.

Негадир аччиғим чиқди.

- Эшитгансан, - дедим гапни қисқа қилиб. - Шарқни кўлга киритганинда, албатта, бу номни эслайсан.

- Ҳа-я, бу томондан кўнглинг тўқ бўлсин, - деди Том Дизига қараб кўяркан, сўнг дарҳол кўзини менга тикди-ю, жавобни шартта айтди-қўйди: - Мен жаннатдай бу жойларни ташлаб кетадиган даражада аҳмоқ эмасман.

Шу ондаёқ мисс Бейкер: “Ҳа, шунақа!” - деди. Кутилм.п ан бу товушдан чўчиб тушдим. Бу унинг игу пайтгача ийтган биринчи сўзи эди. Менинг юқоридаги сўзим унга шуидай таъсир қилган эдики, кутилмаганда бир-икки одим ташларкан:

- Мана, мен қишлоқойим бўлиб ўтирибман, - дея ҳасрат қилди. - Дэзи, қачонгача бу жаннатий жойда ўтроқ ҳолда яшайман-а?

- Илтимос, менга бундай қарама, - чўрткесарлик билан деди Дэзи Томга қараб. - Эрталабдан бери сени Нью-Йоркка олиб кетгим келяпти.

- Раҳмат, овора бўладилар, - деди Бейкер хоним стол устида турган тўртта финжондаги коктейлдан бирига қўл узатар экан.

Уй эгаси унга ишончсизлик билан қараб қўйди. Том:

- Тавбангдан кетай! - деди-ю, финжондаги коктейлни бир кўтаришдаёқ ичиб юборди. - Бунинг уддасидан қандай чиқар эканман?

Мен у ниманинг “уддасидан чиқиши кераклигига” хайрон бўлиб, Бейкер хонимга қараб қўйдим. Унга қараш завқли эди. Қадди-қомати ниҳоятда келишган, гўзал аёл эди. Мовий кўзлари мен томон қадалганди. Юзлари оппоқ, ёқимтой. Мен уни аввал ҳам қаердадир кўргандек эдим. Эҳтимол, суратини кўргандирман.

- Сиз Уэст-Эггда яшайсизми? - овозини чўзиб сўради у. - У ерда танишларим бор.

- Узр, ҳали у ердагилар билан танишиб улгурмадим.

- Наҳотки, Гэтсбини танимасангиз?

- Гэтсби дейсизми? - сўради Дэзи. - Қайси Гэтсби?

Гэтсби ён қўшним эканлигини энди айтмоқчи бўлиб

тургандим, дабдурустдан овқатга чакириб қолишди. Том Бьюкенен бакуват қўли билан тирсагимдан тутиб, гўё шахмат донасини бир катакдан иккинчи катакка сургандек хонадан олиб чиқиб кетди. Кунботар томонга жойлашган айвонга чиқдик. Икки ёш хизматкор биздан олдинда аста кадам ташлаб борарди. Стол устига пушти ранг дастурхон ёзилган, тўртта шам ёқиглиҳ турар, ел алангани енгилгина пирпиратиб ўйнардди.

- Шамларнинг нима кераги бор? - деди Дэзи қовогини уйиб, сўнг уларни бирин-кетин ўчира кетди. - Икки ҳафтадан сўнг йилнинг энг узун куни бошланади, - у табассум билан бизга кўз югуртирди. - Қачонлардир сиз бундай узоқ кунни кутиб, у бир зумда ўтиб кетганини сезганмисиз? Мен буни интиқлик билан кутаман.

- Келинглар, бирон нарса ўйлаб топайлик, - эснади Бейкер хоним ўриндикқа жойлашиб ўтирар экан.

- Келинлар, шундай қилайлик, - деди Дэзи. - Ия, ҳозирми? - у саросимага тушиб менга қаради. - Нимани ўйлаб топиш мумкин?

У жавобни кутиб ўтирмаёк, тўсатдан ваҳима билан жимжилоғига қаради.

- Қаранлар! — хитоб қилди у. - Бармогим шикастланибди.

Ҳаммамиз унинг бармоғига қарадик. Жимжилоғи кўкариб, шишиб кетганди.

- Бунга сен айбдорсан, Том, - деди Дэзи ранжиб. - Биламан, атайлаб қилмагансан, бари бир сенинг ишинг бу. Менга бу ҳам кам. Чунки сендек баҳайбат, бесўнақай, дароз кимсага эрга текканман-да.

- Шу сўзни ўлгудек ёмон кўраман, - хотинининг гапини бўлди Том. - Мени ҳазиллашиб бўлса-да, дароз, нотавон деб аташларини жиним суймайди.

- Ҳа, дароз, нотавонсан, - деди ўчакишиб Дэзи.

Баъзан Дэзи билан Бейкер хоним бараварига вайсаб

кетардилар. Уларнинг бу бемаъни гаплари ниҳоятда кулгили эди. Ҳозир эса дастурхон атрофида мен билан Том ўтирганимиз учун улар одоб сақлардилар. Вақт тушликка яқинлашиб қолганди.

- Дэзи, ёнингда ўзимнинг маданиятли одам эканлигимни унутиб қўяман-да, - дедим мен майнинг иккинчи қадаҳини ичганимдан сўнг. - Кел, мен ҳам тушунадиган биронта мавзуда сўзлашайлик, масалан, ҳосил ҳақида.

- Маданият гобора йўқ бўлиб бормоқда, - деярли қичқриб деди Том. - Кундан-кунга тушкунликка тушиб боряпман. Сен Годартнинг “Рангин империяларнинг юксалиши” китобини ўқиганмисан?

- Йўқ, ўқимаганман, - дедим унинг гапидан ажабланиб.

- Ажойиб китоб, уни ҳамма ўқиши шарт. У китобда, агар биз эҳтиёт бўлмасак, оқ ирқни... хуллас, бир сўз билан айтганда, бошқа ирқлар

ютиб юборадилар, деган ғоя бор. Бу шунчаки гап эмас. Барчаси илмий жиҳатдан исботлаб берилган.

- Том борган сари чуқур фикрлайдиган бўлиб боряпти,- деди Дэзи. - У оқилона фикрлар баён этилган хилмахил китобларни ўқимоқда.

- Шунчаки оддий китобларни эмас, илмий асарларни,- хотинининг гапига зарда билан эътироз билдирди Том.- Годдарт ўз фикрларини аниқ-равшан баён этган. Биз — юқори ирқ вакилларида бошқа ирқлар устувор бўлиб кетишларига йўл қўймаслик ҳақида ёзилган у китобда. Биз уларни эзиб ташлашимиз керак, - шивирлади Том кўзини қисганча, уфққа бош қўяётган қуёш томон қараркан.

- Агарда сизлар Калифорнияда истиқомат қилганингизда борми... - гап бошлади Бейкер хоним, лекин шу ондаёқ Том унинг гапини бўлди. У ўтирган курси гичирлаб кетди.

- Гап шундаки, биз юқори ирқ вакилларимиз, мен ҳам, сен ҳам ва...~ Том бош ирғаб Дэзини кўрсатди. Дэзи шу захотиёқ менга қараб кўзини қисиб қўйди. - Инсоният томонидан яратилган маданиятнинг барчаси, яъни илмфан, санъат ва қолганлари ҳам бизнинг ирқимизга мансуб бўлганлар томонидан яратилган. Тушунтира олдими?..

Шу топ телефон жиринглаб қолди, уй хизматчиси гўшакни кўтарди. Дэзи ҳамма ўзи билан овора бўлган пайтдан фойдаланиб, мен томон эгилди-да:

- Сенга бир сирни очмоқчиман, - деди шивирлаб,- Хизматкоримиз ҳақида гапирмоқчиман. У ҳақидаги ғалати гапни сенга айтиб берайми?

- Гапингни эшитиш учун ҳам бу ерга келдим-да, - дедим.

- Бўлмаса қулоқ сол: аввало, у оддий хизматкор бўлмаган. У Нью-Йоркдаги бир хонадонда ишлаган, ўша уй ошхонасида икки юз кишига мўлжалланган кумуш идишлар мажмуаси бор эди, у фақат шу кумуш идишлари билан фахрланарди. Эртадан-кечгача уни тозалагани-тозалаганди, ана шунд^н кейин негадир акса урадиган бўлиб қолган...

- Жуда ёмон қийналган эди-да ўзиям, - гапга қўшилди Бейкер хоним.

- Тўтри. Жуда ёмон қийналди. Ҳатто иш жойидан кетишга ҳам рози бўлиб қолди.

Ботиб бораётган қуёш нурлари Дэзининг нимпушти чехрасига туша бошлади. Мен унинг шивирлаётган гапини жон қулоғим билан эшита бошладим, нафасимиз нафасимизга уриларди. Ниҳоят, қуёшнинг заррин нурлари унинг чехрасини тарк этди. Атрофни қоронғилик чулгач, мен ҳам бу гўшани тарк этиб, уйга кетишга чоғланган ҳам эдимки, хизматкор келиб Томнинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Том қовоғини уйиб, ўтирган жойидан турди-да, чурқ этмай бошқа хонага чиқиб кетди. Дэзи жим бўлиб қолди, эри чиқиб кетгач, мен томон энгашиб, мулойим овозда сўз қотди:

- Эҳ, Ник, билсанг эди, бизни йўқлаб келганингдан бошим осмонга етди. Сен аслида... жуда ёқимтойсанда. Тўғрими? - деб Бейкер хонимга савол назари билан қаради Дэзи. - У ўз фикрига эга эркак.

Дэзи ўйланиб қолди. Афтидан, эрига кўнгли йўққа ўхшайди. Дэзи дилидагини баъзан тилига чиқарадиганлар тоифасидан эди. Унинг иссиқ нафасини ҳис этиб турардим.

У баногоҳ қўлидаги сочикчасини стол устига иргитди-ю, биздан кечирим сўраб, хонадан чиқиб кетди.

Бейкер хоним иккимиз бир-биримизга лоқайд қараб қўйдик. Мен энди гап бошламоқчи бўлган эдим, у қаддини ростлаб “жим бўлинг” дегандек бармоғини лабига қўйди. Нариги хонадан Томнинг ҳаяжонли бўғиқ овози эшитиларди. Бейкер хоним ҳеч тортинмай овоз келган томонга қулоқ сола бошлади. Аввалига Томнинг овози бемалол эшитилиб турди, с5^нг у шивирлаб гапира кетди, кейин овоз бизга эшитилмай қолди.

- Сиз боя тилга олган жаноб Гэтсби қўшним бўлади, - гап бошладим мен.

- Узр, гапирмай туринг. Ичкарида нима гап эканлигини билмоқчиман.

- У ерда нимадир содир бўляптими? - сўрадим соддалик билан.

- Ие, ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми? - хайратини яширмади Бейкер хоним. - Тавба, мен ҳамма билади, деб ўйлабман.

- Йўқ, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

- Умуман... - деди Бейкер хоним чайналиб. - НьюЙоркда Томнинг бир хонимчаси бор.

- Қанақа хонимча? - довдираб сўрадим.

Бейкер хоним “ҳа, шундай”, дегандай бош ирғаб тасдиқлади.

- Ўша қийшангининг озгина виждони бўлганда, овқат пайтида Томга кўнғироқ қилмасди, тўғрими?

Мен эшитган гапимни ҳали ҳазм қилмаган ҳам эдимки, эшик очилиб, остонада уй эгалари кўриндилар.

- Узр, зарур иш чиқиб қолди, - деди шодон қичқирганча Дэзи.

У уз жойига бориб ўтирди-да, Бейкер хонимга синовчан назар ташлади, сўнг менга қараб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек гап бошлади:

- Мен бир дақиқага ташқарига чиқиб, боғни кузатдим, атроф шундай гўзалки... Боғда қушлар хониш қиляпти, менимча, булбул булса керак. У, хойнахой, бу ерга денгиз оша учиб келган. Кишини маст қилар даражада сайрапти...-Дэзи берилиб гапираётганида сўзлари худди куйлаётгандай эшитиларди. - Том, атроф шундай гўзалки... мафтун бўласан киши...

- Ҳа, ҳамма ёқ мафтункор, - деди Том ва ноқулай аҳволдан қутулмоқчи бўлгандек менга юзланди: - Овқатдан сўнг сенга отларни курсатаман.

Телефон яна жиринглаб қолди. Дэзи Томга қаради-ю, ранги оқариб кетди, сўнг бош чайқаб қўйди. Отлар ҳақидаги суҳбат ўз-уздан тўхтаб қолди. Сўнгги беш дақиқа оғир бир сукутда ўтди. Шамлар липиллаб ёнарди. Негадир уларни қайтадан ёқишганди. Стол атрофидагиларни кузатиб ўтириш мен учун мароқли эди. Дэзи билан Томнинг хаёлидан

нима кечаётганини билмадим-у, лекин Бейкер хоним бундай ҳолларга ўрганиб кетган кўринади.

Бешинчи одамнинг хиралик билан телефон қилиши барчамизга малол келди. Бу ҳолат одобсизликдек бўлиб куринса-да, менда “унинг адабини бериб кўйиш керак”, доган фикр уйғонди.

Минг афсуски, отлар ҳақида бошқа гап очилмади. Том билан Бейкер хоним кутубхонага кириб кетдилар. Мен ўртадаги ноқулай вазиятдан чиқиб кетиш учун Дэзи билан айвон буйлаб сайр қила бошладим. Катта айвон смига келганимизда, атрофни қоронғилик чулғаб олганди. Биз шу ерга кўйилган оромкурсига ўтирдик.

Дэзи икки кўлини чеккасига кўйганча қоронғиликка тикилиб қолди. Мен унинг нима сабабдан ҳаяжонда эканлигини сезиб турардим. У узини боса олмаётганди. Чалгитиш мақсадида қизи ҳақида суриштира кетдим.

- Ник, сен билан қариндош бўлсак-да, лекин бир-биримизни яхши билмаймиз, - деди у кутилмаганда. - Сен қ.пто туйимда ҳам иштирок этмагансан.

- У пайтда ҳали урушдан қайтиб келмагандим.

- Ҳа, тўғри айтасан, - деди-ю, жим булиб қолди. - Ник, биласанми, бошимдан кўп савдолар утди, мен ҳозир ҳсм нарсага ишонмайдиган булиб қолганман.

Унинг гапида жон бор эди. Бир оз сукут сақладим. Ирасини янгилагим келмади. Гапни бурмоқчи булиб яна қичи ҳақида сўрай бошладим:

- Қизинг гапиряптими? Овқатини ҳам узи ейдиган Оўлиб колгандир?

- Ҳа, албатта, - деди хаёли паришон ҳолда. - Ник, у тугилганида мен нима деганимни билишни хоҳлайсанми? Истасанг, сузлаб бераман.

- Ҳа, жуда хоҳлайман.

- Бундан сен кўп нарсаларни билиб оласан. Қизим тугилганидан сунг бир соат вақт ўтса ҳамки, Том ёнимда куринмади. Кўзим ёригач,

гуё ҳамма мени унутгандек қис этдим узимни. Дарҳол доядан “угилми, қизми?” ди> сурадим. Қиз эканлигини билгач, тескари угирилиб ииглаб юбордим. Сўнг: “Хўш, қиз бўлса нима қипти, жуда хурсандман”, деб ўзимни овутдим.

гў оламда яхши кунлар йўқ экан. Ҳамма, ҳатто ақлли іwі илгор одамлар^ҳам шундай деб ўйлайдилар. Ахир мен куп жойларда бўлдим, кўп ерларни кўрдим ва шу нарсага амин бўлдимки, - унинг кўзлари Томникидай чакнаб

кетди ва кибр ила кулиб қўйди. - Мен кўпни кўрган ва ҳафсаласи пир булган аёлман.

Унинг бу сузлари бемаъни эканлигини фаҳмлаб турардим. Дэзининг ёқимли жарангдор овози қуҳқисдан кесилиб қолди.

Начора, бошқаларнинг ёлгон, айёрлик билан айтаётган гапларини эшитишга мажбур эдим. Бундан узимни ноқулай ҳис эта бошладим.

Орадан бир оз вақт утгач, Дэзи Том каби, узининг қандайдир юқори табақали яширин жамият аъзолигига ҳуқуқи борлигини айта бошлади, унинг чехрасида мағрурона табассум ўйнарди.

Алвонранг хона чироклар нури остида киши кузига янаям тароватли кўринарди. Том уйнинг бир бурчагида қунишиб ўтираркан, Бейкер хоним унинг ёнида чуқ тушиб, қандайдир журнални майин овозда, гуё алла айтаётгандек ўқимокда эди. Том диққат билан Бейкер хонимга кулоқ солар, ҳар замонда бошини ирғаб ҳам қуярди. Том журналда босилган хабарларга жуда қизиқиб қолди. Янада берилиб тинглай бошлади. Остонада бизни курган Бейкер хоним худди огоҳлантиргандек қулини силкиб қуйди:

- Давоми келгуси сонда, - дея сунгги жумлани ўқиб, журнални бир чеккага қўйиб қуйди-да, урнидан турди.- Соат ўн бўлди, - деди Бейкер хоним деворга осифлиқ турган соатга қараб. - Қизалоқнинг ухлайдиган вақти ҳам булди.

- Эртага Уэстчестерда Жорданнинг мусобақаси бор,- деди Дэзи. - У ерга барвақт бориш керак.

- Э, сиз Жордан Бейкер экансиз-да! - дея уни эсладим, чунки бу чехрани мен жуда кўп маротаба Ашвилл ва Хот-Спринг ва Палм-Бич журналлари саҳифаларида кўргандим. У ҳақидаги аламли миш-мишларни ҳам эшитган эдим. Булар анча ёдимдан кутарилаёзибди.

- Тунингиз хайрли бўлсин! - деди Жордан. - Илтимос, мени соат саккизда уйғотсангиз.

- Бари бир туropolмайсан, - деди Дэзи.

- Йўқ, тураман. Тунингиз хайрли булсин, жаноб Каррауэй. Сиз билан ҳали кўришамиз, - деди Бейкер хоним.

- Албатта куришасизлар, - унинг гапини тасдиқлади Дэзи. - Сизларни унаштириб қуйсакмикин, деб уйлаяпмиз. Ник, тез-тез келиб тур. Иккалангиз яқиндан танишиб олишингизга кумаклашаман. Сизларни бир хонада холи қолдираман ёки қайиқда сайр этарсизлар, хуллас, бирон нарса уйлаб топарман.

- Хайрли тун! - деди Бейкер хоним зинадан юқорига кутарилар экан. - Мен ҳеч нарсани эшитганим йўқ.

- Жордан ажойиб киз, - деди Том бир оздан сўнг. - Ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа мусобақага бориб куни утяпти. Қиз бола уй-жойли бўлиши ҳам керак-да.

- Ким унга йўқ деяпти, - деди совуққонлик билан

Дэзи.

- Ким буларди, унинг ҳамтовоқлари-да.

- Унинг яқин қариндоши — юз ёшни қоралаган ёлғиз холаси. Энди эса Ник ундан хабар олиб туради, тўтрими, Ник? У бизникига ҳар шанбада келади. Оила курса, ҳаёти уз урнига тушиб кетади, деб уйлайман.

Дэзи (эилан Том бир-бирларига индамай қараб қўйдилар

- Бейкер хоним Нью-Йоркданми? - сурадим мен.

Луисвиллдан. Ёшликдаги дутонам. Бахтли, беташвиш

У'тгап йилларимдан хотира.

- Сен айвонда Ник билан сирлашаётганмидинг? - бехосдан суради Том.

- Сирлашаётгандинг?! - Дэзи менга қараб кўйди. - Гушунмадим. Биз ирқлар ҳақида суҳбатлашаётгандик, шкилли. Ҳа-ҳа, айнан шу ҳақда. Суҳбат уз-ўзидан бошлгжб кетганини ҳатто сезмай ҳам қолибмиз.

- Ник, сен бўлмагур гапларга ишонаверма, - дея мени пгоқлантирди Том.

Мен айтарли ҳеч қандай гап булмаганлигини Томга п!И'иб, уйга кетишга чоғландим. Ўрнимдан туриб, улар Ги1Л<]И хайрлаша бошладим. Улар кузатиб қуйиш учун ортимдан чиқишди ва бир оз вақт машинага ўтираётганимни томоша қилиб ҳам туришди. Моторни энди ўт олдирган қпм идимки, Дэзи тусатдан:

- Тўхта! - дея кичқирди. - Муҳим бир нарса ҳақида сўрашни унутибман. Эшитишимизга қараганда, қайлиғинг бор эмиш?

- Ҳа-я, - деди Том хотинининг гапини маъқуллаб. - Уйланганлигингни эшитган эдик.

- Қаердан эшитдинглар? Бу ғирт ёлгон. Камбағал кимса булсам, уйланишга қурбим етмайди.

- Шундай деб эшитгандик. Демак, ёлгон экан-да, - деди Дэзи гапимга ишонқирамай. У кузимга янада яшнаб кетгандай кўринди. - Биз бу гапни кўпчиликдан эшитганимиз учун ишонган эдик.

Гап нима ҳақида кётаётганини яхши билардим, ҳақиқатан ҳам қайлиғим йўқ, уйланмаган эдим. Унаштирилишим ҳақидаги бўлмағур миш-мишлар Шарққа кетиб қолишимга сабаб булгапти. Бировларнинг гийбати деб қадрдон қиз ўртоғимдан ажралишни истамасдим, иккинчи томондан, бу миш-мишлар болалаб кетишини ҳам хоҳламасдим.

Дэзи билан Том мени очик юз билан кутиб олганларидан мамнун булдим, ҳатто улар мендан анча бой булсалар-да, ёзилиб гаплаша

олдим.

Уйга қайтар эканман, кўнглимни чулғаб олган гашлик анча тарқагандек булди. Назаримда, Дэзининг оилавий ҳаёти хотиржам кечмаётгандек эди. У боласини кулига олганча бу хонадондан тезроқ қочиб кетишдан узга иложи йукдек кўринди кузимга, Лекин бунга жазм этолмаса кераг-ов. Томга келсак, унинг жазмани борлиги мени унчалик ҳайратга солмади.

Йўл ёқасидаги уйлардан чироқ шуъласи таралиб турарди. Атроф жимжит. Ниҳоят, Уэст-Эгга етиб келгач, машинамни гаражга киритиб қўйдим, ўзим уй орқасидаги майса ўрадиган машина устига утирдим. Қилт этган шамол йўқ. Тун сокин, қушлар дарахт шохларига ўрнашиб олган эдилар, қурбақаларнинг қуриллаши қулоққа чалинарди. Ёнимдан мушук утиб кетди, бошимни ўша тарафга бурдиму, ёлғиз эмаслигимни пайқаб қолдим. Эллик қадамлар чамаси нарида истиқомат қилувчи қўшним қўлини чунтагига тикқанча юлдузларни томоша қилаётганига кузим тушди. У хотиржам эди. Узок уйга

толгсшча огирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига солиб туришидан, бу бизнинг Уэст-Эгг осмонининг қанча қисмм узига тегишли эканини чамалаш учун ташқарига чиққан жаноб Гэтсби эканлигини тушуниб етдим. Бир хт'лим, уни чақирмоқчи ҳам булдим. Бугун кечки овқат пайтида Бейкер хонимдан у ҳақда эшитганимни айтмоқчи эдим, аммо бунга журъат эта олмадим, чунки мазза қилиб, берилиб сураётган хаёлини бузишни хоҳламадим: у г.шритабий тарзда нигоҳини қоронғилик қаъридаги гун томон тикди, орамизда анчагина масофа борлигига к/фамай, унинг аъзойи бадани титраётганини аниқтииқ ҳис этдим. Мен беихтиёр у қараб турган томонга м.І тар солдим, лекин айтарлик ҳеч нарсани курганим иук,, фақат узок-узокларда, соҳилда кўк чироқ шуъласи милтираб турарди, холос. Ҳойнаҳой, бу соҳил четидаги Пс'лги берувчи чироқ булса керак, деган хаёлга бордим ва угирилиб қарадим. Не куз билан курайки, Гэтсби куздан пмшб бўлганди. Сокинликда ўзим ёлғиз қолдим.

• ИККИНЧИ БОБ

У к т-Эгг билан Нью-Йорк оралиғида чузилган йул четидан темир йул ўтганди. Ён-атрофга шағал сочилган.

Г'У ('рпи “шағал водийси” деб атаса ҳам булади. Қаёққа қираманг, уюм-уюм шағални курасиз, у ерда ишлаётган одимдарнинг рангларига ҳам унинг нуksi уриб, кулранг гугдг) куринардилар. Темир йулдан тарақ-туруқ қилганча могоилар келарди. Вагонлар юришини секинлаштириб, пхири тухтади. Қулида белкурак ушлаган кишилар унга Ш.И .1Л юклай бошладилар. Ён-атрофда кўтарилган чанггуюпдан ишлаётган одамларни кўриб бўлмасди.

111<п-ал водийсининг ёнидан катта дарё оқиб ўтарди. Д.фг усгига кўтарма кўприк солинган булиб, пароходлар у е-к^ .ш-бу ёққа кетма-кет утиб турарди. Куприк кутарилг.шда тухтаб қолган вагондаги йуловчилар бу манзарммм жон-дилдан томоша қилар эдилар. Поезд ана шу |'рд<1 бир дақиқага тухтаб ўтарди. Том Бьюкененнинг жазм.иш билан шу ерда тасодифан танишиб қолдим.

Томнинг жазмани борлигини ҳамма ерда гапириб юришарди. У маъшуҳасини ҳашаматли қаҳвахоналарга олиб келиб, меҳмон қилар, уни стол ёнига ўтқазиб қуйиб, таниш-билишларини ёнига чорлаб гердаярди. Танишлари унинг бу қилиғидан нафратланишарди. Унинг маъпгуқасини узокдан булса-да, бир кўриш орзусида эдим, лекин яқиндан танишиш ниятим йўқ эди. Буни қарангки, кутилмаганда у билан танишиш шарафига муяссар булдим.

Бир куни Том билан Нью-Йорк томон йул олдик. Поезд шағаллар уюми олдида тўхтаган пайтда Том дабдурустдан урнидан сапчиб турди-да, кулимдан ушлаганча мени вагондан тортиб туширди.

- Шу ерда тушиб қоламиз, - деб туриб олди Том. - Сени маъшуқам билан таништирамоқчиман.

У эрта саҳардан ичйб олганди. Бугунги кунини мен билан ўтказмоқчи эканини айтиб, мени кўндирганди. Аслида-ку, якшанба кунига мўлжаллаган режам бор эди. Лекин ишим бор-йўқлиги уни қизиқтирмасди.

Мен Томнинг ортидан эргашдим. Биз темир йулни тусиб турган оқланган, пастроқ девор устидан ошиб тушдик ва ортимизга қайтдик.

Ён-атрофда учта гиштин уйдан бошқа биронта иморат курунмасди. Уйлар харобазор четида бир қатор булиб қаққайиб турар, ҳеч қаерга олиб бормайдиган ва ҳеч нарса билан кесишмайдиган боши берк кўчани эслатарди, холос. Уйлардан бири ҳозир бушаб қолган савдосотик хонаси, иккинчиси кечаю кундуз ишлайдиган мўъжазгина қахвахона, учинчиси эса устахона булиб, эшиги тепасига: “Жорж Уилсон. Автомобиллар харид қилиш, сотиш ва таъмирлаш” деган лавҳа осиглиқ эди. Биз ана шу ерга кириб келдик. Хона ичи бум-бўш, фақирона ҳолда эди. Устахонанинг бир бурчагида “Форд” русумли машина турарди. Шу пайт кичкина бир хонадан идора қилиш вазифасини бажарувчи бир киши қулларини эски латтага артганча чиқиб келди. У сап-сарик булса ҳам, истараси иссиққина кимса эди. Бизни кўриб, кузлари порлаб кетди.

- Салом, дустим Уилсон, — деди Том унинг елкасига шодон қоқиб. — Хуш, ишлар қалай?

- Ёмон эмас, - деди Уилсон. — Машинангизни менга қачон сотасиз?

- Кейинги ҳафтада. Ҳайдовчим созлаяпти.

- Шалоғи чиқиб кетмаганми ишқилиб?

- Ундай деманг, — совуққонлик билан жавоб қилди Том. - Агар кутишни истамасангиз, уни бошқа бировга сотиб юборишим мумкин.

- Йук, йўқ, - деди чўчиб Уилсон. - Мен шунчаки, ҳазиллашдим-да.

У охирида чайналиб қолди. Том бесаранжомлик билан ён-атрофга назар сола бошлади. Шу пайт зинапоядан тушиб келаётган кадам товушлари эшитилди. Орадан бир оз вақт ўтгач, миқтидан келган бир аёл ёнимизда пайдо булди. Афтидан, у семиришга мойил булса-да, лекин ҳаракатлари чакқон эди. Эғнида нўхат гулли ёзГи куйлак. Кишини ром этувчи чиройи бўлмаса-да, лекин нимаси биландир узига тортарди. Хуллас, биё-биёси бор эдида! Ғайрати жуш уриб турганлиги шундоққина куруниб турарди. У майин жилмайди, ёнида эри турганига парво ҳам қилмай, Томнинг ёнига келди-да, унинг кузларига маъноли тикилганча саломлашди. Сўнг лабини ялаб, эри томон қиё ҳам боқмай, бўғиқ овозда:

- Уларга курси олиб чиқсанг булармиди, — деди.

Уилсон “ҳозир, ҳозир”, деганча шоша-пиша қазноқ

томон югуриб кетди. Ён-атрофдан тарқалаётган шағал чанги эрининг устидаги кийимини ва сочларини кулранг тусга бўяган, лекин Томга жуда яқин масофада турган аёлнинг эғнида бундай ғубордан асар ҳам йўқ эди.

- Сен бугун менга кераксан, - деди Том буйруқ оҳангида. - Кейинги поездда кетамиз.

- Яхши, - деди аёл.

- Пастда, перронда, газета дукони ёнида учрашамиз.

Аёл Томнинг гапини маъқуллаб, бош силкиди-да, нари

кетди. Шу топ ичкаридан иккита курси кўтариб, Уилсон чиқиб келди.

Биз катта йўлга чиққач, сал нарироқда узимизни панага олиб, аёлни кутиб турдик.

Байрам кунлари яқинлашиб келмоқда эди. Нимжонгина бола темир йўл ёқалаб белги берувчи петардаларни териб чиқмоқда эди.

- Жуда хароба жойлар-а, тўтрими? - деди Том менга қараб.

- Ҳа, бундан баттари булмайди.

- Бечора аёл шу атрофни айланиб сиқилади, шунинг учун мен билан кўнгил ёзиб келгани бажонидил рози булади, - деди Том менга.

- Эри индамайдими?

- Уилсонми? У Нью-Йоркдаги синглизиникига кетяпти, деб уйлайди. Эри жуда овсар-да, ҳеч нимани сезмайди.

Шундай қилиб, Том Бьюкенен, бояги аёл ва мен биргаликда Нью-Йоркка йул олдик. Очигини айтадиган булсам, Уилсон хоним бошқа вагонда эди, чунки бу ердагиларнинг биронтаси унинг Том билан бирга кетаётганини билиб қолмасликлари керак эди.

Юпқа матодан тикилган куйлакда аёлнинг бадани тирсиллаб турарди. Пенсильвания вокзалида перрондан тушаётганида Том унга ёрдамлашиб юборди. Аёл газета киоскасидан журнал ва “Таун Тэтл”нинг бир сонини сотиб олди. Расталардан эса упа-элик билан атир харид қилди. Биз нимқоронғи йулдан юриб, тепага чиқдик. Аёл негадир кетма-кетига тўртта таксини ўтказиб юбордида, бешинчи — ичига кулранг мато қопланган, мовий рангдаги янги машинани тўхтатди. Бу машина бизни вокзал ғала-ғовуридан халос этди. Кўча куёш нуридан чароғон эди. Бир оз йул юргач, аёл шофёрга машинани тухтатишни ишора қилди ва йўлда кимдир кўтариб кетаётган кучукчани курсатиб:

- Мен ҳам шундай кучукча харид қилиб олмоқчиман. Бизнинг уйда ҳам кучукча яшаса нима қилибди? - деди.

Шофёр машинани тўхтатди. Жон Д. Рокфеллерга қуйиб қуйгандек ўхшаш оппоқ соч-соқолли чолга кузимиз тушди. У бўйнига саватча осиб олганди. Саватча ичида ўнга яқин зоти номаълум кучукчалар ғимирлашарди.

- Бу канақа зотдан? — сўради Уилсон хоним, чол машина ёнига яқинлашганида.

- Ҳар туридан бор. Хоним, сизга қайси зотдан керак?

- Мен немис итини ёқтираман. Шунақаси топиладими?

Чол саватчасига иккиланиб қаради-да, қўл узатиб бир кучукчани олди.

- Бу немис зотидан эмас! - деди Том.

- Ҳа, шундай, - деди чол ранжиганнамо. - Бу эрдельтерьер зотидан булса керак. - Чол саватчадан жигарранг тусдаги кучукчани кулига олди. - Унинг жуни қандайлигини бир кўринг. Жуда қалин. Бу кучукча касалга чалинмайди.

- У урғочи экан! - суюниб деди Уилсон хоним. - Қанча сурайсиз?

- Шу кучукчагами? - завқланиб кучукчани эркалатди чол. - Бунинг баҳоси 10 доллар.

Чол кучукчани Уилсон хонимнинг тиззасига ўтказдида, унинг орқасини силай бошлади.

- Бу ургочими, эркакми? - сўради аёл назокат билан.

- Буми? Ургочи эмас.

- Йук, ургочи, - ишонч билан деди Том. - Мана, пулингизни олинг. Бу пулга яна ўнтача кучук боласи сотиб олишингиз мумкин.

Биз тинч ва сокин бешинчи авенью кучасига чиқиб олдик. Кун илик, куёш чарақлаб турарди. Бугун якшанба эди.

- Илтимос, машинани тухтатинг, - дедим шофёрга. - Мен шу ерда тушиб қолмоқчиман.

- Йўг-э, нималар деяпсан? - деди Том норози оҳангда. - Яшаётган уйини кўрмасанг Миртл хафа булади. Тугрими, Миртл?

- Юринг биз билан, - илтимос қилди Уилсон хоним. — Мен Кэтринга кўнгироқ қиламан. Кэтрин синглим булади, у жуда соҳибжамол.

- Жон деб борган булардим, аммо...

Биз йўлда давом этдик, хиёбонни кесиб ўтиб ғарб томондаги кучалардан бирига чиқдик. 158-куча бўйлаб бир хил кўринишдаги уйлар қад ростлаб турарди. Шу уйларнинг бири олдида тўхтадик. Уилсон хоним уз пойгахтига қайтиб келган қироличадек ён-атрофга кибор

билан разм солди-да, сўнгра кучукчани ва узи харид қилган нарсаларни кўтарганча шахдам қадамлар билан уйи томон йўл олди.

- Мак-Кига телефон қиламан, улар ҳам келишсин, - деди Миртл биз лифтда юқорига кутарилаётганимизда. - Кэтринга кўнгироқ қилиш эсимдан чиқмасин.

Унинг уйи юқори қаватда экан. Бу уй мўъжазгина меҳмонхона, кичик ошхона, тор ётоқхона ва ҳаммомдан иборат эди.

Меҳмонхонага ўта катта мебель қўйилган булиб, у хонани бу бошидан нариги бошигача эгаллаган эди. Назаримда, туман қоплаган қоядаги

“товуқ” тасвирли катта суратни ҳисобга олмаганда, деворлар шип-шийдам эди. Бир оз нарига ўтсангиз, суратдаги товуқ умуман товуқ эмаслигини, балки бошига шляпа кийган, ёноқлари буртиб чиққан, ёши бир жойга бориб қолган кампир эканини пайқайсиз. Стол устида “Таун Тэтл” номли журналларнинг эски сонлари, “Пётр деб аталмиш Симон” номли китоб ҳамда бир нечта журналлар бетартиб ҳолда сочидиб ётарди. Уилсон хоним уйга кириши биланоқ кучукчани эркалай бошлади. Лифтчи бола истар-истамас ичига похол солинган кути ва сут излаб кетди, бир оздан сунг кути ва сут билан бирга бир тулука идишда итлар емишини ҳам олиб келди. Том жавондан бир шиша ичимлик олиб финжонларга қуйди.

- Мен ҳаётимда бор-йўғи икки маротаба маст булганманГ'— деди Том.

Уилсон хоним тортинмай-нетмай, Томнинг тиззасига утириб олди-да, кимгадир кўнғироқ қила бошлади. Чекишни баҳона қилиб, ташқарига чиқд.им. Ортимга қайтиб кирсам, меҳмонхонада ҳеч ким куринмади. Мен бир бурчакка тиқилиб олганча стол устидаги китобнинг бутун бир бобини уқиб чиқдим. Шароб ичиб олганим сабаблими ёки ҳамма нарса чалкаш тасвирлангани учунми, китобдаги воқеаларга тушуна олмадим. Том билан Миртл (биз биринчи қадахдан сунг Уилсон хоним билан бир-биримизнинг исмимизни айтиб чақира бошлаган эдик) меҳмонхонага чиқиб келдилар. Чақирилган меҳмонлар йиғила бошладилар.

Уй бекасининг синглиси Кэтрин кўпни кўрган, ҳддлиқомати келишган ўттиз ёшлар чамасидаги қиз экан. У юзига ҳа/удан ташқари қалин қилиб упа суртган, калта қирқилган малла сочлари устига шляпа кийиб олганди. Қошлари худди чизиб қўйгандай. Қўлларига алламбало тошлар тақиб олган. Кэтрин хонага дадил қадам ташлаганча зумда кириб келди ва уйдаги мебелларга уй бекасидек бир қур назар ташлашидан, ҳойнаҳой, у шу ерда яшаса керак, деб ўйладим. “Шу ерда яшайсизми?” деб сўраганимда, у хандон отиб кулиб юборди, сўнг дугонаси билан меҳмонхонада яшашини айтди.

Пастки қаватда яшовчи жаноб Мак-Ки куринишидан рангпар, хотинчалиш кимсага ўхшаб кетарди. Афтидан, яқиндагина соқолини

олган бўлса керак, юзида совун кўпиги қолиб кетганди. Ичкарига киргач, хийла вақт назокат ила йиғилганлар билан сураша кетди. У мен билан сурашар экан, “санъат аҳлидан” эканлигини айтди; кейинчалик унинг сураткашлигини билдим, деворда осиглиқ турган Уилсон хоним онасининг портретини чизган экан. Мак-Кининг хотини ўта заҳар, овози уткир, шу билан бирга гузал ва хумор кузли аёл эди. У менга мақтаниб, эри унга уйлангандан буён 127 марта суратга, олганлигини айтди.

Уилсон хоним кийим-бошини алмаштиришга улгурганди: энди у хонанинг у бошидан-бу бошига юрганида ҳилпирайдиган юпқа матодан тикилган қаймоқранг куйлак кийиб олганди. Бу куйлак унга жуда ярашган, чиройини очиб юборганди. Кундуз куни мен устахонада кўрган бу аёл тамоман ўзгариб кетганди. У кибр-ҳаво билан таманноли қадам ташларди. Унинг хандон отиб кулишлари, ноз-карашмалари-ю, имо-ишоралари ва қийшанглаши тобора ортиб бормокда эди.

- Эҳ, жонгинам, - дерди у синглисига баланд овозда, - йиғилганлар сендан қандай қилиб бирон нарса ундирсак экан, деган ўтиришибди. Ўтган ҳафта бир аёл кел-

ди, оёғимнинг тирноқларини олиб, бўяб кетди. Бу иши эвазига катта пул талаб қилса бўладими!

- Ўша аёлнинг исми нима экан? - сўради Мак-Ки хоним.

— Эберхардт хоним. Уйма-уй юриб мижозларининг тирноқларини текислайди.

- Менга кўйлагингиз жуда ёқди-да, Уилсон хоним,

- деди Мак-Ки хоним. - Ажойиб. Сизни жуда очиб юборибди.

Уилсон хоним менсимагандай қошларини учирди-да, талтайиб, бош силкиб қуйди.

— Бу эски куйлагим, - деди у. - Уни баъзида кўнглим тусаганда кияман.

— Ҳа, ҳа, куйлагингиз узингизга жуда ярашибди, - тинмай мақтарди Мак-Ки хоним. - Агар ҳозир сураткаш шу кийимингизда суратга олса борми! Ажойиб сурат буларди-да!

Ҳаммамиз Уилсон хонимга тикилиб қарадик. У эса пешанасига тушган бир тутам сочини тузаб қўйди-да, бизга табассум ҳадея этди. Жаноб Мак-Ки бошини қийшайтирганча Уилсон хонимга тикилиб ҳолди. Сунг худди суратга олвётгандек икки бармогини у томон чузди.

- Мен фақат чироқ нурина бошқачароқ қилиб, Уилсон хонимни суратга олган булардим, - деди у бир оз сукут сақлагач. - Чунки шунда юз пардози яққол кузга ташланади. Сочларини эса бор бўйи билан кадрга туширишга ҳаракат қилган булардим.

- Йук, мен чироқни сираям узгартирмаган булардим! - хитоб қилди Мак-Ки хоним. - Менимча, шу ҳолат айни муддао...

—Жим-м... - дея уни эри туртиб қўйди. Ҳаммамиз яна Уилсон хонимга кўз тикдик. Шу топ Том Бьюкенни эсноқ босиб, урнидан турди.

- Жаноблар ва хонимлар, буладиган ишдан гаплашайлик, бирон нима ичсак булармиди, - деди Том. - Миртл, ухлаб қолмасларидан ичимликларига яхдан солиб бер.

- Ях олиб келишни болакайга тайинлаган эдим, - Миртл беғам боланинг уз вақтида сўзи устидан чиқмагани учун норози оҳангда нимадир деб мингирлаб қўйди. — Болага иш буюр, орқасидан узинг югур, - дея менга қараб қўйди ва хандон отиб кулиб юборди. Сунг кучукчасини багрига босиб, упиб қўйди. Гуё бир тудга ошпазлар уинг фармонини кутиб тургандек, ошхона томон йул олди.

- Лонг-Айлекддаги уйимда эътиборга лойиқ бир-икки чизилган сурат бор, - деди ўзига бино қўйиб жаноб МакКи.

Том ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди.

- Ҳатто иккитаси уйимизда осифлиқ турибди.

- Қанақа суратлар экан, билсак буладими? - қизиқсиниб сўради Том.

- Иккита этюд. Улардан бирини мен “Монток бўртиғи. Чагалайлар” дея, иккинчисини эса “Монток буртиғи. Денгиз” деб номлаганман.

Малла сочли Кэтрин мен ўтирган диванга келиб, ёнимга чўкди-да:

- Сиз Лонг-Айлендда яшайсизми? - деб сўради.
- Мен Уэст-Эггда яшайман, - дедим.
- Йўғ-э? - ажабланди у. - Мен у ерга бир ой аввал боргандим. Гэтсби деган кишиникига. Сиз уни танитайсизми?
- Танийман, кўшним булади.
- Айтишларича, у Кайзер Вильгельмнинг ё жияни, ё амакиваччаси эмиш. Шунинг учун ҳам у ўта бадавлат экан-да.

Кўшним ҳақидаги бу ғаройиб суҳбатни Мак-Ки хоним булди. У Кэтринни бармоги билан курсатиб, тусатдан хитоб қилди:

- Честер, Кэтриннинг суратини чизсанг қандай бўларкин?!

Жаноб Мак-Ки истар-истамай бош силкиб қўйди-да, яна Томга юзланиб, деди:

- Агар имконим туғилса, Лонг-Айлендда жон деб ишлаган бўлардим. Аввал ишни бошлаб олсам, у ёғи хамирдан қил суғургандек кетарди-да.
- Миртлдан изн сўранг, - хахолаб кулди Том.

Шу топ кулида патнис билан Уилсон хоним кириб келди.

- У сизга тавсия хатини ёзиб беради, - деди Том, сунг:
- Миртл ёзиб берасанми? - деб сўради.
- Қанақа хат? ~ хайрон бўлиб суради Уилсон хоним.
- Эрингга тавсия хати ёзиб берасан. Жаноб Мак-Ки бир неча этюд яратиши керак деб. Том лабини қимтиганча

этиюд номлари ҳақида хаёл сура бошлади: - "Жорж Б. Уилсон устахонаси" ёки шунга ухшаш номлар...

Кэтрин менга янада яқинроқ сурилиб, қулоғимга шивирлади:

- Миртл эрини қанчалик ёмон курса, Том ҳам хотинини шунчалик ёқтирмайди.

- Қуйинг шунақа гапларни!

- Ҳа, куришга кузлари йўқ! - У аввал Миртлга, сунг Томга қараб қуйди. - Фикри ожизимча, ёқтирмайдиган одам билан яшашнинг нима кераги бор? Ажрашиб, сунг ёқтирганлари билан турмуш қурмайдиларми? Мен опамнинг урнида булганимда, шундай қилган булардим.

- Демак, Миртл эрини мутлақо яхши курмас экан-да?

Айтилган жавобдан гангиб қолдим. Саволимни эши-

тиб қолган Миртлнинг узи сурбетларча, “ха” деб жавоб берди.

- Ана, курдингизми? - гердайиб қараб қуйди Кэтрин, сўнг яна шивирлаб деди:

- Ҳамма гап унинг хотинида. У католик. Католиклар сираям ажрашмайдилар.

Дэзи мутлақо католик динидан эмасди, мен бу ёлғон гапнинг устомонлик билан айтилганидан ҳайратда қолдим.

- Улар турмуш қургач, Фарбга кучиб кетадилар. Жанжал тугамагунча улар уша ерда яшайдилар, - деди Кэтрин.

- Унда Европага кетганлари маъқул.

- Ҳа. Европани ёқтирасизми? - хитоб қилди Кэтрин дабдурустдан баланд овозда. - Яқинда Монте-Карлодан қайтиб келдим.

- Шундай денг!

- Ҳа, дугонам билан борган эдим.

- Қанча вақт булдинглар?

-Биласизми, Монте-Карлога бордигу, ортимизга қайтдик. Марсель орқали. Ёнимизда бир минг икки юздан ортиқроқ пулимиз бор эди.

Икки кун ичида хусусий ўйинхоналарда бизни шипшийдан қилиб шилиб кетишди. Уйга қандай аҳволда қайтиб келганимизни эсласак, даҳшатга тушамиз. Тавба, у шаҳарни кургани кузим йўх.

Бир дақиқа ташқарига бокдим. Осмонни булут қоплаганди. Мак-Ки хонимнинг ўткир овози хаёлимни булди:

- Мен ҳам шундай хатога йул қўйишимга бир баҳя қодганди, - деди у ҳаммага эшиттириб. - Бир неча йил ортимдан бир киши илашиб юрди. Фақир одамга турмушга чиқишдан худонинг узи сақлаб қолди. У тенгим эмаслигини билардим. Ҳамма менга: “Люсил, бу сенинг тенгинг эмас”, дерди. Агар Честер билан учрашиб қолмаганимда, у мени домига илинтирган буларди.

- Менга қаранг, - деди Миртл Уилсон бошини чайқаб, - бари бир сиз унга тегмабсиз-да.

- Ҳа, куриб турганингиздек.

- Мен булсам ёқтирмаган одамимга эрга тегдим, - деди Миртл маънодор оҳангда. - Сиз билан менинг турмуш тарзимиздаги фарқ ана шунда-да.

- Миртл, нега ёқмаган одамнингга турмушга чиқдинг?- суради Кэтрин.
- Сени ҳеч ким мажбур қилмаган эди-ку?

Миртл бу саволга дарҳол жавоб бермади.

- Мен уни қули гул уста деб ўйлагандим. Ишончимни оқламади, - деди у афсусланиб. - Уни топармон-тутармон одам деб ўйлагандим, аслида, у тенгим эмас экан.

- Бир вақтлар сен уни деб жинни булаёзгандинг, - гап қотди Кэтрин.

- Уни деб жинни бўлаёзгандим? - жаҳли чиқиб кетди Миртлнинг. - Бунга сенга ким айтди? Мана бу жанобни қанчалик ёқтирсам, уни пгунчалик ёқтирмаганман.

Миртл бармогини бигиз қилиб мени кўрсатди. Ҳамма менга таъна билан қаради. Мен, унга ҳеч қандай алоқам йўқлигини кўрсатмоқчи булгандек, узимни бепарво тута бошладим.

- Мен унга турмушга чиққанимдан сунг, ақлдан озаёздим. Лекин дарҳол хатомни англадим. У туйда кийиш учун ўртоғининг костюмини сўраб олган экан, менга бу ҳақда лом-мим демаганди. Орадан бир неча кун ўтгач, у уйда йуклигида уртоғи келиб костюмини қайтаришни сўраб қолди. “Ие, бу сизнинг костюмингизми?” дедим ҳайратдан ёқа ушлаб. “Тавба, биринчи бор эшитиб турибман”, дедим. Костюмни эгасига бериб юбордим, сўнг узимни тушакка отиб, алашимдан ярим тунгача йигладим.

- Ҳақиқатан ҳам у опамнинг тенги эмас, - деди Кэтрин қулогимга шивирлаб. - Улар ун бир йилдан буён устахона тепасидаги ҳужрада ит-мушук булиб яшаб келаяптилар. Том билан танишгунга қадар унинг бирон-бир дустри булмаган.

Оқшом давомида иккинчи виски шишасини бўшатишди, фақат Кэтрин ичмади, холос. Шусиз ҳам у яйраб ўтирарди. Том хизматкорни чақириб кечки овқатга бирон-бир егулик олиб келишни буюрди. Мен дамбад, ам кетишга чоғланардим, ғира-шира тушиб келаётган қоронғилик мени кетишга ундар, боққача яёв кетишни мулжаллар эдим, аммо ҳар гал қизғин баҳсларга араллашиб, оромкурсига михлангандек утириб қолардим. Балки шу онда қоронғи тушиб бораётган кучадан тасодифан утиб кетаётган бирон кимса чироғи ёқилган деразаларга қараб бу хонанинг ичида қандай инсоний сирлар яшириниб ётган экан, деб уйлаётгандир. Кўз олдимда ана шу ўткинчининг мафтункор қараши-ю, ўйчан нигоҳи жонланарди. Мен хонада ўтирган бўлсам-да, бу тасодифларга тўла ҳаётдан чўчиган ва сеҳрлаиган ҳолда хаёлан куча кезардим,

Миртл оромкурсисини ёнимга суриб утирди ва Том билан дастлабки учрашуви ҳақида ҳикоя қила кетди:

- Биз вагонга кираверишда ён томондаги ўриндикда утириб кетаётган эдик. Мен Нью-Йоркдаги синглимникига тунаш учун йул олгандим. Том эгнига фрак, оёғига локланган туфли кийиб олганди. Ундан кузимни узолмасдим, нигоҳларимиз тўқнашганда узимни тепадаги рекламаларни томоша қилаётганга солардим. Вагондан тушаётганимизда у ёнимда пайдо булиб қолди. У купчилик орасида мени тасодифан сиқиб кўйди. Унга полиция чақираман, деб дағдаға

қилдим. У ҳайрон булиб қолди. Мени машинасига утқазётганида узимни йукстиб қуйдим, бу таксими, метро вагоними, билолмай қолдим, миямдан “ахир дунёда бир марта, ҳа, бир марта яшайсанку”, деган уй “йилт” этиб ўтди.

У Мак-Ки хонимга қараб қуйди, сунғ сохта кулиб қуйгач, унга юзланиб:

- Жонгинам, - дея хитоб қилди. - Эгнимдаги кўйлагимни сизга совға қиламан. Эртага ўзимга янгисини сотиб оламан. Эртанги кун учун ишларимнинг режасини тузиб олишим керак. Жумладан, массажга ўтишим эарур, сунг сартарошхонага кираман, кейин кучукчамга бўйинбоғ, менга жуда ёқадиган пружинали кичик кулдон, сўнг онамнинг қабрига қўйиш учун ёз бўйи сўлмай турадиган гуллардан ясалган қора жиғали гулчамбар сотиб оламан. Булардан биронтасини унутиб қўймаслигим учун, албатта, уларни ёзиб қўйишим керак.

Чамаси, соат тўққиз эди. Жаноб Мак-Ки гўё суратга гушишга тайёрланиб турган обрў-эътиборли арбобдек муштларини тиззасига қўйганча ўтирган жойида ухларди. Мен дастрўмолимни олдим-да, кеча давомида ғашимга тегиб турган унинг юзидаги совун кўпиги доғларини артиб ташладим.

Кучукча стол устида ётганча очилмаган кўзларини папирос тутуни тўлиб кетган уйда пирпиратиб, ғингшиб қўярди. Кайфи ошган кишилар кириб-чиқиб турар, қаорга боришни маслаҳатлашар эдилар. Ярим тунга яқин мен Том Бьюкенен ва Уилсон хонимнинг бир-бирлари билан ғижиллашаётганини эшитиб қолдим. Уилсон хоним Гом билан юзма-юз турганча Дэзи исмини эшитишни ҳам хоҳламаслиги ҳақида тортишарди.

- Дэзи! Дэзи! - деб қичқирарди Уилсон хоним. - Дэзи исми жонингга тегмагунча қайтаравераман. - Дэ...

Томнинг жазаваси тутди Уилсон хонимнинг юзига гарсаки туширдн. Унинг бурни қонаб кетди, сочиқлар конга беланди. Миртл оғриққа чидолмай, қичқириб юборди. Жаноб Мак-Ки бу қичқириқдан уйғониб, ўрнидан турди-да, эшик томон йул олди. Кетаётган жойида гухтаб, ортига ўтирилди-да, булаётган воқеаларни бирпас кузатиб турди:

сурилган ўриндиклар орасида Миртлга ('рдам бериш ва уни тинчлантириш мақсадида Кэтрин чилан Мак-Ки хоним ҳали у томонга, ҳали бу томонга «'либ-югурардилар. Диванда жароҳат олган Миртл юзини н<)нжалари билан бекитиб олганча узала тушиб ётарди. /Каноб Мак-Ки бу ҳолни кўриб, ўзини бир четга олди.

Илгичдаги шляпамни олиб, мен ҳам унинг ортидан аста чиқиб кетдим.

- Келинг, енгил-елпи бўлсаям бирга тамадди қилиб олайлик, - дея таклиф қилди Мак-Ки лифтда пастга тушиб кетаётганимизда.
- Қаерда овқатланамиз?
- Истаган жойингизда.
- Дастакдан нари тулинг, - деди лифтчи бола.
- Кечирасиз, - дея кечирим сўради жаноб Мак-Ки. - Мен унга тегиб турганимни билмабман.
- Майли, тамадди қилсак қилибмиз-да, - дедим мен.

Бирга овқатландик. Сўнг мен Пенсильвания вокзали-

даги зах харракда ётиб, юмилиб кетаётган кўзимни ишқаганча “Трибюн” газетасининг эрталабки сонини кўздан кечирар эканман, соат тўртда жўнайдиған поездни интиқ кута бошладим.

УЧИНЧИ БОБ

Ёз кунларининг бирида кушнимнинг вилласидан кўшиқ овози эшитилди. Эркак ва аёллар меҳмонга келгандилар. Улар қўлларига май қуйилган кадаҳ ушлаб олганларича юлдузлар ёғдуси остида капалак мисол учаётгандек боғда сайр қилиб юрар эдилар. Кундуз кунлари сув тўлқинланаётган вақтда меҳмонлар сол устига қурилган минорачадан сувга калла ташлаётганларини ёки қум устида қуёшда товланиб ётганларини, икки моторли кема Лонг-Айленд бўғозиди ўқдек учиб юрганини ва улар ортидан купикли тўлқинлар ҳосил бўлиб қолишини томоша қилишнинг ўзгача гашти бор эди. Шанба ва якшанба кунлари

унинг “Роллс-ройс” русумли машинаси эрталабдан то ярим тунгача меҳмонларни шаҳарга олиб борар ёки у ердан олиб келарди. Унинг кўп ўринли “Форд”и ҳар бир поезднинг келиш вақтига қараб гўе учар кўнғиз каби станцияга ошиқарди. Душанба куни эса саккиз нафар хизматчи, шу жумладан, махсус ёлланган боғбон ҳам латта, чанг артгич, болға ва боғ қайчисини кўлларига олиб шанба, якшанба кунлари топтаб кетилган ерларни йиғиштириш ва тартибга солиш билан овора булар эдилар.

Ҳар жума куни Нью-Йоркдан олти саватда апельсин ва лимонлар келтириларди. Ҳар душанба куни шу апельсин ва лимонларнинг қовжираган пуслари орқа эшикдан ташҳарига чиқариб ташланарди. Ошхонада ярим соат ичида икки юзта апельсиннинг шарбатини сиқиб оладиган машина турарди. У тинмай шарбат чиқарарди.

Виллага ҳар ойда икки ёки уч мартаба кўплаб таъминотчилар қатнардилар. Улар узлари билан бир неча юз ярд брезент ва Гэтсбининг богида катта байрам арчасини ясатмоқчи булгандек жуда кўп миқдорда рангбаранг лампочкалар олиб келар эдилар, гўёки стол устида турли хил газаклар: зираворлару сон гўштлири, салатлар, хамир ичига солиб пиширилган чучқа гушти, олтин каби товланиб турувчи қовурилган куркалар қатор қилиб териб қўйилганди. Кираверишдаги катта хонага қурилган жавонда хилма-хил ичимликлар — арақ ва ликёрлар, аллақачон истеъмолдан чиқиб кетган ва келган меҳмонларнинг кўпчилиги номини ҳам билмайдиган қандайдир қадимий ичимликлар қатор териб қуйилган эди.

Соат етиларда олти нафардан иборат муסיқачилар, саксофон ва найга ўхшаш соз ҳамда катта ва кичик ноғоралардан иборат тўлиқ оркестр ўз жойини эгаллаб утирар эди. Чўмилишдан қайтиб келганлар эса, тепада кийинаётган эдилар. Кираверишдаги йўлакнинг ҳар икки томонида Нью-Йоркдан келган меҳмонларнинг машиналари бештадан саф тортиб турарди. Камалакдек жилоланиб турган муҳташам хона ва айвонларда сочлари сўнгги русумда турмакланган хизматчи ва оқсочлар тавозе сақлаб туришарди. Ошхонадагиларнинг қўли қўлига тегмасди, богнинг у ер-бу ерида хизматкорлар кўтариб юрган патнисдаги коктейлнинг хушбўй ҳиди ҳавони тутиб кетганди. Боғдаги меҳмонлар аста сайр этиб юришаркан, бир-бирлари билан

сухбатлашишар, мулозамат қилишар, ғийбатлашишар, бир-бирларининг исмларини билмасалар-да, назокат-ла таъзим қилиб сурашиб, утиб кетардилар. Атрофни қоронғилик чулғаб

олганди. Ёқилган чироқлар нури боғни чарогон қилиб юборганди, машшоқлар ажойиб куй чала бошладилар. Қўшиқчиларнинг овозлари бир парда юқори кўтарилди. Ён-атрофда кулгулар дақиқа сайин авж оларди. Ҳазилмутойиба кучайгандан-кучайиб борар, меҳмонлар давраси дам-бадам ўзгариб, янгилари билан алмашиб турарди. Бир давра тарқаб улгурмасидан иккинчиси пайдо буларди. Ёш, гузал хонимчалар орасида ўзини куз-кўз қиладиганлари пайдо бўлганди: улар ёши катгароқ хонимларнинг дам у ердаги-дам бу ердаги даврасига бир дақиқа қўшилиб, барчанинг эътиборини ўзларига тортар, сўнг қозонган муваффақиятларидан руҳланиб, яна бошқа даврага шўнғиб кетардилар.

Шу пайт кутилмаганда бир лўли аёл тетикланиб олиш учун меҳмонларга таклиф этилаётган хушбўй коктейлдан бирини олиб, бир кўтаришда ичиб юборди-да, югуриб брезент солинган майдончага чиқди ва ёлғиз ўзи мусиқага монанд рақсга туша кетди. Уртага бир дақиқалик сукунат чўкди. Сўнгра дирижёр рақсга мусиқа усулини мослай бошлади ва шу орада раққоса “Фоли” варьетесидаги Гильда Грейнинг дублёри эмиш, деган миш-миш тарқалди. Ниҳоят, зиёфат ҳам бошланди.

Мен Гэтсби вилласи остонасини ҳатлаб ичкарига кирдим. Бу шанба кунга тўғри келганди. Таклиф этилганлар озчиликни ташкил этарди. Бу ерга келишда мезбоннинг таклиф этишларини кутиб ўтирмас эдилар. Машинага ўтириб, Лонг-Айлендга Гэтсбиникига келаверардилар. Одатда, ҳар бир янги келган меҳмонни хўжайинга таништириб ўтардилар. Келувчилар шаҳардан ташқаридаги боғда ўзларини эркин тутиб, хурсандчилик қилар эдилар. Баъзи ҳолларда келган меҳмонлар хўжайин билан танишмасдан ҳам унинг меҳмондорчилигини мақтай-мақтай еб-ичиб, хурсанд бўлиб кетаверардилар. Лекин мен бугунги зиёфатга расман таклиф этилгандим.

Эрта тонгда уйимга заррин ёкали кийим кийиб олган ҳайдовчи кириб келди ва такаллуф билан кўлимга таклифнома тутқазди. Унда ёзилишича, шу бугун “кичик зиёфат”да иштирок этсам, Гэтсби буни ўзи учун юксак шараф деб ҳисоблар экан. У мени бир неча маротаба узоқдан кўрган экан. Анчадан бери меникига ташриф буюриш нияти бўлган-у, лекин қандайдир сабабларга кура, бу ниятини амалга ошира олмаганлигини ёзиб, имзо чекканди.

Соат еттидан ошганда мен оқ костюмда Гэтсби хонадонига кириб бордим. Ўзимни йигилган меҳмонлар орасида негадир ноқулай ҳис эта бошладим. Тўғри, бу ерда йигилган одамлар орасида шаҳар атрофига қатнайдиغان поездда бир неча бор учраган одамларга кузим тушди. Йиғилганлар орасида инглизларнинг куплиги мени ажаблантирди. Уларнинг кийимларидан нуқсон топиб булмасди, афтидан, бир оз очикқан куринардилар. Ташқаридан қараган одам бу кишиларнинг бадавлат эканликларига шубҳа қилмасди. Улар америкаликларга ниманидир тушунтирардилар. Мен шу ондаёқ улар нималарнидир — ё қимматбаҳо қогозларни, сугурта ҳужжатлари ёки автомашиналарни сотмоқдалар, деган хулосага келдим. Афтидан, мумай пулларни осонликча қулга киритиш уларнинг иштаҳасини янада очиб юборганди. Назаримда, улар ҳар бир сузни уйлаб айтсалар, бу пуллар узларининг ҳамёнига тушишига ишонч ҳосил қилган эдилар.

Виллага киргач, хонадон эгасини қидира бошладим. Бир-иккита одамдан уни сураганимда, менга ажабланиб қарадилар-да, сўнг унинг қаердалигини билмасликларини айтдилар. Хомуш тортиб, коктейллар турган стол томон йул олдим.

Уялганимдан улгудек ичмоқчи ҳам бўлдим, лекин шу топда кузим Жордан Бейкерга тушиб қолди. У хона ичидан чиқди-да, мрамар зинапоя устида гавдасини бир оз тик тутиб, пастдагиларга виқор билан қараганча туриб қолди. Мени кўрганидан хурсанд булдими, йўқми, билмадим, лекин узимга таниш яқин суҳбатдош топганимдан севиниб, яйраб кетдим.

- Яхшимисиз! - Дедим зинага яқинлашар эканман. Беихтиёр баланд чиққан овозим бог буйлаб таралди.

- Сизни, хойнаҳой шу ерда учратсам керак, деб уйлагандим, - деди Жордан мармар зинадан юқорига

кўғарилаётган пайтимда. - Ахир ўзингиз кўшни бўлиб яшашингизни айтган эдингиз-ку.

У кўлимдан оҳиста тутди-да, ёнимга бир оздан сунг келишини айтди, узи зинанинг пастидаги бир хил кўйлак кийган икки қизни саволга тутди.

- Салом! - деди иккала қиз бараварига. - Ғолиб бўлмаганингизга жуда ачиндик.

Гап гольф мусобақалари устида борарди. Ўтган ҳафтада Жордан рақибига ютқазиб қуйганди.

- Бизни танимаяпсизми? - деди сариқ кўйлак кийган қизлардан бири.
- Бир ой аввал сиз билан игу ерда танишган эдик.

- Ўшанда сочларингиз бошқа рангда эди, - эътироз билдирди уларга Жордан.

Мен сергак тортдим. Аммо қизлар анча нари кетиб бўлган эдилар. Жорданнинг бу танбеҳини улар қулоқларига илмадилар ҳам. Мен Жорданни тирсагидан аста олиб, зинадан пастга тушдим. Биз боғ буйлаб юра бошладик. Қоронғулик атрофга ўз чодирини ёйганди. Патнис кўтарган хизматкор қаршимиздан чиқиб келди, биз бир қадахдан ичимлик олиб, столга ўтирдик. Бу ерда ҳалиги сариқ кўйлакли қизлар ва уч эркак суҳбатлашиб утирар эдилар. Уларни бизга таништира бошладилар.

- Сизлар билан охирги марта келганимизда танишган эдик, - дадил жавоб қилди улардан бири. - Люсил, ўшанда сен ҳам келган эдинг-а? - мурожаат қюлди у дугонасига қараб. Люсил исмли қиз ҳам ўша куни келган экан.

- Ҳа, бу ер менга жуда ёқади, - деди Аюсил. - Мен беташвиш яшайман, шунинг учун ҳамма вақт димоғим чоғ. Ўтган сафар кўйлагим столга илиниб, йиртиб олгандим.

Бир киши исми-шарифим ва манзилимни сўради. Орадан уч кун ўтгач, Круарье номли кимса менга зиёфатга киядиган кўйлак юборибди.

- Сиз совғани қабул қилдингизми? - сўради Жордан.
- Бўлмасам-чи! Нега қабул қилмас эканман. Ўша кўйлакни бугун киймоқчи эдим, лекин уни бир оз торайтириш керак экан. Кўйлак жуда чиройли, Тошчалар ҳам қадалган. Нархи икки юз олтмиш беш доллар экан.

- Ҳар ҳолда, оддгай кимса буцдай совгани юбормайди, - ўзига бино кўйиб деди биринчи қиз. - Афтидан, у ҳеч кимнинг кунглини ранжитишни истамаса керак.

- Ким экан у? - сурадим мен.

- Гэтсби. Менга айтишларича...

Икки қиз ва Жордан тил бириктиргандек бошларини чайқаб кўйдилар.

- Менга айтишларича, у қачонлардир бир одамни улдириб кўйганмиш.

Ҳаммамизнинг этимиз жимирлаб кетди. Учта жаноб буйниларини чузганча гапга қулоқ сола бошладилар.

- Менимча, гап бунда эмас, - шубҳа билан эътироз билдирди Люсил. - У уруш пайтида немис жосуси булган :жан.

Эркаклардан бири бу фикрни тасдиқлаб, бошини ирғаб қуйди.

- Тўғри. Бу гапни унинг энг яқин кишисидан эшитганман. Улар Германияда бирга катта булишган экан, - дея у шоша-пиша гапига ишонтирмоқчи бўлди бизни.

- Бунга ишониш қийин, - деди биринчи қиз. - Ахир у уруш пайтида Америка армияси сафида хизмат қилган-ку.

- Биз яна қизнинг фикрига кўшилдик. У бўлса ўзи тўкиган 1'апида давом этарди: - Ўзини ҳеч ким курмаётганлигига ишончи

комил бўлганда унинг афт-ангори қандай тусга киришига бир эътибор беринг-а. Шубҳаланмасангиз ҳам булади. У қотил.

Қиз кўзларини қисиб, жунжикди. Люсил ҳам жунжика бошлади. Барчамиз ён-атрофга қараб, Гэтсбини қидира бошладик. Гэтсблда ҳақиқатан ҳам бир сир яширин.

Барча йиғилганлар бунда бир сир борлиги ҳақида пшвирлаша бошлади.

Ниҳоят, биринчи овқат тортилди. Иккинчи овқат ярим тундан сўнг берилиши мўлжалланган эди. Жордан боғнинг бошқа томонидаги столда ўтирган уз шериклари қаторига мени ҳам таклиф этди. Стол атрофида икки жуфт эр-хотин ва Жордан билан бир йигит ўтирарди. Негадир бошқалар билан сайр этиш ўрнига, алоҳида 1-урух бўлиб олиб, кимир этмай 5?тиришибди. Улар маҳаллий жамиятнинг нуфузли кишиларидан эканлигини кўз-куз қилганча ҳеч кимга қўшилмай киборлик билан алоҳида ўтирардилар. Ўтирганларнинг барчаси Ист-Эггда тугилган, улар бир-бирларига илтифот кўрсатиб келган эдилар. Шунинг учун уларга қўшилишмаётганди.

- Бу жойдан кетсак, нима дейсиз? - деди менга Жордан. - Мулозаматлардан чарчадим.

Иккимиз ҳам столдан турдик.

- Уй эгасини қидириб топмоқчиман, - тушунтирдим ўтирганларга. - У билан кўришмаганимдан узимни ноқулай ҳис этаяпман.

Талаба йигит илтифот билан кулимсираб, бош ирғаб қўйди.

Даставвал биз кирган хонада одам кўп бўлиб, жуда ғала-ғовур эди. У ердан Гэтсбини тополмадик. Жордан айвончага чиқиб, боққа кўз ташлади. Лекин уй эгаси кўриымасди. Ён биқиндаги айвондан ҳам уни тополмагач, таваккал қилиб ҳашамдор бир эшикни очдик ва кутубхонага кириб қолганимизни сездик. Кўзига кўзойнак таққан, тўладан келган қария ширакайф ҳодда жавондаги китобларга ўйчан термилиб турарди. У бизга ўгрфилиб қаради-да, Жорданга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

- Бу ер сизга ёқадими? - сўради қария.
- Нимани назарда тутаяпсиз?

У китоблар териб кўйилган жавонларни кўрсатиб, деди:

- Мана буларни. Текширмасангиз ҳам бўлади. Ҳаммаси кўриқдан ўтган. Барчаси ҳақиқий.
- Китобларми?

Қария маъкуллаб, бош силкиб кўйди.

- Барчаси асл нусха. Қалбакиси йўқ. Саҳифалари жойжойида, муқовалари ҳам. Мен бу ерда фақат иккинчи нусхаларини кўйиб кўйганлар, деб ўйлагандим, қарасам, барчаси асл нусхалар экан. Мана, ўзингиз кўринг!

Биз ғалати аҳволда унга қараб турганимиз ^унми, қария жавон ёнига бориб китоблардан бирини суғуриб олди-да, бизга узатди: бу Стоддарднинг “Маърузгилар” китобининг биринчи жилди эди.

- Кўрдингизми? - деди у мамнун оҳангда. - Китоб ажойиб нашр этилган.

Мен чув тушгандим. Бу нусха иккинчи Беласкодир. “Бу шоҳ асар, шундай эмасми? Қаранг-а! Бирон бети қирқилган эмас”.

У қулимдан китобни тортиб олди-да, шоша-пиша жойига кўйиб кўйди. “Агар бир ғишт жойидан олинса, бутун бошли бино қулаши мумкин”, дея ғулдиради.

- Сизларни бу ерга ким бошлаб келди? - сўради у биздан. - Балки ўзингиз келгандирсиз? Мени бу ерга бошлаб келишди. Бу ерга деярли барчани бошлаб келадилар.

Жордан унга қараб кулиб қуйди-да, гапига жавоб қайтармади.

- Мени Рузвельт исм-шарифли бир хоним бу ерга бошлаб келди, - гапида давом этарди қария. - Клод Рузиольт хоним. Эшитганмисиз? Кеча мен у билан танишиб қолгандим. Биласизми, икки ҳафтадан буён

ичаман. Шунинг учун ҳам тезроқ кайфим тарқасин, деб шу ку губхонада ўтирибман.

- Хуш, ёрдам бердимми?

- Ҳа, назаримда бир оз ёрдам берди. Ҳали хулоса қилишга эрта. Бор-йўги бир соат булди келганимга. Ҳа, м(Ч1 сизларга китоблар ҳақида сўзлаб бермадимми? Бил<1 сизларми, улар ҳақиқий нусхада. Улар...

- Булар ҳақида гапирдингиз.

Биз қариянинг қулини қисиб қўйдик-да, яна бог томон

11VA олдик.

Майсалар устига ташланган брезент устида рақсга тушастган эдилар. Қариялар ёш қизлар билан бесунақай х,,1|)акат қилиб, рақсга тушардилар, чет-четда ўзига биИД қуйган жуфтликлар гавдаларини чиройли тутиб, му(пқага мос рақс ижро этардилар. Кўпчилик қизлар билг.шларича ўйнардилар. Тун яримлаганда хурсандчилик .тжга чиққан эди. Машҳур ижрочи итальянча шўх қўN in қ айтди. Тўпланганлар ўзларича хурсандчилик қил.ір, атрофни самимий кулги босганди. Сарик қўйлак кийиб олган эгизак қизлар болалар ҳаётидан бир саҳна нжро этишди, хизматкорлар эса қадахларда шампань

ичимлигини тарқатмоқда эдилар. Тулин ой ён-атрофга нур сочар, сув бетига унинг акси тушиб турарди.

Мен ҳамон Жордан Бейкер билан бирга эдим. Ортимиздаш столда икки одам утирарди: бири мен тенги эркак иккинчиси эса ҳар нарсага қотиб-қотиб кулаётган очик чехрали бир қизча эди. Менинг ҳам кайфиятим кўтарилди. Икки қадах шампань ичимлигидан ичдим-да, узоқ ўйга толдим. Ғала-ғовур бир оз тинчигандек бўлди. Ортимдаги столда ўтирган эркак менга қараб, кулиб Қўйди.

- Кузимга иссиқ кўринаяпсиз, - деди у очик чехра билан, - Сиз уруш вақтида мабодо учинчи дивизияда хизмат қилмаганмисиз?

-Тўгри топдингиз. 'Тўккизинчи уқчи батальонида хизмат қилганман.

- Мен эсам 1918 йилнинг июнидаги сафарбарликкача еттинчи пиёдалар полкида хизмат қилганман. Шунинг учун кузимга иссик куришибсиз-да. Қаерда курганман дедим-а!

Биз бир оз вақт зах босган, курибсиз, ёмғирли фрай- цуз кишлоқларини эладик. Сунгра у яқинда сув устига қунадиган самолёт сотиб олганини ва эртага эрталаб уни синамоқчи эканлигини айтди. Бу гапидан мен унинг шу атрофда истиқомат қилишини билиб олдим.

- Балки эртага менга шерик буларсиз, биродар? Бугоз қирғоги буйлаб самолётимда учиб курмаймизми?

- Қай вақтда? - сурадим мен.

– Сиз хоҳлаган пайтда.

Мен энди шеригимнинг исми-шарифини сўрамоқчи бўлган ҳам эдимки, Жордан менга табассум билан қараб сўради:

~ Хуш, суҳбатлашиб бўлдингизми? Юрагингизни ёзиб олдингизми?

~ Ҳа, раҳмат, сўзлашиб олдик, - дедим ва ҳозиргина гаплашган танишимга юзланиб:

– Уй эгасига нотаниш меҳмон бўлишга ҳеч кўника олмаяпман. Мен уй соҳиби Гэтсби билан танишмоқчи эдим. Қушни турамиз. Ҳайдовчисидан менга таклифнома жўнатган экан, - деб уйим тарафни кўрсатдим.

Суҳбатдошим менга паришон ҳолда қараб турганлигини сезиб қолдим.

- Гэтсби мен буламан, — деди шеригим тўсатдан.

- Ростданми?! - дедим шоша-пиша. — Худо ҳаққи, кечиринг мени.

- Мени танийсиз деб уйлагандим. Демак, яхши мезбон эмас эканман-да.

У менга хушмуомалалик билан жилмайиб қараб турарди. Шу топда чехрасидаги табассум йўқолди ва куз ўнгимда уттиз ёшлар чамаси, дабдабали гапларга кулгили даражада ҳавасманд бўлган, узига бино

куйган одам намоён бўлди. Гапирганда сузларни чертиб-чертиб ишлатишга ишқибозлигини сездим. Унинг ким эканлигини яхши билмасдим.

Шу пайт бир хизматкор югуриб келди-да, уни Чикагодан телефонга чақиришаётганини айтди. У урндан турди-ю, биздан узр сўраб, хар биримизга таъзим қилди.

- Биродар, сиз бу ерда тортиниб ўтирманг, кўнглингиз бирон нарса тусаса, дарҳол хизматкорга айтинг. Мен тезда қайтаман. Афв этасизлар.

У кетиши билан мен Жордан томонга угирилдим: унга ҳайратга тушганлигимни айтишга ошиқардим. Негадир мен жаноб Гэтсбини ёши бир жойга бориб қолган, қо~ риндор, қип-қизил гўштдор юзли одам булса керак, деб 1'асаввур қилардим.

- У ким ўзи? - сўрадим Жордандан. - Сиз биласизми?

- Бор-йўти Гэтсби деган бир кимса.

- У қаерлик? Нима иш билан шугулланади ?

- Бошқаларни қизиқтирган саволни сиз ҳам бераяпсиз, - деди Жордан кулимсираб. - Бир нарсани айтишим мумкин: у менга бир вақтлар Оксфордда ўкиганини айтди-анди, холос.

Унинг кимлиги аста-секин ойдинлашаётган эди, аммо /Жорданнинг кейинги гапи фикримни чалкаштириб юборди.

- Мен бу гапга ишонмайман.

- Нега?

- Негалигини ўзим ҳам билмайман, - дадиллик билан деди у. - Назаримда, у Оксфордда ҳеч қачон булмаган.

Унинг гап оҳанги сариқ кўйлак кийган қизнинг “Менимча, у қотил”, деган гапини эслатарди. Бу ҳол қизиқувчанлигимни ошириб юборди. Агар Гэтсби Луизиана ботқоқлиги атрофида ёки Нью-Йоркдаги Ист-Сайднинг қашшоқлар даҳаларидан бирида туғилган десалар, мен

ажабланмаган ва ҳайратга тушмаган бўлардим. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йуқ. Келиб чиқиши номаълум бўлган ёш йигитлар Лонг-Айленд бўғози соҳилидаги ҳашаматли уйларни харид қилсалар, йўқ, бунга ишониш қийин. Мендек тажрибасиз бир қишлоки бундай бўлишига сира ишонмайман.

- Уникидан меҳмонларнинг оёғи сира узилмайди, - деди Жордан. - Менга купчилик билан утказилган зиё- фатлар жуда ёқади. Кишилар билан сўзлашиб, баҳридилинг очилади. Ўзингни кичик меҳмондорчиликда эркин ҳис этмайсан. Бу ерда эса...

Оркестрдаги катта ноғора янгради, дирижёр ғовурғувурни босувчи жарангдор овози билан:

- Хонимлар ва жаноблар! Жаноб Гэтсби илтимосига кура, сизларга ҳозир Владимир Тостовнинг шу йил май ойида Карнеги-Холлда катта таассурот қолдирган янги асарини ижро этамиз. Газетада укиганлар бу ҳол катта шов-шувга сабаб бўлганлигини билсалар керак, - дея шодон кулиб, қўшиб қўйди: - Фу-рор! Зўр!

Ён-атрофдагилар кула бошладилар.

- Шундай қилиб, - у яна овозини кўтариб гапида давом этди: - Марҳамат, тингланг, Владимир Тостовнинг янги асари!

Г

Аммо жаноб Тостовнинг асарига баҳо бериш менга насиб этмади. Чунки мусиқа бошланиши биланоқ Гэтсбига кўзим тушди. У мармар зинапояннинг энг юқори қисмида турганча мамнунлик билан тўда-тўда бўлиб турган одамларни кўздан кечираётган эди. Қуёш нурида тобланган бугдойранг чехраси мағрурона боқарди. Калта олинган сочлари гўё ҳар куни текислатиб турилгандек тартибли кўринарди. Кўринишидан ёмон одамга ўхшамасди. Ичкиликни мутлаҳо оғзига олмаслиги сабаб у меҳмонлар тўдасидан ажралиб турарди. Бу ердаги зиёфат қанчалик дабдаба билан ўтмасин, у ўзини шунчалик сипо ва босиқ тутарди. Оркестр чалаётган куйнинг сўнгги оҳанглари жаранглаётганида баъзи қизлар нозланиб қилпанглаганча эркакларнинг елкаларига бошларини қўйиб олгандилар, эркаклар ҳам

бақувват қўллари билан қизларнинг белларидан қучиб турардилар. Хуллас, кўнгиллари истаганча мириқиб уйнаб-кулишарди. Лекин биронта аёл Гэтсбининг елкасига бошини қуйишга ботина олмасди.

- Кечирасиз.

Ёнимизда хизматкор пайдо булди.

~ Сиз Бейкер хониммисиз? - сўради хизматкор. - Кечирасиз, жаноби Гэтсби сиз билан холи сўзлашмоқчи эканлар.

- Мен билан? - ажабланиб суради Жордан.

- Ҳа, хоним.

Жордан менга қаради-да, ҳайратланганча қошини учирди ва урнидан туриб хизматкор ортидан кета бошлади. Унинг ортидан қараб қолдим. У жуда енгил қадам ташлаб борарди. Эғнидаги узун куйлагида ҳам худди спорт костюми кийиб олгандек енгил одимлаб кетиб борарди.

Мен ёлғиз қолдим. Соат миллари тунги иккини курсатиб турарди. Ойналари айвонга очилган хонадан қандайдир сирли овозлар қулоққа чалинди. Жорданнинг галаба таниши мени хонанда аёллар билан суҳбатга тортмоқчи булганини сезиб, узимни олиб қочдим-да, уйга кириб кетдим.

Катта меҳмонхона меҳмонлар билан лик тула. Сарик қўйлакли қиз рояль чалаётганди. Юз тузилиши беухшов, баланд буйли, малла сочли аёл ашула айтмоқда. У шампань виносидан туйгунча ичиб олганди, шу сабабли ашула айтаётиб, хўнграб йиглаб юборди. Қўшиқнинг ҳар бир паузасида ички нидо билан хурсиниб қўяр, сўнгра яна мусиқа садоси остида қўшиқни давом эттирарди. 1чўзидан оқаётган ёш қуюқ бўялган киприкларига илиниб қолар, сўнгра қора бўёқ яноқлари бўйлаб оқиб тушарди. Ҳазилкаш бир кимса “у қўшиқни юзида ёзилган нотага қараб айтаяпти”, деб атрофдагиларни роса кулдирди. Буни эшитиб қолган қушиқчи аёл қулини силтаганча, узини оромкурсига ташлади-ю, зумда қотиб ухлаб қолди.

- У эри билан жанжаллашиб қолган, - изоҳ берди ёнгинамда турган ёш қиз.

Мен ён-атрофга қарадим. Кетишга улгурмаган купчилик хонимлар эрлари билан жанжаллашмоқда эдилар. Ҳатто Жорданнинг ҳамроҳлари ҳам тортишиб қолишди. Эркаклардан бири ёш актриса билан суҳбатлаша кетди, унинг хотини аввалига узини гуё рашк қилмаётгандек тутиб турганди, охири аёлнинг сабр-тоқати тугади, дам-бадам эрининг ҳали у ёғидан, ҳали бу ёғидан бориб, унинг қулогига: “Суюқлик қилмайман деб ваъда бергандинг-ку”, дея шивирлаб, турткилай бошлади. Қолаверса, фақат енгилтабиат эркакларгина уйга кетишга ошиқмас эдилар. Эшик тагида унча кайфи ошмаган иккита оилали жуфтлик баҳс қиларди. Уларнинг хотинлари ҳасратлашиб, овозларини хиёл кўтарганча узаро гап сотар эдилар:

. - Менинг яйраётганимни куриб қолса борми, дарҳол “кетамиз”га тушиб қолади.

- Умримда бунақа сурбет эркакни курмаганман.

- Доим биз биринчи булиб кетиши!миз керак.

- Нимасини айтасиз, биз ҳам.

- Аммо бугун зиёфатда охиригача утирдик, - эътироз билдирди эркаклардан бири журъатсизлик билан.

Оркестр кетганига бир соат булди.

Қулоқ эшитмаган жоҳилликда айблабган эркаклар охир-оқибат галаба қозондилар. Бир оз тортишувдан сўнг қаршилик курсатиб турган хонимлар эрларини култиғидан тутганча ташқарига олиб чиқиб кетдилар.

Мен бош кийимимни олиб чиқишларини пойлаб турганимда, кутубхона эшиги очилиб, ичкаридан Жордан Бейкер билан Гэтсби айвонга чиқиб келишди. У аста юриб келаркан, ниманидир ҳаяжонланиб гапирарди. Уни кўрган бир неча одамлар хайрлашгани ёнига келдилар. Шу заҳоти Гэтсбининг юзидаги ҳаяжон урнини оқсуякларга хос илтифот эгаллади,

Жорданнинг ҳамроҳлари эшик олдида туриб, тезроқ кетишлари учун шошилтириб чақира бошладилар. Аммо у мен билан хайрлашиш

мақсадида бир зум тўхтаб қолди.

- Мен ҳозир мутлақо ақлга сиғмайдиган бир ҳикояни эшитдим, - дея шивирлади қулогимга. - Нима, биз у ерда узоқ қолиб кетдикми?

- Бир соатга яқин.

- Ҳа, ҳечам ақлга сиғмайди, - паришонхотирлик билан деди у. - Унга бу воқеани ҳеч кимга айтмайман, деб сўз бердим, игунинг учун вақтингизни олиб ўтирмайман, - деди-да, эснаб қўйди. - Вақт топиб бизникига қадам ранжида қилсангиз, жуда хурсанд булардим... Телефонимни маълумотномадан олишингиз мумкин... Рақамимни қидирмоқчи булсангиз, Сигурни Хауорд хонимнинг телефон рақамини қидиринг... У менинг холам бўлади...

Бейкер хоним эшик ёнида уни кутиб турган хамроҳлари ёнига кетди, Менга қулини силкиб қўйди.

Биринчи ташрифимдаёқ бу ерда узоқ қолиб кетганлигимдан узимни бир оз ноқулай ҳис этганимча хайр-хуш қилиб кетаётган охириги меҳмонлар қуршовида турган Гэтсбига яқинлашдим. Мен унга бутун оқшом давомида уни қидириб, узимни таништирмоқчи бўлгандигимни айтмоқчи эдим.

- Қўйинг-е, хижолат бўлманг, буни кўнглингиздан чиқариб ташланг, биродар, - деди у елкамга қулини қўйиб. - Эсингиздан чиқмасин: эрталаб соат тукқизда сиз билан гидропанда учиш учун йул оламиниз-а? Сизни кутаман. Кечикманг.

Аммо шу тоб ортидан келган хизматкори:

- Жаноб, сизни Филадельфиядан сўрашяпти, - деди.

- Ҳозир, мени бир дақиқа кутиб турсинлар... Хайрли оқшом, биродар.

- Хайрли оқшом.

- Меҳмондорчилик роса чўзидди-да, - дея Гэтсби мийигида кулимсираб қўйди.

- Яхши ётиб туринг... Хайр... - деб уйимга йўл олдим.

Мен Гэтсбининг уйидан чиққанимда зиёфат ҳали

ҳам давом этаётганди. Эллиқ қадамлар олдинда ўнлаб

енгил машиналарнинг чироқлари тун қоронғисида кўзга ташланмайдиган тартибсиз манзарани ёритиб турарди. Ўнг тарафи урилган, олд ғилдираги чиқиб кетган, икки ўриндиқли машина йўл ёқасидаги ариққа тушиб кетганди. Машина деворнинг чиқиб турган қиррасига бориб урилганидан икки олд ғилдираги чиқиб кетганди. Бир неча ҳайдовчилар машиналаридан тушиб, содир бўлган бу ҳодисани қизиқиш билан томоша қилганча, машинанинг у ер-бу ерини ушлаб, пайпаслаб кўрардилар. Шу орада йўлда тирбандлик ҳосил бўлди. Юрмоқчи бўлган машиналарнинг сигналлари тўхтовсиз чалиниб, кулоқни қоматга келтирарди. Эгнига рўдапо кийим кийиб олган кимса ғилдираги эзилиб ётган машина ичидан чиқди-да, йўлнинг ўртасида қаққайганча туриб қолди ва саросимага тушиб, дам машинасига, дам ғилдиракка, дам йиғилганларга жавдираб қарар эди.

- Кўряпсизми? - деди у ниҳоят, - ариққа тушиб кетдик.

Содир бўлган воқеа уни саросимага солиб қўйганди. Бу чехра менга таниш кўринди. Мен уни дарҳол танидим — бу Гэтсби кутубхонасида ёлғизликда ўтирган кимса эди.

- Бу воқеа қандай содир бўлди? - сўрадим мен.

У елкасини қисиб қўйди.

- Мен техникадан тамоман узоқман, - деди у бир оз ўзига келгач.

- Қизик, лекин бу қандай содир бўлди? Деворга бориб урилдингизми?

- Асло сўраманг, - деди ҳафсаласи пир бўлиб Филлин. - Мендан машина ҳайдовчиси чиқмайди. Шундай бўлиб қолди, тамом-вассалом.

- Тажрибасиз ҳайдовчи экансиз, машинангизни тунда ҳайдамасангиз бўларди.

- Мен ҳали йўлга тушмагандим, - деди у жаҳл билан. - Умуман, рулни ушлаганим ҳам йўқ.

Тўпланганлар бу гапни эшитиб қотиб қолдилар.

- Сиз, ўз жонингизга қасд қилмоқчи бўлдингизми?
- Омон қолганингизга шукур қилинг. Рулга ўтирармиш-у, ҳайдашни билмас эмиш!
- Сиз мени нотўғри тушундингиз, - эътироз билдирди машина эгаси.
~ Мен умуман рулга ўтирганим йўқ. Машина ичида икки киши эдик.

Бу гап барчани ҳангу манг қилиб қўйди. “Уҳ-хў!” деганча ёқаларини ушладилар. Шу топ машина эшиги аста очилди. Йиғилган одамлар беихтиёр ортга тисарилдилар. Эшиги катта очилгач, ўртага узоқ жимлик чўқди. Сўнг машина ичидан бир кимса чиқа бошлади. У оёғи билан пайпасланиб, оёқ қўйишга жой қидирарди. Фараларнинг ёрқин нуридан, машиналарнинг тўхтовсиз сигнал чалишларидан талмовсираб қолган бу шарпа гандираклаганча у ёқдан-бу ёққа бориб-келарди. Ниҳоят, унинг кўзи шеригига тушди.

- Нима гап? - пинагини бузмай суради у. - Бензин тугаб қолдимми?
- Сиз мана бунга қаранг!

У бармоқларини бигиз қилиб, отилиб кетган ғилдиракни курсатди. Каловланиб қолган киши унга бир оз тикилиб турди-да, сўнгра бу ғилдирак осмондан тушган булса керак, деб осмонга қаради.

- Осмондан узилиб тушди, - тушунтирди кимдир.

Кайфи ошган кимса бош ирғаб қўйди.

- Мен бўлсам бир жойда турганимизни сезмабман ҳам.

Орага жимлик чўқди. Сўнгра у кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, қаддини ростлаб жиддий сўради:

- Қаерда бензин қуйиб олса бўлади, ким билади?

Бир неча киши унга машинанинг ғилдираги чиқиб кетганини тушунтира кетди.

- Сиз орқа1‘а юринг, - деди у. - Орқага, кейин олдинга.

- Ахир ғилдираги йўқ-ку!

У хайрон бўлиб туриб қолди.

- Ҳаракат қилиб кўрса бўлади, - деди у ниҳоят.

Машина сигналларининг овози авжга чиқди. Мен шарт

ўгирилдим-да, майсалар устидан одимлаб, кулбам томон кетдим.

Кетаётиб, ортимга қарасаммикан деган хоҳиш пайдо бўлди менда.

Тўлин ой булутлар орасидан чиқиб, Гэтсби вилласи устида нўр сочиб турарди. Тун ниҳоятда ажойиб эди. Чарогон чироқлар билан ёритилган боғда

кулги ва хурсандчилик овозлари аллақачон тўхтаган. Атрофни сокинлик қамраб олганди, енгил шабада эсар, виллада эса Гэтсбининг ёлғиз узи қолганди.

Ёзганларимни ўқиб, бир неча ҳафта бўлиб утган кечки зиёфатлардаги воқеалар билан яшабман-да, деган таассурот ҳосил булди менда.

Аслида, бу ёзда бўлиб ўтган воқеанинг тасодифий кўринишлари эди, холос. Ҳар ҳолда, ўша пайтда мен уларга узимнинг шахсий ишларимга қараганда жуда кам вақт ажратган эдим.

Бекорчи эмасдим, ишлардим. Қуёш ётоғидан бош кўтарганда, яъни эрта тонгда мен Нью-Йоркнинг гавжум қисмида жойлашган ишхонамга шошиб кетаётган бўлардим. Мен қимматбаҳо қоғозлар савдоси билан шугулланадиган барча ёзув-чизув ишларини олиб борадиган ёш хизматчилар билан тил топишиб ишлардим. Шунингдек, агентларни номма-ном билардим. Биз гавжум, нимқоронги ресторанда чучқа гуштидан тайёрланган сосиска ва қахва ичиб нонупгга қилардик. Бизда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган Жерси-Ситидан келган бир қиз билан орамизда ошиқ-маъшуклик пайдо булди. Унинг акаси мен билан учрашганда ухрайиб қарайдиган булиб қолди. Севгилим июль ойида таътилга кетганида мен орамиздаги муҳаббатимизга нукта қўймоқчи бўлдим.

Г

Иель клубида тушлик қилаётган эдим. Негадир қилаётган ишларим ичида бу энг қийини эди. Юқорида жойлашган кутубхонага кириб, сармоялар ва кредитлар сир-асрорини ўрганиш мақсадида тинмай китоблар ўқирдим. Клубга доимий келувчилар орасида бекорчилар талайгина эди. Улар кутубхонага кирмасдилар. Шу сабабли ҳам, бу ерда тинчгина китоб ўқиш мумкин эди. Агар ҳаво яхши бўлса, мен эски Меррэй-хилл меҳмонхонаси ёнидан ўгиб, Мэдисон-авеню бўйлаб пиёда кетардим. Уттиз учинчи кўчага бурилиб, Пенсильвания вокзалига чиқиб олардим. Шошмай қадам ташлар эканман, Нью-Йоркнинг гўзал оқшомларини, тўхтовсиз ҳаракатдаги одамлару, серқатнов машиналарни томоша қилиб кетардим. Менга айниқса, бешинчи авенюда сайр қилиш ва одамлар орасидан хушрўй аёлларни қидириб топиш жуда ёқарди, сўнг ширин хаёлларга берилиб кетардим: ҳозир мен сулув аёлларнинг бирини кўз остимга оламан. Буни ҳеч ким сезмайдиам, мени айбламайдиам. Хаёлан гўзал маликаларни уйларигача ёки сирли кўча муюлишларигача кузатиб қўярдим. Улар эшикларини очиб, ичкарига киришларидан аввал ўгирилиб менга бир қараб қўярдилар ва жилмайишимга жавобан табассум ҳадя этардилар. Баъзан мени пойтахтнинг гира-шира кучаларида негадир ёлғизлик ҳисси чулғаб оларди ва бундан кутулиш учун ресторанда ёлғиз овқатланар, сўнг кўрғазмаларни томоша қилиб, санғирдим. Оқшомнинг яхши дамларини самарасиз ўтказаётган камбағал ёш хизматчилар нигоҳида ҳам шу ҳолатни курадим.

Соат саккизлар чамаси қирқинчи тор кучаларда машиналар шовқини ҳамма ёқни тутиб бораётганида севган қизимни соғиниш ҳисси юрагимни уртаб борарди. Чорраҳаларда туриб қолган таксилар ичидаги ноаниқ шарпалар бир-бирларига қапишиб, суйкалишарди, қулогимга ҳазил ҳузул гаплар ва кулгилар, кушиқ оҳанглари узуқ-юлуқ эшитиларди. Мен ҳам қаергадир шошардим, гўё мени қандайдир хурсандчилик кутиб тургандек туюларди, мен бегоналарнинг хурсандчилигига шерик булиб борардим, уларга фақат яхшилик тилардим.

Аича вақтгача Жордан Бейкер билан учрашмадим. Ёзнинг иссиқ кунларида у билан кўришиб қолсам бўладими. Авваллари одамлар кўз

ўнгида у билан бирга юриш менга жуда хуш ёқарди, чунки гольф ўйинининг чемпиони бў.'и'анлиги учун уни ҳамма танир эди-да. Мен учун бу шараф эди. Сўнгра биз янада яқинлашиб кетдик. Уни севмасам-да, лекин қандайдир нозик қизиқувчанлик мени у томон тортиб -гурарди. Ниҳоят, бу ҳисни тушуниб етдим. Чемпионлигига бўлган қизиқишим бир баҳона эди, холос. Аслида, қизиқишим игут^чаки кур-кўрона эди. Аммо эртами-кечми ас\ ҳақиқат руёбга чиқади. Ниҳоят, мен гап нимада эканини тушундим. Кунларнинг бирида биз у билан бирга Уорикедаги хонадонлардан бирига меҳмон бўлиб бордик, у бировнинг усти очик машинасини ёмғир остида қолдириб, ичкарига кирди, сўнг бамайлихотир ёлғон сўзлай кетди. Шунда мен тўсатдан у ҳақида тарқалган ва Дэзилар хонадонидан биринчи бор

у билан учрашганимда чалароқ эшитиб қолган бир гап эсимга тушди. Гольф бўйича ўтказилган биринчи катта мусобақада унинг иштирокидаги бир воқеа сал булмаса газеталарда босилиб чиқай деганди. Ярим финал ўйини вақтида нобопроқ жойда турган тўттини қулайроқ жойга суриб қуйганлигини билиб қрлишади. Тусатдан жанжал кўтарилиб кетишига бир баҳя қолади. Ёулини топиб, бости-бости қилиб юборишган экан. Ключкаларни кутариб юрадиган бола узининг дастлабки курсатмасидан воз кечибди, бунинг гувоҳи булган бошқа одам “мен балки хато қилгандирман”, дебди. Шу воқеа миямда чалачулпа сақланиб қолганди.

Жордан Бейкер негандир ақлли, зийрак одамлардан ўзини олиб қочарди. Бунинг сабаби энди менга маълум. Инсон ўзини тутиш борасида қабул қилинган меъёрларга баъзи бир одамларнинг хатти-ҳаракатлари туғри келмаслигини хаёлларига ҳам келтира олмайдиган кишилар орасида у узини эркин тутар экан. Жордан жуда бепарво кимса эди. Бир кунмас-бир кун унинг истагига қарши ҳолатлар юз бериши мумкинлигини сира хаёлига келтирмас, афтидан, ёшлик чоғлариданок ёнатрофга кибор бидан боқишга ва тикмачоқдек, бақувват танасининг ҳар қандай эҳтиёжини қондириш учун турли ножўя хатти-ҳаракатларни қилишдан ҳам тоймасди. Бунинг менга қизиғи булмаса-да, ундан бир оз жаҳлим чиқди, кейинчалик бу ҳақда уйламайдиган бўлиб қолдим. Айнан уша кезлари Уорикда, рудда ўтирган одамнинг хулқ-атвори ҳақида қизик суҳбат булиб ўтганди. Ҳаммаси у бир ишчи олдидан машинани учуриб

Ўтганида машина қаноти билан уни туртиб кетганидан ва унга етказган зарардан бошланган эди.

- Сиз машинани яхши бошқара олмас экансиз, - дедим мен жаҳлим чиқиб. - Кузингиз етмаса машина ҳайдаманг.

- Кузим етади.

- Ҳечам-да.

- Мен эҳтиёт чорасини кўрмасам, бошқалар эҳтиёткор булсин, - деди Жордан бепарволик билан.

- Қизиқ... - дедим ранжиб.

- Улар менга йўлни бўшатиб қўйсинлар.

- Ўзингизга ўхшайдиган беғами учраб қолса-чи.

- Учрамайди деб умид қиламан, - деди у. - Узига эҳтиёт бўлмаган одамларни жиним суймайди. Шунинг учун ҳам сизни ёқтираман-да.

У қуёш нуридан толиққан қора кўзларини йўлдан олмасди. Аммо орамиздаги муносабатларда қандайдир ўзгариш содир бўлганди. Бу туйғу муҳаббатдек туюлди менга. Мен огиркарвонман. Ички ҳис-туйғуларимни жиловлай оламан. Мен, аввало, ўртаамиздаги тушунмовчиликдан қутулишим керак эканлигини яхши билардим. Ҳафтада бир марта унга хат ёзиб, тагига “Никдан” деб имзо чекардим. Бу хатларим қўлига тегиши керак бўлган аёл ҳақида хаёл сурганимда, у теннис ўйнаган вақтида тепа лаби устида пайдо бўладиган тер томчилари куз ўнгимда намоён бўларди. Бизни қандайдир номаълум ришталар боглаб турарди. Мен бу рипггаларни одоб билан — қайсидир йўл билан узиб юборишим даркор эди. Бусиз мен узимни эркин, деб ҳисоблай олмасдим.

Ҳар бир инсон узида ҳеч булмаганда битта яхши фазилати бор, деб уйлашга ҳақли. Масалан, узимни менга таниш булган кишилар қатори виждонли одамлардан бириман, деб ҳисоблайман.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Якшанба кунлари эрта тонгдан соҳилда жойлашган черков жомлари кунғироқлари остида юқори ва ўрта ■габақага мансуб кишилар Гэтсбининг вилласига йиғилардилар. Унинг вилласини қувноқ овозлару, шодон кулгилар тутиб кетарди.

- У олийжаноб инсон, - дея хушомад қилишарди унинг шаробини ичиб, гулларини ҳиддаб турган хонимлар. — У фон Гинденбургнинг жияни. Фон Гинденбург нақ ибллснинг ўзгинаси. У жуда хавфли одам. Кўпларнинг бошига етган, ўлдиртириб ҳам юборган. Менга атиргулдан узиб бер, жонгинам, анави биллур қадахга яна бир қултум шароб қуйиб бер.

Мен ўша ёзда Гэтсбиникига келиб-кетган меҳмонларнинг исми-шарифларини темир йўл қатнови жадвали четига ёзиб бора бошладим. Жадвалда “1922 йил бешинчи июлидан амал қилинади”, деган муҳр босилган эди, бу жадвал эскириб кетган, қоғози ҳам сарғайиб кетганди. Гэтсби ҳақида ҳеч нарса билмай, унинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб юрганларнинг исми шарифларини ранги ўчиб, оқариб кетган бу рўйхатдан билиб олса бўларди.

Ист-Эггдан Гэтсбиникига Честер-Беккерлар ва Личилар ҳамда Бунзен деган кимса, менинг университетдаги бир танишим ҳамда ўтган йили ёзда Мэн штатида сувга чўкиб ўлган доктор Уэбстер Сиветлар келиб туришар эди. У ердан яна Хорнбимлар ва Уилли Вольтер хотини билан ва Блэкбеклар ҳам уруғ-аймоги билан қадам ранжида этишиб, доимо бир ерда тўда бўлиб тўпланиб туришар эди, уларга биронта бегона одам яқинлашганида ёқтирмай, бошларини чайқаб қўйишарди. Булардан ташқари яна Исмэн ва Губерт Ауэрбах жаноби Кристиннинг рафикаси билан, айтишларича, бир кечада бирон-бир сабабсиз сочлари оппоқ оқариб кетган Эдгар Биверлар ҳам ташриф буюрардилар.

Кларенс Эндайв Ист-Эггданлиги ёдимда. Уни мен бор-йўғи бир марта кўрган эдим. У эгнига кенг чолвор кийиб олганди. У боғда Этги исмли бир товламачи билан муштлашгани ёдимда. Оролнинг нариги томонидан Чидлзлар ва Шредерлар ҳамда Стонуолл, Жоржиндан Жексон Эбрэмс ва бошқа жаноблар рафикалари билан ташриф буюрган эдилар. Снелл эса қамокқа тушишидан уч кун аввал виллада меҳмондорчиликда бўлганди. У шу даражада бўкиб ичган эдики, маст

ҳолида киравериш йўлида ётганида Юлиссез Суэтт хонимнинг автомобили ўнг кўлини мажақлаб кетганди. Дэнсилар ҳам бутун оиласи билан ва ўша пайтда ёши етмишни қоралаб қолган Уайтбэйт, Морис А.Флинк ва Хаммерхедлар, тамакини четдан олиб келувчи Белуга ва унинг қизлари ҳам Гэтсбининг вилласида меҳмондорчиликда тез-тез бўлиб турардилар.

...Шунга ўхшаш бошқа жойлардан ҳам кўплаб жаноблар ўз хотинлари, қизлари ва қариндош-уруглари билан ташриф буюриб турардилар.

Барчалари ўша ёзда Гэтсбиникида меҳмондорчиликда бўлган эдилар.

Кунларнинг бирида (эрталаб соат тўққизлар чамаси) Гэтсбининг ҳашаматли “Лимузин” машинаси тошли кўчаларда силкиниб, нақ уйим ёнида тўхтади. Машина сигнали эшитилди. Бу воқеа июль ойининг охирларида рўй берган эди, бу орада мен уникида икки бора меҳмон бўлдим, таклифига биноан гидропланида учдим, бассейнида мазза қилиб чўмилдим. Лекин Гэтсбининг ўзи меникига бирор мартаям ташриф буюрмаган эди.

- Салом, биродар. Бугун биз шаҳарга бориб, бирга нонушта қилишга келишиб олгандик, шунинг учун сизни олиб кетгани келдим, - деди у машинадан тушаркан.

Унинг кайфи чоғ, ҳаракатлари чакқон эди. Қаддини ғоз тутиб турарди. Бу америкаликларга хос кўриниш эди, назаримда, бунга ёшликларида оғир жисмоний меҳнат қилмаганликлари сабаб бўлса керак. Яна бир жиҳати, бизнинг асабий спорт ўйинларимиздаги қандайдир нозик ҳаракатлар ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Гэтсби ўзини вазмин тутса-да, нимадандир безовталиги сезилиб турарди. У бир дақиқа ҳам тинч туролмасди, гоҳоёғи билан ерни депсир, гоҳ кафтини сабрсизлик билан дамбадам мушт қилиб турар ва яна ёзар эди. Унда қандайдир сир-синоат яширин эди.

Гэтсби машинасига маҳлиё бўлиб қолганимни сезиб:

- Ёкдими? - деб сўради.

У машинаси ёнидан ўтиб, қаршимга кела бошлади.

- Сиз бу машинани аввал кўрмаганмидингиз? - деб сўради мендан.
- Уни бир неча бор кўргандим. Атрофдагилар ҳам кўришган.

Машина тўқ қизил рангда бўлиб, ярақлаб турарди. Ҳс^лдан ташқари узун корпуси ичида бош кийимлар учун, 1<1заклар учун алоҳида жой бор эди. Яна нималарнидир қўйиш учун ҳам жой ажратилганди. Биз гўё уч қават ойна

ичидаги чарм иссиқхонага кириб ўтиргандек димиқиб, Нью-Йорк томон йўл олдик.

Шу ой ичида мен Гэтсби билан бир неча маротаба учрашдим. У билан бир нарса ҳақида бафуржа гаплашишнинг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу инсон ҳақидаги фикрим ўзгарди. Биринчи бор учрашганимизда уни фавқулодда қобилиятли шахс сифатида кашф этгандим. Энди у мен учун уйим ёнида жойлашган ҳашамдор вилланинг оддий хўжайини бўлиб қолди, холос.

Ўйлашимча, ҳозир беҳуда сайрга чиқдик, шекилли. Уэст-Эгга етиб бормасимизданоқ Гэтсби ўзини негандир галати тута бошлади. Негандир чайналиб гапирар, жумлаларини охиригача тўлиқ айта олмасди. Сабри чидамай, тиззаларини шаппатилаб қўярди.

У менга кутилмаганда савол бериб қолди:

- Биродар, сиз мен ҳақимда қандай фикрдасиз?

Кутилмаган саволдан шошиб қолдим, нимадир деб

ғўлдирадим. У гапимни бўлди:

- Мен сизга ўз ҳаётим ҳақида бир оз гапириб бермоқчиман. Бўлмаса турли хил гийбатларни эшитиб, ҳаё- лингизга бошқа фикрлар келиши мумкин.

Демак, ўзи ҳақида турли миш-мишлар юргани у учуви сир эмас экан- да.

- Мен ростини гапираман, - у кўлини чаққонлик билан силкиб қўйди. - Мен Фарба бой оилада дунёга келганман. Эндиликда

оиламиздан ҳеч ким қолмаган. Америкада ўсиб-улгайдим. Сўнгра оиламиз анъанасига кўра, Оксфордга ўқишга кетдим. Авлодимиз кишилари Оксфордда таълим отшшган.

У менга кўз қири билан қараб қўйди. Шунда Жордан Еейкернинггапини эсладим. “Оксфорддотаълим олишган” деган сўзларни у шоша-пиша ямлаб ё томогига бир нарса тикилгандай талаффуз этди. Шундан сўнг гаплари менга игубҳали туюла бошлади. Мен унинг ҳаётида қандайдир сир борлигига ишонч ҳосил қилдим.

- Сиз қайси шаҳарда туғилиб, ўсгансиз? - сўрадим сўз орасида ундан.

- Сан-Францискоданман.

- А-ҳа! Шундай денг.

- Барча қариндошларим вафот этган. Менга улардан катта бойлик қолди...

У бу сузларни гапираётганда гуё ҳаётдан бевақт кўз юмган Гэтсбилар авлоди ҳақидаги ўйлар ҳали ҳам уни тарк этмагандек овози ғамгин чиқди. Шунда мени калака қилмаётганмикан, деган хаёлга бордим. Унинг чехрасига қараган захотим бу фикримдан қайтдим.

- Шундан сўнг мен Европа бўйлаб сайрга чиқдим. Ёш роҳиб каби ҳаёт кечира бошладим. Париждан Венецияга, Венециядан Римга бордим: қимматбаҳо тошларни, асосан, ёқутларни йиғишни ёқтириб қолдим, йирик паррандаларни ов қила бошладим, игунчаки ўзимни овутиш учун расмлар чизардим. Буларни кўп йил мукаддам содир бўлиб ўтган бир қайғуля воқеани унутиш учун қилар эдим, ҳа-ҳа, қайғули воқеани унутиш учун...

Узимни кулгидан зурға тутиб қолдим. Шалоғи чиқиб кетган бу сўзлар менда тирик одам эмас, ба/ки латтадан ясалган кўғирчоқ ҳақида сўз бораётгандек таассурот уйғотди.

- Сўнг уруш бошланиб кетди. Мен бундан қувондим ҳам, биродар. Узимни ўққа тутардим, лекин ажал домига тортиш ўрнига, мендан қочарди. Мен урушга катта \ейтенант унвонида кетганман. Аргонада

Ўқчи батальонида омон қолганлар билан шу даражада олдинга илгарилаб кетибманки, икки қанотимизда эни ярим миля келадиган бўш жой ҳосил бўлганидан пиёдалар ҳужумга ўтолмасдилар. У ерда биз бир юз ўтгиз кишига қарши ўн олтига жангчи билан икки кечаю икки кундуз қаршилиқ кўрсатдик. Ва ниҳоят бизнинг одамларимиз етиб келганида ҳар қадамда ётган ўликлар орасида асжаларнинг ёқаларидаги белги — илмоқларга қараб бу ерда учта немис дивизиясининг аскарлари борлигини амикладик. Шундан сўнг менга майор унвонини беришди. Мен барча иттифоқ мамлакатларининг орденлари билан мукофотландим — ҳатто Черногория ҳам, Адриатика соқилларидаги Кичик Черногория ҳам менга ўз орденини юборибди.

Кичик Черногория! У бу сўзларни айтиб, кулиб қўйдим. Ҳу табассум Черногория қироллиги нотинч тарихига те-

гишли бўлиб, жасур черногор халқи ҳамдарликда олиб бораётган ўз курашида хайрихоҳликни ифода этарди. Бу табассум сиёсий ҳолатларнинг бутун бир занжирига берилган баҳо бўлиб, Черногория бу занжирнинг бир бўлаги эди.

Мен унинг гапларини ишонқирамай тинглардим, ҳайратланганимдан ёқамни ушладим. Бу орада, чамаси ўнтача суратли журналларни варақлаб чиқдим.

Гэтсби қўлини чўнтагига суқиб, кафтимга шойи лентали бир нарсани қўйдим.

- Мана бу Черногорияники!

Орден кўзимга ҳақиқийдек бўлиб кўринди. Мен ажабландим. Унинг четларига қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилганди: Orden di Danilo, Nonteneqro, Nicolas Rex.

- Орқа тарафини ҳам кўринг.

“Майор Жей Гэтсбига, Буюк Жасорати учун”, деб ёзилган эди.

- Мана бу нарсани ҳам доим ўзим билан олиб юраман. Оксфордда ўтган кунларимдан хотира. Тринити коллежи ҳовлисида суратга олинган. Менинг чап тарафимда турган кимса ҳозирда граф

Донкастердир. Суратда бир неча ёш йигитлар эгниларига спорт курткасини кийиб олганлар.

Мен суратдаги Гэтсбини дарҳол танидим. У бошқаларга қараганда бир оз ёшроқ кўринарди. Демак, гапираётган гаплари рост экан-да.

Кўз ўнгимда Катта каналда жойлашган сарой ичидаги товланиб турган йўлбарс терилари, жароҳатланган қалб изтиробларини унутиш мақсадида йигилган ёқутларга тўла чиройли қутича тепасида энгашиб томоша қилаётган ҳолати намоён бўлди.

- Бугун сизга бир илтимос билан мурожаат этмоқчиман, - деди у мамнунлик билан харидларини чўнтагига жойлай туриб, - шунинг учун сизга ўзим ҳақимдаги баъзи нарсаларни ҳикоя қилишга аҳд қилдим. Мен ҳақимда турли хаёлларга боришингизни истамайман. Биласизми, атрофимда доим бегона одамлар бўлишига кўникиб кетганман. Содир бўлган қайғули воқеани унутишга. уриниб, жойдан-жойга кўчиб юраман. - У бир оз ўйга толиб қолди. - Сиз бугун бу сирдан воқиф бўласиз.

” Нонушта пайтидами?

- Йук. Кейинроқ. Сиз Бейкер хонимни бир пиёла чойга “Плаза” қаҳвахонасига таклиф этганингизни тасодифан билиб қолдим.

- Бейкер хонимга севиб қолганингизни айтмоқчи эмасмисиз?

- Йуг-э, биродар. Бейкер хоним сиз билан менинг ишим ҳақида сузлашишга розилик билдириб, илтифот курсатди.

У қандай “иш” эканлигидан мен беҳабар эдим. Аммо қизиқишдан кўра, менда ачиниш ҳисси кўпроқ эди. Мен жаноб Жей Гэтсби ҳақида суҳбатлашиш учун Жордан хонимни таклиф этгандим. Унинг илтимоси арзимас бир нарса эканлигига шубҳа қилмаган эдим. Шу заҳотиёқ бу меҳмондуст хонадонга ташриф буюрганга илк бор пушаймон булдим.

Гэтсби лом-мим демай, йўлда давом этарди. Биз шаҳарга яқинлашганимиз сари у мулойим бўлиб бормоқда эди. Рувельт бандаргоҳи ҳам ортда қолди. Шаҳар четидаги тош ётқизилган

кўримсиз қоронғи кўча бўйлаб борардик. Сунгра икки томонимизни 5? раб олган Шагал водийси бошланди. Баногоҳ бензин қуйиш шохобчаси олдида Уилсон хонимга кузим тушди.

Биз Асториянинг ярмисини босиб ўтган эдик. Осма йул устунлари орасидан айланиб ўтганимизда ортимиздан таниш мотоцикл овози эшитилди, газабланган полициячилар бизни қувиб етса буладими!

- Биродар, кўркманг, кўркманг, - деди Гэтсби.

Биз тўхтадик. У ҳамёнидан қандайдир қогозни олиб, полицияга кўрсатди.

- Ҳаммаси жойида экан, - деди полициячи қўлини чеккасига қ5^йиб.
- Жаноб Гэ^би, энди машинангизни курсам, дарров танийман, кечирасиз.

- Унга нимани кўрсатдингиз? - қизиқиб сўрадим мен. - Оксфорддаги суратингизними?

- Бир вақтлар полиция бошлиғининг бир хизматини дўндириб бергандим. Ҳар йили Рождество байрами муносабати билан у менга табрикнома юборади.

Блэквелс-Айленд кўчасидан кетаётганимизда қаршимиздан “Лимузин” келаётган эди. Уни оқ танли ҳайдовчи бошқарар, ортида башанг кийинган уч нафар негр — икки йигит ва бир қиз ўтирарди. Уларнинг бизга тикилиб қараши кулгимни қистатди.

“Биз кўприқдан ўгаётган эканмиз, энди ҳар нарса бўлиши мумкин, ~ дея хаёлимдан ўтказдим. - Ҳар нарса...”

Кун чошгоҳга яқинлашиб қолган эди. Биз қирқ иккинчи кўчадаги шинам, салхин ертўлада жойлашган қаҳвахонада Бейкер хоним билан нонушта қилишга келишиб олгандик. Ертўла нимқоронғи эди. Баногоҳ Гэтсбига кўзим тушди. У кираверишда ким биландир суҳбатлашарди.

- Жаноби Коррауэй, марҳамат, танишинг. Бу дўстим жаноби Вулфшим бўладилар.

Паст бўйли, ггучук бурунли яҳудий кайрилиб менга тикилиб қаради. Кейинроқ нимқоронғиликда кўзлари қисик эканлигини билдим.

- ... Сизни кўрганимдан хурсандман, - деди Вулфшим кўлимни қаттиқ сиқаркан.

- Мен ҳам, - дедим одоб билан.

- Хўш, нима қилдик?

Афтидан, бу савол менга берилган эмасди, у дарҳол кўлимни қўйиб, Гэтсбига юзланди.

- Пулларни Кэтспога бературиб: “Кэтспо, у тилини тиймагунча бир цент ҳам берманг”, дедим. У дарҳол тилини тийди.

Гэтсби иккимизни қўлтиқлаганча, ресторанга бошлади. Жаноби Вулфшимнинг гапи ичида қолиб кетди, негадир у хомуш тортиб қолди. Улар стол атрофига ўтиргач, бош официант келиб буюртма оларкан:

- Содали ва яхли бўлсинми? - деб суради.

- Шинам жой экан, - деди Вулфшим шифтдаги нақшларни кўздан кечириб. - Менга кўчанинг нариги томонидагиси ёқади.

- Ҳа, содали ва яхли бўлсин, - деди Гэтсби. Сўнг Вулфшимга эътироз билдириб: - У ер жуда иссиқ, - деб қўшиб қўйди.

- Тўтри, иссиқ ва тор, - деди жаноб Вулфшим. - Лекин у ерда қанчадан-қанча хотиралар бор.

- Йулнинг нариги томонида қанақа ресторан бор? - сурадим мен.

- Эски “Метропол” ресторани.

- Эски “Метропол”, ~ деди Вулфшим хаёл сурганча чузиб. - У ерда қанчадан-қанча танишлар билан отамлашганмиз. Удар ҳозир орамизда йўқ. Қанчадан-қанча дўстларимиз бу дунёдан ўтиб кетдилар.

Умримнинг охиригача ўша ерда Рози Розентални отиб қўйишган тунни асло ёдимдан чиқара олмайман. Столда олти киши ўтиргандик.

Ҳаммадан кўра Рози куп ичиб, тинмай овқат ерди. Тонгта яқин унинг ёнига официант келиб, “Сизни чақиршайпти”, деб қолди. У ўзини

ғалати тугарди. “Ҳозир чиқаман”, деди. Сўнг ўрнидан турмоқчи бўлди, туролмади. Мен унга “чиқма”, деб қаршилиқ кўрсатдим. “Рози, кимга керак бўлсанг, ўзи келсин, ташқарига чиқма”, дедим яна қайтариб. Соат бешларга яқинлашиб к,о.\танди, деразада пардалар бўлмаганда, кун ёришиб кетганини кўрган бўлармидик.

- Хўш, у ташқарига чиқдимиз? - соддалик билан сўрадим мен.
- Чиқди, ҳа, чиқди, - деди Вулфшим кўзларини менга чакчайтириб қараркаи. - Эшик ёнига етгач, у орқасига ўгиридди-да: “Официант менинг қаҳвамни олиб кетмасин”, - деди. У ташқарига чиққан ҳам эдики, қорнига қарата уч марта ўқ отилди ва машина ғизиллаганча кўздан гойиб бўлди.
- Ушалардан турт кишини электр стулга ўтқазишган эди. - дедим мен бу воқеани эслаб.
- Бейкерни ҳам ҳисоблаганда беш киши эди улар, - деди у менга тикилганча. - Эшитишимча, сиз бу ишларга қизиқар экансиз?

Кутилмаган бу саволдан довдираб қолдим. Менинг >фнимга Гэтсби жавоб берди.

- Йўқ, йўқ, бу бошқа одам.
- Ўша эмасми? - ҳафсаласи пир бўАиб сўради жаноб Вулфшим.
- Бу менинг дўстим. Айтдим-ку, бу мавзу тўғрисида бугун гаплашмаймиз деб.
- Кечирасиз, - деди жаноб Вулфшим. - Мен сизни-з бошқа одам деб ўйлабман.

Иштаҳани очувчи сабзавотли таом келтирилди. Жаноб Вулфшим “Метропол” ресторанида содир булган ачинарли воқеани унутиб, иштаҳа билан овқат ейишга тутинди. Бир вақтнинг узида ресторан залига синчковлик билан куз югуртириб чиқди, ҳатто орқасида утирган одамга ҳам қараб қуйишга улгурди. Ҳар ҳолда, ёнида мен булмаганимда стол остига ҳам қарашдан тап тортмасди.

- Биродар, машинада келаётганимизда мендан жаҳлингиз чиқмадими? - сўради мен томонга бир оз энгашиб.

Мен унинг чехрасида таниш табассумни кўрдим, лекин бу сафар унинг таъсирига тушмадим.

- Топишмоқ топишни ёмон кураман, - дедим мен. - Мендан нима кераклигини нега очик-ойдин айтмайсиз. Бейкер хонимни аралаштиришдан нима маъно бор?

- Қўйсангиз-чи, қанақа топишмоқ ҳақида гапираяпсиз,- эътироз билдирди у. - Биринчидан, Бейкер хоним олий тоифали спортчи. Агар бу ерда бирон нарса руй бергудек булса, у ҳеч қачон розилик билдирмаган бўлар эди.

У дабдурустдан соатига қаради-ю, сўнг сапчиб ўрнидан турди, мен билан Вулфшимни ёлғиз қолдирганча ўзи ташқарига югуриб чиқиб кетди.

~ У ким биландир телефонда гаплашмоқчи, - деди Вулфшим унинг ортидан кузатиб қолар экан. - Ажойиб одам-а? Ҳам келишган, ҳам назокатли инсон.

- Ҳа, нимасини айтасиз?

- У Англиядаги Оксфорд университетини тугатган. Оксфорд университети нималигини биласизми?

- Қулогимга чалингандай. Дунёдаги энг машҳур университетлардан бири. Сиз Гэтсбини анчадан бери танийсизми? - сўрадим мен Вулфшимдан.

- Бир неча йилдан бери, - деди у гердайиб. - Урушдан кейин танишганман. У билан бирон соат суҳбатлашгач,

рупарамда ўта тарбияли инсон турганлигига ишонч ҳосил қилганман.

“Ҳа, - деб уйладим ичимда, - бундай инсонларни уйга таклиф қилиб, онанг ва синглинг билан таништирсанг булади, дедим ўзимга-узим”. У бир оз сукут сақлади.

- Афтидан, сиз менинг куйлагим энгидаги тақинчоқЛ(р)имни томоша қияпсиз, шекилли, - деди,

Бу нарса хаёлимга ҳам келмаганди. Унинг бу гапидан кўйлаги энгидаги тақинчоққа қараб қуйдим. Улар фил суягидан ясалган экан.

- Одам тишининг узгинаси-я_r - деди у куйлаги энгид.и'и тақинчоққа қараб. - Танлаб олинган нусхалар.

- Туғри айтасиз! - мен уларни яқиндан курдим. - ажойиб экан.

- Ҳа-а, - деди у, сунг костюмининг энгини тортиб к[^]уйди. - Ҳа-я, Гэтсби аёллар борасида жуда инжик. Дўстининг хотинига қиё ҳам боқмайди. '

Гэтсби ёнимизга қайтиб келгач, жаноби Вулфшим қаҳвасини бир кўтаришдаёқ ичиб, урнидан турди.

- Сиз билан бирга ўтирганимдан бағоят хурсандман, - д('ди у. - Энди сиздек ёш дусларимни ёлғиз қолдирмоқчиман. Мен борай бўлмасам.

- Қаерга кетаяпсиз, бир оз ўтиринг, - деди Гэтсби тил учида.

Жаноб Вулфшим гуё дуо қилмоқчи бўлгандек, қулларини очди.

- Сизлар жуда илтифотлисизлар, аммо менинг ёшим Гшр жойга бориб қолган, - деди у тантанавор оҳангда. - (изларнинг узингизга яраша гапингиз булса керак: спорт, хонимлар ҳақида.., - кейин қулини ёзиб гапида давом этди. - Менинг ёшим элликдан ошган. Шунинг учун сиздарни ноқулай аҳволга солмоқчи эмасман.

Вулфшим шундай дея бизларни тарк этди. Мен оридан уни узимнинг ножуя гапим билан хафа қилиб қуймадимми, деб 5[^]йлаб қолдим.

- Баъзан у тушқунликка тушиб қолади, - деди Гэтсби. - Очигини айтганда, у Нью-Йоркда кўзга қуринган одамлардан бири. Бродвейдаги уз одамимиз.

- Ким у, актёрми?

- Йўқ.

- Тиш докторими?

- Мейер Вулфшимми? Йўқ. У қиморбоз. - Гэтсби бир оз дудуқланиб қолди. Сунг совуққонлик билан жавоб берди: - 1919 йилда “Уорлд Сириз” билан боғлиқ можарони игу инсон ташкил қилган.

Мен донг қотиб қолдим. “Уорлд Сириз” билан боғлиқ бейсбол мусобақаларида руй берган қаллоблик ёдимда эди. Лекин бу воқеага унча аҳамият бермагандим. Шовшувга сабаб воқеа деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Бир киши эллик миллион кишининг ишончини суиистеъмол қилиши ақлимга сигмади.

- Буни қандай амалга оширди экан-а? - хайрон қолиб сўрадим мен.

- Тасодиф ҳолатдан фойдаланган, холос.

- Уни нега жазолашмаган?

- Исботлай олишмаган. Мейер Вулфшимми осонликча қулга олиб булмайди.

Ўтиришнинг ҳисоб-китобини мен қилдим. Официант қўлидан қайтимни олиб, одам гавжум залнинг нариги тарафида Том Бьюкенен ўтирганини куриб қолдим.

- Мен анави ердаги танишим билан саломлашиб келишим керак, - дедим мен. - Хоҳласангиз, юринг мен билан, ушланиб қолмаймиз.

Бизни кўриб қолган Том урнидан қўзғалиб, истиқболимизга кела бошлади.

- Қаерларда юрибсан? Телефон ҳам қилмайсан. Дэзи сендан жуда хафа, - ранжиб сўрашди у мен билан.

- Жаноб Бьюкенен, - таништирдим уларни. - Жаноб Гэтсби.

Улар бир-бирларига қўл узатдилар. Кутилмаганда Гэтсбининг ранги оқариб кетди-ю, ноқулай аҳволга тушди.

- Қандай яшаяпсан? - сўроқни давом эттирди Том. - Бундай узоқ жойларга сени қайси шамол учирди? ‘

- Бу ерга жаноб Гэтсби билан нонушта қилгани келгандик. Ёнимга қарасам, Гэтсби йўқ, кетибди.

Тўққиз юз ўн еттинчи йил октябрь ойи кунларининг бири... (“Плаза” меҳмонхонасининг очиқ ресторанида мен билан бир неча соат бирга ўтириб, Жордан Бейкер ҳикоя қилиб берганди). Мен Луисвилл кучаси буйлаб дамбадам майсазорни босиб, йўл четидан кетиб борардим. Майсалар устида юришни ёқтираман, чунки оёгимда резина тишли инглизлар оёқ кийими бор. Бурмали янги катак куйлак кийиб олган эдим.

Дэзи Фэй уйи олдида кенг майсазор, У ун саккиз ёшда, мендан икки ёш катта эди. Дэзи гўзал булгани учун ҳам купчиликнинг эътиборини узига тортарди. Луисвиллдаги бирон-бир қиз у каби жозибадор эмасди. У доим оқ куйлак кийиб юрарди. Икки уринли оқ рангдаги машинаси бор эди, Кэмп-Тэйлордан келган ёш зобитлар кун давомида Дэзига кўнғироқ қилиб, бирон окшомни у билан бирга ўтказишни орзу қилар эдилар. Ҳеч булмаса бир соатга, дея кундиришга уринардилар.

Уша куни мен унинг уйига яқинлашгач, кўча четида оқ машина турганини кўрдим. Машина ичида менга нотаниш лейтенант билан Дэзи ўтирганини куриб қолдим. Улар гўё атрофларида ҳеч ким йўқдай берилиб суҳбатлашиб ўтиришарди. Дэзи мени уч қадамча беридан куриб қолди.

- Ҳой, Жордан, - бирдан чақириб қолди у мени. - Илтимос, бир дақиқага бу ёққа кел.

Шу тобда унга керак бўлиб қолганим менга хуш ёқди; ёши катта уртоқларим орасида у энг ёқимтойи эди. У мендан: “Қизил Хочга кетяпсанми?” деб сўради. Мен “ха” деб жавоб бердим. Балки у бугун боролмаслигини айтиб қуйишим керакдир? Дэзи гапираётганида бир ҳарбий кимса унга мафтун бўлиб ўтирарди. Афтидан, ҳар қандай қиз ҳам балоғатга етганда, йигитлар шундай қарашларини орзу қилсалар керак. Бу ҳолат менга ғаройиб, сирли бўлиб муйилди. Шунинг учун ҳам узоқ вақт ёдимда сақланиб қолган бўлса, ажаб эмас.

Офицернинг исми-шарифи Жей Гэтсби эди. Мен уни чўрт йилдан бери кўрмадим, шунинг учун биз у билан Лонг-Айлендда учрашганимизда

бу ўша Гэтсби экани асло хаёлимга келгани йук.

Бу воқеа 1917 йилда бўлган эди. Орадан бир йил ўтгач, ён-атрофимда хушторларим купая бошлади. Бундан ташқари, спорт мусобақаларида ҳам иштирок эта бошладим. Дэзи билан кам учрашадиган бўлиб қолдим. У вақтини бошқа давраларда ўтказадиган одат чиқарди. Дэзи ҳақида, гўёки у океан ортига жўнаб кетаётган бир ҳарбий кимса билан хайрлашиш учун Нью-Йоркка бориш ниятида тугун-терсагини йиғиштираётганини онаси кўриб қолибди, деган мишмишлар тарқалиб кетганди. Уни уйдан чиқазмай қуйишди. Дэзи бу воқеадан сунг бир ҳафта давомида уйда ҳеч ким билан гаплашмай қўйди. Шундан сунг у ҳарбийларга кунгил қўймасликка онт ичди. Ясситовонлиги туфайли армияга боришдан қутулиб қолган ёш йигитлар билан учрашадиган бўлиб қолди.

Куз келгач, Дэзи асл ҳолига қайтди, бир гапириб, ўн куладиган, қувноқ ва хушчакчақ қизга айланди-қолди. Уйдагилар билан ярашгач, дарҳол унинг уйда зиёфат берилди. Февраль ойида янги орлеанлик бир келгинди билан унаштирилгани ҳақида гап тарқалди. Июнь ойида эса чикаголик Том Бьюкенен билан тўйлари булиб ўтди. Уларнинг тўйи дабдаба билан утказидди. Куёв юзларча ошналари билан келинникига тўрт вагонда келиб “Мюльбах” меҳмонхонасининг алоҳида қаватига жойлашдилар. Куёв туйдан олдин келинга баҳоси уч юз эллик минг долларлик буйинга тақадиган дур, марварид шодасини совға қилди.

Мен келиннинг яқин дугонаси эдим. Тўй маросимига ярим соат қолганида Дэзи ўтирган хонага кирсам, у тушакда гулдор кўйлагида узала тушиб ётарди, не кўз билан кўрайки, кайфи жуда баланд эди, Дэзининг бир қўлида майли шиша, иккинчи қўлида эса қандайдир хат бор эди.

- Мени табрикла, - ғўлдиради Дэзи. - Умримда биринчи бор ичиб, маст бўлишим. Эҳ, қандай мазза-я!..

- Дэзи, сенга нима бўлди?

Очиғини айтганда, мен жуда кўрқиб кетгандим. Қизларни бундай маст ҳолатда сира кўрмагандим.

- Мана, м-мар-хамат, - дея Дэзи маржон шодасини менга узатди. - Буни олгин-да, эгасига топшир. (“Дэзи фикридан қайтди, тўй бўлмайди”, деб айт. Йигилганларнинг барчасига,, “Дэзи фикридан қайтди”, дегин.

Дэзи тинмай йиғларди. Мен хонадан чиқиб онасининг оқсочини топдим. Оқсоч иккимиз эшикни ичидан қулфлаб, Дэзининг устидан совуқ сув қуя бошладик. У қўлидаги хатни биронтамизга бермасди. Уни қулида чангаллаб олганди. Хат сувга бўкиб, булак-булак бўлиб кетаётганини кўргач, уни совун қутисига қуйишга рози бўлди. У ломим демай утирарди. Унга нашатир спирти ҳиддатиб, бошига муз қўйиб, узига келтирдик, сунг эгнига келинлик либосини кийгиздик. Орадан ярим соат ўтгач, ўзига келди. Мен билан пастга тушаётганида унинг буйнида маржон шодаси яраклаб турарди. Эртаси куни соат бешлар чамаси бир суз демай, Том Бьюкенен билан никоҳдан утди. Улар Жанубий Денгиз буйлаб “асал оyi”ни ўтказишга жунаб кетдилар.

Мен уларни “асал оyi”дан қайтиб келаётганларида Санта-Барбарада учратиб қолдим. Дэзи эрини шу қадар севиб қолибдики, бундан ҳам севиндим, ҳам ҳайратга тушдим. Эри бир дақиқага ташқарига чиқиб кетса борми, Дэзи атрофга аланглаб, “Том қаерда?” деб безовталаниб сўрайверарди. Том бусағада пайдо булмагунчатинчимасди. Дэзи чўмилиш жойида эрининг бошини тиззасига қўйиб, бармоклари билан унинг юзини соатлаб силаб-сийпалаб фкаларди. Афтидан унга ҳеч туймасди. Бу воқеа август ойида юз берганди.

Мен Санта-Барбарадан жунаб кетганимдан сўнг, орадан бир ҳафта ўтгач, Том тунда Вентур йулида авто(())ургонга урилиб, машинасининг олд ғилдираги узилиб гушган эди. Шундау билан бирга кетаётган Санта-Барбара моҳмонхонасининг оқсочи ҳам газета саҳифаларига тушиб қолганди. Бу фалокатда унинг қули синганди.

Апрель ойида Дэзи қизлик булди. Улар бир йилга Францияга жунаб кетишди. Уларни онда-сонда: гоҳ Кападада, гоҳ Довилд^а учратиб қолардим, сунгра улар уйга қайтиб келиб, Чикагода яшай бошладилар. Бу ерда Дззини яхши кўриб ардоқлашарди. Бу жуфтликнинг -профида тўпланганлар такасалтанг ва майхурлардан иборат бадавлат ёшлар эди. Шунга қарамасдан, Дэзи уз обрусига гард юқтирмас эди. У сира

ичмасди, шунинг учун ҳам уни ҳурмат қилардилар. Атрофингдагилар маст бўлсалар-у, аммо сен хушёр турсанг, бу катта ютуқ эди. Шунда сен ортиқча гапирмайсан, энг асосийси бирон нарса қилмоқчи булсанг, атрофдагилар сезмайдиган ёки ҳеч нарса билан ишлари булмаган вақтларида фурсат топиб кўнглингга ёққан ишни бажарсанг булади. Балки Дээини ишқий муносабатлар қизиқтирмай қўйгандир, лекин уициг овозида бунга мойил сўзлар бисёр эди.

Бундан бир ярим соат аввал Дээи тўсатдан Гэтсби исми-шарифини эшитиб қолса бўладими. Орадан қанча сувлар оқмади дейсиз.

- Сиз Уэст-Эггда яшайман деганингизда, мен ўша ерлик Гэтсбини танийсизми, деб сўраганим ёдингиздами? Уйингизга кетишингиз билан у хонамга кириб, мени уйғотиб, гапга тутди: “Гэтсби ким ўзи?” деб сўради. Мен уйқу аралаш унинг кўринишини бир амаллаб тасвирлаб берганимда, у титроқ овозда: “Ҳойнаҳой, бу ўша бўлса керак”, деб хўрсиниб қўйди. Шунда унинг оқ автомобили ичида кўрган офицер ёдимга тушди. Мен гап нимада эканлигига тушуниб етгандим.

Жордан Бейкер менга бу воқеани батафсил сўзлаб бераётганида биз аллақачон “Плаза” ресторанидан чиқиб, очик машинада Марказий хиёбон бўйлаб кетмоқда эдик. Фарбий томондаги Эллигинчи кўчаларда қад кўтарган киноюлдузларининг маҳобатли уйлари ортида ботиб бораётган қуёш ўз ётоғига йўл олмоқда эди. Кечки дим ҳавода шўх болаларнинг айтаётган қўшиқлари кулоққа чалинарди.

Мен араб шайхиман,

Сени жондан севаман.

Учар отга миниб,

Тушгинангга кирман.

- Ғалати тасодифни қаранг! - дедим мен.
- Бу умуман тасодиф эмас.
- Қанақасига?

- Гэтсби бу виллани бекорга сотиб олган эмас. У Дэзи кўрфазнинг нариги соҳилида истиқомат қилишини яхши билган.

Демак, ўша июнь оқшомида унинг эътиборини фақат юлдузлар жалб қилмаган экан-да. У гўё уз куркам қобигини ёриб чиқиб, олдимда қайта тирилгандай булди.

- У сиздан бирон йўлини қилиб, Дэзини меҳмонга гаклиф қилишингизни ва уни ҳам бирров ташриф буюришига рухсат этишингизни илтимос қилмоқчи бўлгандир, - гапида давом этарди Жордан.

Мен бу гапдан ҳайратга тушдим. У Дэзини беш йил кутган. Сунг вилла сотиб олган. Афсонавий куриниши туфайли атрофдагилар ёпирилиб келиши учун ана шу виллани танлаган. Буларнинг ҳаммасини у бировнинг уйига бир йўлини қилиб бирон соатга кириб чиқиш учун амалга оширган эди.

- Шу арзимас илтимос билан менга мурожаат этиш учун бу воқеанинг барча тафсилотларини менга тушунтиришни наҳот зарур деб билган булса?

- Бу гапни айтишга унинг юраги бетламаяпти. Ахир бу учрашувни узоқ кутди. Илтимосидан сиз хафа буласиз, деб уйлади. Аслида у жуда одамови, шу билан бирга виждонли одам. Қалбига чухурроқ қарасангиз биласиз, у ҳалол инсон.

Лекин буларнинг барчаси менда шубҳа уйготди.

- Бу учрашувни уюштиришни сиздан сурагани осонроқ эмасмиди?

- У Дэзи уйимни кўрса, деяпти, - тушунтирди Жордан. - Сиз эса унга ён қўшнисиз.

- Э-ҳа! Гап бу ёқда денг!

- Менимча, у кунлардан бир куни Дэзи унинг вилдасига тасодифан келишини кутган. Бироқ уйлаган иши илалга олмади. Шунда у уйига йиғилган меҳмонлар билгш булган одатий гаплар орасида у ҳақда сўрайдиган, уни танийдиганларни учратиш мақсадида йиғилганлар билан тинмай суҳбат қурарди. Дэзининг таниши мен булиб чикдим.

Ёдингизда бўлса, сиз билан унинг вилла< ида учрашган кечада у менга илтифот қилиб, суҳбатга чорлади. Аввалига, нима дейишни билмай роса гапни мйлантирганини билганингизда эди. Мен дарҳол унга 11 ью-Йоркда нонушта қилишни таклиф этдим, унинг

жаҳли чиқиб кетди. “Мен тақиқланган учрашувни истамайман!” - деди ғижиниб. “Дэзини қўшнимникида меҳмондорчиликда учратиш ниятидаман”, - деди ниҳоят кўнглини ёзиб.

- Мен унга сиз Том билан ошна эканлигингизни айтганимда, у бу ниятидан қайтмоқчи ҳам бўлди. Гэтсби Томни яхши билмасди, гарчи бир неча йиллар давомида ҳар кунги Чикаго газеталарини кўздан кечириб юрган бўлса ҳам. У газета саҳифаларидан Дэзи ҳақида бирон бир маълумотни учратиб қолишни чин дилдан истарди.

Қош қорайиб қолганди. Биз йўловчилар юрадиган кичик кўприк остига тушганимизда мен Жорданнинг офтобда қорайган елкасидан ушлаб, аста ўзимга тортдимда, кечки овқатни бирга қилишни таклиф этдим. Шу тобда мени Гэтсби ҳам, Дэзи ҳам қизиқтирмай қўйганди. Хаёлимни беташвиш яшайдиган, дадид гапирувчи Жордан Бейкер эгаллади. Қулоғим остида қандайдир сархуш овоз янграрди: “Сен ё овчисан ёки ўлжасан, ё ҳаракат қиласан ёки орқада судралиб қоласан”.

- Дэзининг ўзи Гэтсби билан кўришишни истамайдими?

- Бечоранинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Унинг хабар топишини Гэтсби истамаяпти. Сиз уни шунчаки бирга чой ичишга таклиф қилсангиз...

Биз катор экилган дарахтлар ёнидан ўтиб, Эллик тўхқизинчи кучадаги уйлар ёнидан чиқиб қолдик. Очиғи, кўнгил қўйган аёлим йўқ эди. Шунинг учун ёнимда ўтирган аёлни бағримга тортдим. У менга қараб жилмайди, Жорданни янада маҳкамроқ кучиб, лабларидан бўса олдим.

БЕШИНЧИ БОБ

Уша тунда мен Нью-Йоркдан Уэст-Эгга қайтаётганимда уйимга ўт тушибди, деб жуда кўрққандим. Тунги соат иккилар чамаси. Кўл соҳили ёп-ёруғ. Буталар коронгиликда гўё шарпадек кўринарди.

Телеграф симлари шуъладан йилтил,\ар эди. Мен муюлишда таксидан 'хушиб қолдим. Гэтсбининг вилласини машъалалар ёритиб турарди.

Аввалига мен навбатдаги зиёфат бўлаётган бўлса керак, сархуш меҳмонлар “денгиз тўлқинланаяпти” деган бекинмачоқ ўйинини ўйнашаяпти, ўйинга берилиб барча қаватларга тарқаб кетишибди-да, деб ўйладим. Лекин ёнатроф жимжит эди. Фақат шамолнинг увиллаган овози эшитиларди, холос. Вилладаги чироқлар дам порлаб ёнар, дам пасаярди. Уйим олдига қандайдир машина келиб тўхтади. Шу тоб майсазордан мен томон келаётган Гэтсбига кўзим тушди.

- Уйингиз жаҳон кўрғазмасига ўхшаб кетибди, - дедим унга.
- Ростданми? - дея ҳардамхаёллик билан атрофга аланглади. - Мен атрофни айланиб чиқмоқчи эдим. Биродар, бир Кони-Айлендга ўтиб келмаймизми? Менинг машинамда борамиз.
- Кеч бўлиб қолди-ку.
- Унда ҳовузда чўмилармиз? Ёз бўйи бирон марта ҳам \овузда чўмилмабман-а!
- Кечирасиз. Уйқум келаяпти.
- Ўзингиз биласиз.

У менга тикилганча ниманидир айтмоқчига ўхшарди.

- Бейкер хоним менга айтди, - дедим ниҳоят. — Эртага Д >зига қўнгироқ қилиб, уни чойга таклиф этаман.
- Яхши қиласиз, - деди ўзини бепарво тутиб. - Сизни 'н' ювта қилишни хоҳламагандим.
- Сизга қайси кун маъқул?

Ўзингизга қайси кун қулай бўлса, ўша куни, - деди шоша-пиша. — Сизни безовта қилмоқчи эмасдим. Узр.

^ Индинга чақирсам бўладими? Сизга маъқулми?

У бир дақиқа ўйга толди. Сўнг иккиланиб деди:

- Майсаларни урдиришим керак.

Иккимиз ҳам уйларимиз атрофида ўсиб ётган майса))|)а қараб қолдик. Менинг уйим олдидаги майса жуда \ < иб кетганди. Унинг уйи олдидаги майса бир текисда иинаб турарди. У мен томондаги майсазорни тартибга |- < ■лтиришни назарда тутганини англадим.

- Яна бир-икки нарса... - гапирмоқчи бўлди-ю, лекин иккиланиб, дудукланиб қолди.

- Балки учрашувни бир неча кунга орқага сурармиз?

- Йўқ, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Яъни... - у гап тополмай чайнала бошлади. - Биласизми, миямга... Гап шундаки, топиш-тутишингиз... унчалик эмасга ўхшайди, биродар.

- Тўғри, ўртамиена.

Жавобим унга жон киргизгандай булди, у қатъий овозда:

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, - деди. - Мени кечиринг... биласизми, мен бир нарсани ўйлаб қўйгандим. Сизнинг даромадингиз кўп бўлмагани учун ҳам шу фикр хаёлимга келганди... Ахир сиз қимматбаҳо қоғозларни сотиш билан шугулланасиз, тўғрими?

- Тўғри, топдингиз!

- Шунинг учун ҳам таклифим сизни бефарқ қолдирмаса керак. Бу иш куп вақтингизни олмайди, лекин мумай пул ишлаб олишингиз мумкин. Яна бир гап, бу иш сир тутилишини талаб этади.

Бу суҳбат бошқа шароитда булганида ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборишига ишончим комил эди. Аммо хизматим эвазига очиқ-ойдин ва андишасизлик билан таклиф қилинганлигидан рад жавобини беришдан бошқа чорам қолмаганди.

- Афсуски, бу таклифингизни қабул қилолмайман, - дедим бир оз иккиланиб. - Қушимча иш қилишга ортиқча вақтим йўқ.

- Қўрқманг, жаноб Вулфшим билан иш қилмайсиз.

У афтидан гап нонушта вақтида гаплашилган “алоқалар” устида кетаётгандир, деб ўйлади, шекилли. Лекин мен ундай хаёлга бормагандим. Гэтсби суҳбат давом этишини жуда кутган эди, аммо ўз хаёлларим билан банд эдим. У билан ортиқча суҳбатлашишни истамаётганимни билдирдим. Гэтсби гапимиз қовушмагани сабабли уйи томон йўл олди.

Нью-Йоркдаги оқшомдан сўнг миямда сархуш хаёллар кеза бошлади. Мен остона ҳатлаб уйга кирдим, ётоққа кириб, қаттиқ уйқуга кетдим. Шунинг учун ҳам Гэтсби Кони-Айлендга бордим ёки тонг отгунча чироқлар машъаласи ёгдусида уйини кезиб чиқдим, билмайман.

Эрталаб идорага боргач, Дэзига қўнғироқ қилдим ва Уэст-Эггдаги уйимга бир пиёла чойга таклиф қилдим.

- Илтимос, Томсиз келсанг, - дея огоҳлантирдим уни.
- Нима?
- Томсиз келгин, деяпман.
- Том ким у? - ҳазиллашиб сўради у.

Эртаси куни эрталабдан ёмғир шаррос қуйди. Соат ўн бирларга яқин эшигим тақиллаб қолди. Эғнида ёмғирпўш, кўлида майса ўрадиган ускуна турган бир одам эшигим олдида турарди. Уни жаноб Гэтсби майса ўриш учун юборганини айтди. Шу тобда оқсочимни меҳмон келиши ҳақида огоҳлантирмаганим эсимга тушди; машинамга ўтириб уни уйидан олиб келиш, бир йўла лимон ва гуллар ҳамда бир нечта финжон харид қилиш мақсадида йўлга тушдим.

Аслида гулларни сотиб олмасам бўлар экан: соат иккида Гэтсбиникидан бир қанча гулдасталар вазалари билан келтирилган экан. Орадан бир соатлар чамаси ўтгач, эшик очилиб ичкарига эғнига кулранг кўйлак, ялтироқ бўйинбоғ боғлаган, оқ фланел костюм кийган Гэтсби виқор билан кириб кедди. Унинг ранги оқарган, туни билан ухламай чиққани кўзлари киртайганидан шундоқ билиниб турарди.

- Хўш, ҳаммаси жойидами? - кирасолиб сўради у.
- Майса ҳақида сўраётган бўлсангиз, жуда чиройли килиб ўрилди.

- Қанақа майса, - ўзини й[^]отиб сўради Гэтсби. - Ҳа, майсазорни айтаяпсизми?!

Гэтсби дераза ортига қаради. Юз ифодасидан у ҳеч нарсани кўрмаётгани билиниб турарди.

- Ҳа, майсазор чиройли бўлибди, - мақтаб қўйди у хомуш тортиб. - Қайсидир газетада ёзишларича, ёмғир соат тўртларда тўхтар экан. Узр, сизда ҳамма нарса... чойбоп нарса борми?

Мен уни ошхона томон етакладим. Ошхонада оқсочни кўриб, таъна аралаш менга қараб қўйди. Сўнг икки-

миз харид қилинган лимонли пиширикларни кўздан кечирдик.

- Хўш, сизга ёқдимми? - сўрадим мен.

- Ҳа, ҳа! Жуда ёқди, биродар.

Соат уч яримларда ёмғир тинди, атрофни совуқ туман қоплай бошлади. Гэтсби “Иқтисодиёт” журналини худди уқийётган одамдай варақлар экан, негадир юраги ҳаприқиб, дам-бадам сабрсизлик билан ойналари хира тортган дераза томонга қараб-қараб қўярди, гуё у ерда кузга куринмайдиган қандайдир ишлар юрагига ваҳима солаётгандек эди. У тўсатдан урнидан турди-да, қатъиятсизлик билан уйига чиқиб кетаётганлигини менга билдирди.

- Нега кетаяпсиз? - ҳайрон булиб сурадим.

- Энди ҳеч ким келмайди. Кеч булиб қолди! - дея зарур иши бор одамдек соатига қараб қўйди. Ахир кун буйи бу ерда уни кутиб ўтира олмайман-ку.

- Жиннилик қилманг! Соат энди тўртга яқинлашди.

Уни жойига мажбурлаб ўтказиб қўйдим, у менга аянчли

боқди-да, яна келиб жойига ўтирди. Шу топда уйим томон яқинлашиб келаётган автомобиль овози қулогимга чалинди. Иккимиз ҳам

Ўрнимиздан сапчиб турдик; мен бир оз ҳаяжонланиб, пешайвонга чиқдим.

Настарин б' уталари орасидан уйим томон қатта усти очик машина келмоқда эди. Машина дарвоза олдига келгач, тухтади. Бир томонга қийшайтириб кийган цъ\япаси остидан Дэзи табассум қилиб турарди. Чехраси гул-гул очилиб кетганди.

- Уйинг шу ерда экан-да, дўстим!

Дэзининг жарангдор овози гўё бизга жон бахш этгандек бўлди. Унинг овози жуда майин ва ёқимли эди. Мен унинг оҳангига маҳлиё булиб, сунгра сўзларини англаб етдим. Бир тутам ҳул сочи ёноқ.\ари устига тушиб турарди. У ёмғирда қо\иб кетганди. Машина ичидан чиқа туриб, менга қулини узатди. Қулларида ёмғир марварид томчиларидек йилтирарди.

- Мени севиб қолмадингми, ишқилиб, - шивирлади у кулоғимга. - Нима учун ёлғиз ўзимни чақирдинг-а?

- Бу Рэкрент қалъасининг сири. Ҳайдовчингни бирон соатга қаергадир жўнат.

- Ферде, мени бир соатдан кейин олиб кетасиз, - сунг муҳим нарсани айтаётгандек, паст овозда деди: - ҳайдовчимнинг исми Ферде.

- Унинг бензиндан бурни оқмайдими?

- Йўқ, - соддалик билан жавоб қилди Дэзи. - Нега бундай деяпсан?

Биз етаклашиб ичкарига кирдик. Меҳмонхонада Гэтсбининг йўқлиги мени жуда ҳайратда қолдирди.

- Бу қанақаси бўлди! - дедим мен.

- Нимайди?

Шундай дея у ён-атрофга қараб қўйди. Шу тоб кимдир эшик қокди. Мен эшик очгани йўл олдим. Ранги мурдадек оқарган, кулларини костюмининг чўнтагига солиб олган бўлса-да, дағ-даг қалтираётган Гэтсби остонада пайдо бўлди. Қўлини чўнтагидан олмай, ортимдан

айвонга кириб келди, сўнг меҳмонхонага кириб кетди. Бу кулгили ҳолат эмасди, албатта. Юрагим дук-дук урганча эшик ёнига қайтиб, уни зичлаб ёпиб қўйдим.

Ташқаридан шаррос қуяётган ёмғир овози эшитиларди. Орага бир дақиқа сукунат чўкди. Меҳмонхонада бўғиқ кулги овози эшитилди. Ортидан Дэзининг баланд ва жарангдор овози кулоғимга чалинди:

- Биз яна учрашганимиздан жуда хурсандман, Гэтсби.

Яна орага жимлик чўкди. Айвонда қаққайиб туришни

ўзимга эп курмай, ичкарига кириб бордим.

Гэтсби аввалгидек қўлини чўнтагига солганча бизга ўзини бепарводек кўрсатиб, камин олдида турарди. У бошили тик тутганидан тепада осифлиқ қадимги соатга тегай'тегай деб турарди. Шу ҳолатда турганча қаттиқ курсининг бир чеккасида бир оз чўчиб 5?тирган, ҳар доимгидай назокатли, гўзал Дэзига тикилиб турарди.

- Биз эски танишлармиз, — деди Гэтсби менга қараб.

Гэтсби жилмайишга ҳаракат қилди-ю, лекин уддасидан

чиқа олмади. Дабдурустдан боши тегиб кетган камин деворидаги соат қийшайиб ўрнидан кўзгаАа бошлади; Гэтсби ўгиридди-да, титраётган қўллари билан соатни ушлаб қолди ва уни ўз жойига ўрнатиб қўйди. Шундан сўнг оромкурсига чўкди-да, унинг тахтасига қўлини қўйиб, кафтини иягига тиради.

- Кечирасиз, соатни ўрнидан кўзгатиб юбордим, - деди у.

Юзим лов-лов ёнарди. Миямда минг хил фикр ғужғон уйнарди. Лекин биронтасиниям илғай олмасдим.

- Бу жуда қадимги соат, - дедим мен ҳам довдираб.

Назаримда учовимиз ҳам соат ерда чил-чил синиб

ётибди, деган хаёлда эдик.

- Сиз билан анчадан бери куришмадик, - деди Дэзи Гэтсбига назокат билан қараб.

- Ноябрь ойида куришмаганимизга беш йил булади.

Гэтсбининг тезда берган жавобидан сўнг орага яна

сукунат чўкди. Ноқулайликнинг олдини олиш учун барчамиз бирга ошхонага ўтиб, чой тайёрлашимизни таклиф қилдим. Улар рози бўлиб ўринларидан турдилар, аммо бахтга қарши оқсоч патнисда чой кўтариб кириб келиб қолса буладими.

Ҳаммамиз ҳовлиққанча бир-биримизга чой ва ширинликлар узата бошладик. Ўртадаги ноқулайлик бир оз йуқолгандек булди. Биз Дэзи билан турли воқеалар ҳақида бафуржа суҳбатлашардик. Гэтсби эса бир бурчакка утириб олганча иккимизни соғинч нигоҳи ила кузатиб турарди. Қулай фурсат топгач, уларнинг иккисини холи қолдириб, узр сўраганча ташқарига чиқиб кетдим.

- Қаерга кетаяпсиз? - чўчиб сўради Гэтсби.

- Ҳозир қайтаман.

- Тўхтанг, сизга айтадиган икки оғиз гапим бор.

У ортимдан ошхонага чиқиб, эшикни ёпди-да, аянчли овозда: “ё тавба, ё тавба!” дерди тинмай.

- Сизга нима бўлди?

- Катта хато қилдим, - деди у бошини чайқаб. - Катта хато бўлди, ҳа, катта хато бўлди, - дерди тинмай.

- Парво қилманг. Бир оз ноқулай аҳволга тушдингиз, ҳаяжонландингиз, - дедим мен ва яна қўшиб қуйдим: - Дэзи ҳам ҳаяжонда...

- У ҳам ҳаяжонланаяптими? — ишонқирамай сўради Гэтсби.

- Сиздан кам эмас.

- Илтимос, секинроқ гапиринг.

- Сиз ўзингизни ёш боладек тутаяпсиз, - ўзимни тутолмай гапириб юбордим мен. — Тарбиясиз боладек. Нега энди унинг ёлғиз ўзини ташлаб чиқдингиз.

Гэтсби узини қўлга олиб, чуқур тин олди-да, менга ёш боладек қараб қўйгач, эшикни очди-да, меҳмонхонага кириб кетди.

Ярим соат аввал Гэтсби ҳаяжондан қутулиш мақсадида ҳовлига чиқиб кетган орқа эшикдан ташқарига чиқдим ва ёмгирдан қочиб барглари қуюқ дарахт панасига ўтдим.

Ёгаётган ёмгир янада кучая бошлади. Гэтсбининг богбони қиртишлаб урган менинг ўнқир-чунқир майсазорим майда кулмакларга айланди. Дарахтлар орасидан Гэтсбининг муҳташам вилласи кузга ташланиб турарди. Ярим соат давомида Кант худди қўнғироқхонасига тикилгандек, мен ҳам вилладан куз узмай турдим. За~ монавий меъморчиликка мослаб қурилган бу уйни ун йил мукаддам бир бадавлат пивочи қурган экан. Айтишларича, бу пиво тайёрловчи атрофдаги кўшчилари уйларининг томини похол билан ёпсалар, уларнинг барча солиқларини беш йил давомида тулашини таклиф этган экан.

Балки улар бу таклифга рози бўлмаганликлари done, пивочи мазкур ерини ўз уруғ-аймогига совга қилиб беришига сабабчи бўлгандир. Бу қайғу унинг соғлигига катта путур етказди. Фарзандлари эса таъзия тугамасиданоқ бу уйни сотиб юбордилар. Америкаликлар жуда осонлик билан қул бўлишга рози бўладилар, аммо ҳеч қачон ўзларини деҳқон деб тан олмайдилар, деган гапга энди ишондим.

Орадан ярим соат ўтгач, булутлар орасидан қуёш мўралай бошлади. Гэтсбининг вилласига кириш йўлагида хизматкор озиқ-овқат олиб келадиган автофургон кўринди. Оқсоч юқори қаватдаги деразаларни оча бошлади. У кетма-кет очаётган деразалар рўпарасида тез-тез пайдо бўларди. Сўнг ўртадаги катта фонус рўпарасидаги деразадан бошини чиқариб, хаёл сурганича бокқа қараб қолди.

Меҳмонларни ёлғиз қолдириш одобдан эмаслигини тушуниб, уларнинг олдига йўл олдим. Ёмгир тинай демасди. Меҳмонхонага яқинлашгач,

уларниг овози гоҳ бир текисда чиқиб, гоҳ баланд пардада гаплашаётганларининг шоҳиди бўлдим.

Мен ичкарига киришдан аввал ошхонадаги анжомларни журттага тақир-туқир қилиб тахлай бошладим. Ҳойнаҳой, бу тарақ-туруқимни эшитмаган кўринишади. Улар диваннинг икки бурчагида бир-бирларига термилганча ўтирардилар, афтидан, ҳозир бир-бирларига қандайдир савол беришга шайланиб тургандек эдилар. Аввалги тортинчоқликларидан асар ҳам қолмаганди. Дэзининг кўзидан роса йиғлагани кўришиб турарди. Мен хонага киришим билан Дэзи ўрнидан сапчиб турди-да, кўзгу қаршисида юз-кўзини арта бошлади. Мени ҳайратда қолдирган нарса бу Гэтсбидаги ўзгариш эди. Унинг юзи ёришиб кетганди, борлигини роҳатбахш хотиржамлик қамраб олганди.

- Э, биродар, бу сизмисиз! - деди у гўё биз бир неча йил кўришмаган ошналардек. Довдираганча менга кўлини узатиб кўришмоқчи ҳам бўлди.

- Ёмғир тинди, — дедим мен.

- Наҳотки? - сўзларим унга энди етиб борганди. Хонада куёш нурлари жилва қилаётганини энди пайқади. У қувониб кулиб кўйди. Бу хабарни Дэзига айтишга ошиқди:

- Дэзи қаранг-а, ёмғир тинибди.

- Жей, жуда яхши бўлибди-да, - ёқимли овозда деди у ўзини кувноқликка солиб.

- Ҳозир ҳаммамиз бизникига чиқамиз, - таклиф қилди, и Гэтсби. - Мен Дэзига вилламни кўрсатмоқчиман.

- Балки менсиз борарсизлар?

- Йўқ, йўқ, биродар, сиз ҳам биз билан бирга борасиз.

Дэзи юзини ювиш учун юқорига кўтарилди. Мен со-

чиқларим қай аҳволда экан, деган ўйга чўмдим. Биз Гэтсби билан боққа чиқиб, Дэзини кута бошладик.

- Бу ердан уйим чиройли кўринар экан-а? - сўради у мендан. - Қаранг, уйим олдида қуёш чарақлаб, ўз нурларини сочиб турибди.

Мен кўшнимнинг гапини маъқулладим.

- Ҳа... — у уйдан кўз узмай, ҳар бир кавакни синчиклаб кузатиб чиқди. - Бу уйни сотиб олишга сарф бўлган пулни топиш учун уч йил умрим кетган.

- Мол-дунёингиз мерос қолган бўлса керак, деб ўйлагандим.

- Тўғри топдингиз, биродар, - саросимага тушиб жавоб қилди Гэтсби, - аммо мен уруш пайтидаги ваҳимада бор-будимдан айрилганман.

Афтидан, у хаёл суриб қолганди. Ўрни келганда ундан нима билан шугулланасиз, деб сўраганимда, у: “Бу менинг ишим”, деб жавоб берди. Сўнг қўпол гапирганини сезиб қолиб, жавобини тўғрилай бошлади:

- Бу йиллар давомида мен кўп ишлар билан шугулландим. Бир вақтлар дори-дармонлар билан, сунгра нефть билан шугулландим, ҳозир эса на униси, на буниси қолди, - у менга тикилиб қараркан: - Хўш, ўтган кундаги таклифимни рад этмайсизми? - деб суради.

Мен жавоб беришга улгурмаган ҳам эдимки, ичкаридан кўйлагига икки қатор қилиб қадалган темир тутмачаларини ялтиратганча Дэзи чиқиб келди.

- Наҳотки, шу сизнинг уйингиз бўлса? - деди у бармоғи билан виллани кўрсатиб.

- Сизга ёқдими?

- Ёққанда-чи! Ҳайронман, сиз бу уйда қандай қилиб ёлғиз яшаяпсиз?

- Уйимдан эрта-ю кеч меҳмон аримайди. Нуфузли ва машҳур одамлар ташриф буюрадилар.

Биз Гэтсбининг уйига бўғоз бўйлаб қисқа йўлдан юрмай, уйни айланиб катта йўлдан бордик. Асосий дарвозадан ичкарига кирдик. Дэзи мухташам виллани томоша қилар экан, хайратини яшира

олмасди. Ҳовлидаги гуллару дарахтлар уни махлиё қилиб қўйганди. Улардан таралаётган ёқимли бўйдан сархуш эди. Пиллапоярларга тўшалган ранг-баранг пояндозларни кўрмасликнинг, дарахтлардаги қушларнинг чугур-чутуридан бошқа товушларни эшитмасликнинг сира иложи йўқ эди.

Биз Marie Antoinette мусиқа салонлари бўйлаб юрдик, сўнг охириги услубда қайта тикланган меҳмонхоналарни томоша қилаётганимизда менга худди барча диванларда ва барча столлар атрофида жимгина ўтирган меҳмонлар бордек туюлди, назаримда. Катта кутубхонага кирдик. Ортимиздан эшик ёпилиши билан кузойнак тақиб одган ёқимсиз Филиннинг қаҳқаҳа отаётгани кўзимга кўриниб кетди.

Биз юқори қаватга ҳам кўтарилдик. Даҳлизга янги узилган гуллар қўйилган, хаворанг ва пупгги рангдаги дарпардалар осилган ораста ётоқхоналарни, кийим ечиб қўйиладиган хонани ва ваннани айланиб чиқдик. Хоналарнинг бирида эгнига спорт костюми кийиб, гилам устида машқ қилаётган кимсага кузимиз тушди. Бу жаноб Клипспрингер ижарачи эди, Эрталаб у чўмилиш ҳавзаси бўйлаб сайр этиб юрганига кузим тушганди. Биз шахсан Гэтсби фойдаланадиган барча хоналарни, Роберт Адам услубидаги кабинетини куриб, барча кузатувларни ниҳоясига етказгач, ўтириб Гэтсби девордаги яширин жавондан олган “шартрез”дан бир қадахдан ичдик.

Гэтсби уйидаги ҳар бир буюмга Дэзининг муносабатини унинг юз ифодасига қараб билиб оларди. Дэзи баъзан атрофга ҳайратланганча боқарди. Бу нарсалар севган аёлининг олдида ҳеч нарсадек куринарди Гэтсбига. Дэзи қоқилиб, зинадан қулаб тушишига бир баҳя қолди. Гэтсби уни ушлаб қолди.

Гэтсбининг ётоғи бошқа хоналарга нисбатан анча содда ва камтарона жиҳозланган эди. Дэзи роҳатланиб, қулига тароқни олди-да, сочини тарай бошлади, Гэтсби эса оромкурсига утириб, кузларини юмганча, жилмайиб куйди.

- Биродар, дунё қизиқ-да, - деди у қувониб. - Ўйлаб уйимга етолмайман... Қанча ҳаракат қилсам ҳам.

Гэтсби афтидан икки босқичдан утиб, энди учинчи босқичга тайёргарлик кураётган эди. Қаранг-а, неча йиллар қидирган севгилисини топиб, орзусига эришди, ҳаётига нурли кунлар кириб келди. Неча йиллар ҳаёл қилган бу кунларни у узоқ кутганди.

Гэтсби бир оз узига келгач, хонадаги иккита катта жавоннинг эшигини очиб юборди, бу ерда унинг сонсаноксиз костюмлари, халатлари, буйинбоглари осифлик турар, токчаларида эса саржиндек тахланган кўйлаклари ётарди.

- Англияда кийим-кечак юбориб турадиган танишим бор. Баҳор ва кузда мен у ердан мавсумга мос барча кийимларни олиб тураман, - деди Гэтсби. • -

У токчадан бир боғлам кўйлакларини олиб, турли услубда тикилган хилларини бизга кўрсата бошлади. Ҳайратга тушганимизни кўриб эса, қолганларини ҳам бир чеккадан намойиш эта бошлади. Дезининг қалбидан бир нидо отилиб чиқди, у кўйлак боғламлари устига бошини кўйганча, хўнграб йиглаб юборди:

- Қандай чиройли кўйлаklar-а? Мен ҳеч қачон, ҳа, ҳеч қачон бундай чиройли кўйлаklarни кўрмаганман, - деди гамгин овозда.

Барча уйларни кўриб бўлгач, биз яна боғии, сузиш ҳавзасини, гидропланни ва гулзорни томоша қилишимиз керак эди, аммо шу топда яна ёмғир қуйиб юборса бўладими.

Учовимиз дераза олдида турганча, бўғоз сувининг тўлкинланишини томоша қилиб турардик.

- Ҳаво очиклигида кўрфазнинг нариги тарафидаги сизнинг виллангиз кўриниб туради, ~ деди Гэтсби. — Соҳилда эса туни билан яшил чироқ ўчмайди.

Дэзи дабдурустдан Гэтсбини қўлтиқлаб олди, назаримда у Гэтсбининг айтган гапидан ҳаяжонга тушиб, ҳаёл суриб кетди. Балки ҳозир унинг кўзига яшил чироқ сирлидек кўриниб кетгандек тутолди менга. Дэзи ундан қанча йирокда бўлмасин, бу яшил чироқ Гэтсбига худди Дэзининг ёнгинасида ёнаётгандек бўларди. Гэтсби эса бу яшил чироққа қараганида ойнанинг ёнида милтираб 'гургап юлдузга қараб

тургандек ҳис этарди ўзини. Буларниш' барчаси Дэзининг Гэтсби билан бирга ўтказган шодон кунларини ёдга соларди. Мен хона ичида у ёедан-бу қа бориб келардим ва эътиборимни тортган турли хил буюмларни томоша қилардим. Кўзим ёзув столиимг тепасида деворга осилган катта суратдаги бошига яхтачининг шапкасини кийиб олган ёши улуғ одамга тушди

Бу сурат менга танишдек туюлди.

- У ҳозир ҳаёт эмас. Бир вақтлар у менинг энг яқин дўстим эди.

Стул устида Гэтсбининг ўн саккиз ёшида тушган сурати турарди. Унинг ҳам бошида яхтачининг бош кийими бор.

- Суратингиз жуда ажойиб-а! — деди Дэзи. — Бу сочларни қаранг! Сиз менга яхтангиз борлиги ҳақида гапирмагансиз.

- Мана бу ёққа қаранглар, - деди Гэтсби шошиб. - Манави газеталар тахламидан қирқиб олинган парчаларни кураяпсизми? Буларнинг барчаси сиз ҳақингизда.

Гэтсби билан Дэзи ёнма-ён турганча уларни варақлай бошладилар. Мен Гэтсбидан ёкутлар йиғмасини кўрсатишини илтимос қилмоқчи бўлиб турганимда, тасодифан телефон жиринглаб қолди. Гэтсби гушакни кўтарди.

- Ҳа... Кечирасиз, ҳозир бандман... Биродар, бандман... Кичик шаҳарчаларда деб айтдим-ку... Кичик шаҳарча нима эканлигини тушунса керак? Агар Детройт унинг тасавурида кичик шаҳарча булса, унда бизнинг у билан гаплашадиган гапимиз йуқ.

У гўшакни қўйиб қўйди.

- Тезроқ бу ёққа келинглар, - деб қичқирди Дэзи дераза олдига бориб.

Ёмғир тинай демасди. Ғарб томондаги қора булутлар тарқаб кетганди. Денгиз узра саргиш-пушти ранг булутлар сузиб юрарди.

- Қандай ажойиб-а? - деди Дэзи шивирлаб, бир оз сукут сақлади-да, сўнг яна шивирлади:

- Қани энди шу ажойиб булут устига сизни утқазиб қуйиб,
“сузаверинг”, деб туртиб юборсам, - деди Гэтсби.

Мен кетмоқчи бўлдим. Аммо улар кўнишмади; балки менинг ёнимда
узларини бемалол ҳис этмаётгандирлар, деган хаёлга бордим.

- Биласизларми, ҳозир биз нима қиламиз, - деди Гэтсби. - Ҳозир
Клипспрингердан бир куй чалиб беришини илтимос қиламиз.

Гэтсби хонадан чиқиб:

- Юринг! - деб қичқирди унга. Тез орада ёнида тақир бошли,
тортинчок, кузойнакли ёш йигитни бошлаб келди.

У башанг кийинганди, эгнида қайрилма ёқали кўйлак, ўзига ярашган
шим ва оёғида теннис туфлиси бор эди.

- Кечирасиз, бадантарбия қилишингизга халақит бермадикми? - одоб
билан сўради Дэзи.

- Мен энди уйкудан турган эдим, - деди Клипспрингер уялиб.

~ Клипспрингер рояль чалади, ~ деди Гэтсби унинг гапини булиб. -
Юринг, тугри айтаяпманми?

- Очиғини айтсам, яхши чалолмайман. Биласизми... Йўқ, мен деярли
чалолмайман. Умуман, унутиб юборганман...

- Юринглар, пастга тушамиз, - деди Гэтсби. У чироқни ёқиб юборди.

Муסיқа салоида Гэтсби фақат рояль тепасидаги чироқни ёқди, холос.
Дэзи кўлида тутиб турган сигаретига Гэтсби олов тутаётганда, унинг
бармоқлари титрай бошлади, у Дэзи билан диванда ёнма-ён утирди.

Клипсприыгер муҳаббат ҳақида куй ижро этди. Сўнгра ўтирган
сту^ида ўгирилиб, нимқоронгиликд,а аянч.'Ш аҳводда Гэтсбини
қидира бош\ади.

- Ана, куряпсизми, эсимдан чиқазиб қўйганман, дедим-ку.
ҚўА\арим чалишдан чиқиб кетган.

- Кўп таранг қилаверманг-да, чалинг, биродар! - буйруқнамо деди Гэтсби. - Қани, бошланг!

Ташқарида шамолнинг ғувиллаши ку¹айгандан-кучайди Қаердадир момақалди роқ гумбурлади. Уэст-Эгг узра чироқлар ёна бошлади. Нью-Йорк электричкаси ёмғир ва туман орасида ушб бораркан, шаҳар атрофида истиқомат этувчиларни уйлари томон элтмоқда эди.

Мен хайрлашиш учун Гэтсбининг ёнига келггшимда унинг юз ифодасида орзусига эришганлигидан чексиз бахтиёрлигини ҳис этдим Лекин бу бахтиёрлик заминида бир игубҳа яширин эди. У Дэзини беш йил интизорлик билан кутди. Ёнида туну кун кутган Дэзи ўтирибди. Дэзи қай аҳволда экан-а? Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деганларидек, беш йилдан сунг улар яна юзма-юз туришибди. Қандай тасодиф... Гэтсби Дэзиёни қанчалар қидирди, вилласида ундан бирон дарак топармиканман, деб меҳмондорчиликлар уюштирди.

Қилган ишлари бесамар кетмади. Бу тимсолни рассом моҳирлик билан яратган эди. Унга доимо сирли нималарнидир қўшиб, янада гузаллаштириб борарди. Ҳаётдаги ҳақиқий гўзаллик инсон қалби тубида яратган тимсолга ухшамайди.

Гэтсби ўзини қулга олмоқчи булганини сездим. У Дэзининг қўлидан тутди. Дэзи унинг қулоғига нимадир демоқчи бўлганди, Гэтсби ялт этиб унга қаради. Менимча, Дэзи узининг ёқимли овози билан уни узига янада ром этганди.

Улар менинг бор-йўқлигимни тамоман унутиб юборишган эди. Дэзи бунни дабдурустдан эслаб қолди-ю, бошини кўтариб, мен томон қўлини чузди, аммо Гэтсби мени тамоман унутиб қўйгаиди. Яна бир бор уларга кулиб қараб қўйдим, улар ҳам жавобан табассум қилиб қуйдилар. Аммо улар шунчаки мен томонга қарашди, ҳозир улар уз севги ҳиссиётлари билан сармаст эдилар. Мен уларнинг иккисини ҳам ёлғиз қолдириб, хонадан чиқдим-да, ёмғир остида мраммар зинадан пастга туша бошладим.

ОЛТИНЧИ БОБ

Кунлардан бир куни Гэтсби хузурига Нью-Йоркдан шон-шухратга ўч, ёш мухбир келиб, интервью беришини илтимос қилди.

- Нима ҳақида гапиришим керак? - одоб билан сўради Гэтсби.
- Нима ҳақида булса ҳам. Иложи бўлса, қизиқарли мавзуда матбуот учун гапириб берсангиз, бас.

Беш дақиқадан сунг шу нарса маълум бўлдики, келган мухбир Гэтсби исми-шарифини ўзи ишлайдиган таҳририятда бўлиб утган суҳбатдан чала-чулпа эшитиб, тутри шу ерга йул олибди. Бўш вақтида эшитган суҳбати тўғрими-йўқми эканлигини билиш мақсадида югуриб келаверибди.

Мухбир таваккал қилиб келган булса-да, мухбирлик ички ҳиссиёти унга панд бермаганди. Гэтсби ҳақидаги миш-мишлар унинг уйида еб-ичиб, ўйнаб-кулиб юрган, шунинг асносида барча ишлардан бохабармиз, деб юрган юзлаб кишилар сабабли ёз буйи купайиб бормокда эди. У газета саҳифаларида шов-игув булишига бир баҳя қолганди. Унинг номи билан замон руҳидаги ғалати гаплар тарқалиб кетганди. Масалан, АҚШ ва Канада оралиғидаги “ер ости нефть ўтказгичлари” оғиздан-оғизга ўтиб юрган миш-мишларга кўра, у уйида яшамай, балки Лонг-Айленд қиргоғи бўйлаб яширинча ҳаракатда булган уйидек баҳайбат яхтада яшар эмиш. Нима учун бу уйдирмалар шимолий дакоталик Жеймс Гэтсни хурсанд қилгани бизга номаълум. Жеймс Гэтс унинг хужжатдаги ҳақиқий исмшарифи эди. У исм-шарифини ўн етти ёшида узгартирган эди. Бу Юқори кул саёз жойларига лангар ташлаганида у Дэн Кодининг яхтасини кўриб қолганидан бошланган эди. Уша куни Жеймс Гэтс сифатида қирғоққа эгнига яшил йиртиқ фуфайка ва иштон кийиб чиққанди, аммо Жеймс Гэтсби ҳолатида қайиққа ўтириб, “Туоломея” гача сузиб борганди ва ярим соатлардан кейин шамол кўтарилиб яхтани турган жойидан кузғатиб юбориши, эҳтиёт булмаса, чил-парчин қилиши ҳақида Дэн Кодини огоҳлантир ганди.

Афтидан бу исм унинг калласига бирдан келган эмас, балки анча аввал уйлаб топилганди.

Юқори кўлнинг қирғоқларида қизилгўшт балиқларни, моллюскаларни овлаб, кунлик егулик ва ётоқ жойи учун пул ишлаб юрган, қоратуридан келган, вазмин, меҳнатда пишган эди. У аёлларни эрта таниди.

Уларнинг эркатойига айланиб, ёш, ифбатли аёлларни тажрыйбасизлиги учун, бошқаларни эса унинг учун оддий ҳолатга айланиб қолган турли хил бемазагарчиликлари учун камситишни урганди.

Унинг қалби доимо изтиробга тушарди. Тушакка ётиши билан уни ғалати ва бемаъни хаёллар чулғаб оларди. Ердаги хул кийимига оининг шуъласи тушиб турган бир вақтда, кўз олдидан галати манзаралар бирма-бир ўта бошларди. Ҳар гал шу алфозда уйқуга кетар эди. Бир неча вақт бу тунги ширин хаёллар билан овуниб юрди; аста-секин ҳаёт уни истиқболли йуллар томон бошлади.

Бир неча ой аввал омад уни Жанубий Миннесотадаги мукаддас Олафа кичик лутран коллежига етаклаб келди. У ерда ўқиш ҳақи эвазига коллежда ҳовли супурувчи булиб ишлашидан ғазоби қайнаб, икки ҳафтагина ишлади. Сунгра у Юқори кулга қайтиб келиб, узига мос иш қидираётганида Дэн Кодининг яхтаси соҳилга яқинлашиб, лангар ташлади.

Коди ўша йиллари эллик ёшда эди; етмиш бешинчи йилдан бошлаб у ҳаёт мактабида чархланди. Невада кумуш конларининг ва металл билан боглиқ бўлган соҳалар бўйича ишлади. Унга бир неча миллион даромад келтирган Монтан нефти билан боғлиқ операциялар жисмоний соғлиғига зарар етказмаса-да, лекин ақд&дн озиш даражасига олиб келди. Буни сезган кўпгина аёллар унинг бойлигига эга бўлиш пайига тушиб қолдилар. 1902 йилдаги газеталар саҳифалари турли хил мишмишларга тўлиб-тошган эди. Бу ҳолат борган сари руҳан заифлашиб бораётган миллионер қошида журналист Элла Кэйга Ментенон хоним ролини уйнашга катта ёрдам кўрсатди. Охир-оқибат, миллионер денгиз яхтасида қочиб қутулишга муваффақ бўлди. Беш йиллик саргардонликдан сунг у одамлар куп йиғиладиган Юқори кулнинг ЛиттлГерл курфазида куним топди. У ерда Жеймс Гэтс билан танишди. Навқирон Гэтс тик турганча унинг яхтасини суқланиб томоша қила бошлаганда дунёдаги бор гузаллик ва хайрат шу ерда

мужассамдек туюларди. Гэтс Коди билан жилмайиб суҳбатлашарди. Чунки унинг табассуми қаршисидаги суҳбатдоши кўнглига йўл топарди-да. Коди Гэтсга бир неча саволлар берди (берилган саволларнинг бирига айтилган жавобнинг янги ўйлаб топган исми эди), йигитнинг зеҳни жуда ўткир ва шуҳратпараст эканлигини сизди. Орадан бир неча кун ўтгач, у Гэтсни Дулутга олиб бориб унга ҳаво ранг куртка, олтига оқ шим ва яхтачининг бош кийимини харид қилиб берди. “Туоломей” Вест-Индия ва Берберий қирғоқлари томон йўл олганида яхтада Жеймс Гэтсби ҳам бор эди.

Жеймс Гэтсбининг қиладиган вазифаси вақти-вақти билан узғариб турарди. У кагга ёрдамчи, капитан, котиб, ҳатто қамоқхона нозири вазифаларини ҳам бажарарди. Дэн Коди кайфи ошган ҳолатда қандай бемаза ишлар қилиб қуйишини ҳушёр вақтида яхши биларди. Шунинг учун ўзини эҳтиёт қилиш мақсадида тобора Жеймс Гэтсбига ишончи ортиб борди. Шу алфозда беш йил ўтди. Бу вақт ичида кема қитъани уч маротаба айланиб чиқди. Кемада сузиш яна давом этиши мумкин эди, аммо Бостон шаҳрида яхтага Элла Кэй исмли кимса чиқди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Дэн Коди тусатдан вафот этиб қолди.

Мен Гэтсбининг ётоқхонасида осилиб турган суратни эладим. Унинг сочлари оппоқ, башараси шамолдан қушқан, нигоҳи ўткир, баджаҳл кўринишдаги одам эди. Дэн Коди Американинг шарҳий қирғоғига ғарбдаги фоҳишахоналарни олиб келганлардан бири эди. Гэтсби унда спиртли ичимликларга билвосита нафрат уйғотган кимса эди. Баъзан бирон-бир кунгилочар зиёфатда аёллар шампань виносини суриб қуяр эдилар; аммо у аҳёнаҳёнда, меъёрда ичиб турарди. Коди Гэтсбига йигирма беш минг доллар мерос қолдирган эди. Бу меросдан Гэтсбига бир цент ҳам тегмади. Унга қарши ишлатилган ҳукуқий қаллобликлар ким томонидан амалга оширилганини ҳанузгача билолмасди Кодидан қолган миллионларнинг барчаси Элла Кэйга тегди. Гэтсбига қолган мерос беш йиллик ҳаётий тажриба булди, холос.

Бўлган воқеаларнинг барчасини анча кейин билдим. Буларни мен аввал юқорида келтирган ва ҳақиқатдан анча йироқ бўлган ақл бовар қилмас миш-мишларга қарамақарши тарзда ёзаяпман. Бу воқеани у менга қаттиқ изтиробга туитган вақтимда сузлаб берганди. Мен унга

гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасдим. Гэтсби ҳатто фикрлардан холи бўлиш ниятида хаёл суриб юрган пайтда мен ҳам ўз ҳикоямни тўхтатмоқчи бўлдим.

У билан бевосита суҳбатлашаётганимда орага сукунат чўмди. Икки ҳафта унинг қорасини кўрмадим, телефонда овозини эшитмадим. Мен деярли барча оқшомларни Нью-Йоркда Жордан Бейкер билан шаҳар кўчаларини сайр қилиш бшшн ўтказдим. Ёши ўтиб қолган холасининг ишончини қозониб, унга ёқишга жон-жаҳд,им билан ҳаракат қилдим. Якшанба кунларининг бирида кечки пайт, менда Гэтсбини бориб кўриш истаги тутилди. Мен уйга келгандан беш дақиқа ўтар-ўтмас, яна уч нафар меҳмон ташриф буюрди. Улардан бири Том Бьюкенен эди. Мен ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим.

Улар отда сайр қила бошладилар ва дабдурустдан кўнгиллари ичкилик тусаб қолди, Улар Том, Слоун исмшарифли бир кимса ва авваллари бу ерда бўлган, эгнига жигаранг кўйлак кийган хоним эди.

- Сизни куришдан бошим осмонга етди, - деди Гэтсби уларнинг истиқболига пешвоз чиқар экан, - уйимга келиб, мени беҳад, хурсанд қилдингиз.

Бу илтифотдан улар пинакларини ҳам бузмади.

- Ўтиринг, марҳамат. Сигарета чекасизми? Балки сигара чекарсиз? - дея Гэтсби меҳмонларга илтифот кўрсатиб хонада юраркан, кўнгироқларнинг тутмасини дамбадам босиб:

- Ҳозир бирон салқин ичимлик олиб келишади, — дерди.

Гэтсбини ҳаяжонга солган нарса Томнинг уйига ташриф буюриши эди. Очиғини айтганда, келган меҳмонларнинг кўнглини ололмаса ўзи ҳам тинчимасди. Чунки улар бу ерга шунчаки бирон салқин ичимлик ичиш мақсадида келмаганлар, деб ўйладим. Хаёлим Дэзида эди. Жаноб Слоун Гэтсби нима таклиф этмасин, барчасига рад жавобини берарди.

- Балки лимонад ичарсиз?

- Йўқ, раҳмат.

- Шампань виносидан-чи?

- Раҳмат, ҳеч нарса керак эмас.
- Кечирасиз... Отда мазза қилиб сайр этдик-да, - деб кўйди Том кайфияти чоғ бўлиб.
- Йуллар жуда яхши экан-да.
- Наздимда, енгил машиналар...
- Ҳа, нимасини айтасиз, тўгри...

Тоқати тоқ бўлган Гэтсби Томга юзланди, у оғзига толқон соллб ўтирарди. Уларни таништираётганларида бирон сўз ҳам айтмаганди.

- Жаноб Бьюкенен, сиз билан қаердадир учрашганмиз, шекилли?
- Ҳа, ҳа, учрашганмиз... - деди Том қуполлк билан, гарчи эслолмаган бўлса ҳам. - Ҳа, албатта... Яхши эслайман. Бундан икки ҳафта олдин. Сиз ўшаёда манави Ник билан бирга эдингиз.
- Сизнинг рафиқангизни танийман, - гапини давом эттирди Гэтсби дадиллик билан.
- Наҳотки?..

Том ўгирилиб менга қаради.

- Ник, сен шу яқин уртада яшасанг керак?
- Ҳа, ёнма-ён яшаймиз.
- Ростданми?

Жаноб Слоун оромкурсида ястанганча кибр билан гапга қушилмай утирар эди, хоним ҳам лом-мим демасди, аммо шаробнинг иккинчи қадаҳини ичгач, жилмайиб кўйишди.

- Жаноб Гэтсби, меҳмон қабул қиладиган кунингиз барчамиз ташриф буюрамиз, - деди хоним. - Қарши эмасмисиз ?
- Йўғ-э, албатта келинглр, бошим осмонга етади.

- Жуда илтифотли экансиз, - тунг овозда деди жаноб Слоун. - Биз... Узр, кетадиган вақтимиз булди.

- Нега бунча тез кетаяпсизлар? - эътироз билдирди Гэтсби. У анча ўзини тутиб олганди. Унинг Том билан узоқроқ гаплашиш истаги йук эмасди. Балки... балки кечки овқатни еб кетарсизлар? Ҳойнаҳой, Нью-Йоркдан меҳмон келиб қолар.

- Келинлар, яхшиси, кечки овқатни менинг вилламда қила қолайлик. Ҳаммамиз, сиз ҳам, жаноб Гэтсби ҳам, - таклиф қилди аёл.

Сўнгги таклиф менга тегишли эди. Жаноб Слоун оромкурсисидан эринибгина турди.

- Кетдик, - деди у аёлга қараб.

- Йўқ, чин юракдан айтаяпман, - яна таъкиддади аёл, — Кулинг ўргилсин таомлар тайёр. Жой ҳаммага етарли.

Гэтсби сўроқ аломати билан менга қаради. Унинг зиё- фатга жуда боргиси келаётганини сездим. Бахтга қарши жаноб Слоун рад жавобини берганини у ҳатто сезмади ҳам.

- Афсуски, бу зиёфатга боролмайман, ~ дедим мен.

- Жаноб Гэтсби, сиз борарсиз? - тинмай гапирарди аёл ҳалиям.

Жаноб Слоун энгашиб, унинг кулоғига нимадир деди.

- Агар биз ҳозироқ йўлга тушсак, кеч бўлмайди, - деди аёл овозини баландлатиб.

- Менда от йўқ, - деди Гэтсби. - Хизмат сафарида от минганман, лекин шу пайтгача ўзимга от сотиб олган эмасман. Лекин мен ортингиздан машинада боришим мумкин. Бир дақиқада тайёр бўламан, - деди Гэтсби.

Ҳаммамиз айвонга чикдик. Слоун билан хоним четга ўтиб баҳслаша кетдилар.

- Тавба, ҳақиқатан ҳам бормоқчи, шекилли, - деди менга Том. - Унга меҳмонга бориш чикора.

- Ахир хоним уни ҳам таклиф қилди~ку.

- Уникада бўладиган меҳмонларнинг барчаси унга нотаниш-ку, - Том қошларини чимириб қўйди. - Қизик, бу нусха Дэзи билан қаерда танишган экан? Жин урсин, балки нотўғри фикр юритаётгандирман, лекин аёлларнинг хоҳлаган жойга боришлари, шубҳали одамлар билан танишишлари менга сира ёқмайди.

Тўсатдан жаноб Слоун ва хоним пастга тушиб, отларини минаётганларини кўриб қолдим.

- Кетдик, - деди Томга жаноби Слоун. - Кўп қолиб кетдик. - Сунг менга қараб қўшиб қўйди; - Илтимос, мезбонга уни кутиб 'гуролмаганимизни айтиб қўйсангиз.

Том менинг қўлимга туртиб қўйди. Унинг ҳамроҳлари курукқина хайрлашиб, отни йўрттириб кетдилар. Улар энди кўздан гойиб бўлган ҳам эдиларки, Гэтсби бошида шляпа, қўлмга макинтошини ташлаб олганча ичкаридан чиқиб келди.

Афтидан, Дэзининг истаган жойига кетавериши Томни ташвишга солган эди. Келаси шанба куни Том ёнида Дэзи билан Гэтсбиникига ташриф буюрди. Томнинг бу кечага ташриф буюришидан юрагим ғаш тортди негадир. Бу кеча Гэтсбиникида ўтадиган аввалги кечаларга сира ўхшамаслигини ҳис этдим. Бўлмаса ўша одамлар, ўша шампань винолари, ўша тараддуд, негадир мен авваллари ҳеч бўлмаган нохушликни кўнглим сезгандай эди. Балки мен Уэст-Эгга шунчалик ўрганиб, кўникиб қолгандирман, энди мен унга янгитдан, яъни Дэзининг нигоҳи билан қараётгандирман. Ҳамма вақт ҳам кўникиб, ўрганиб қолган нарсага янги кўз бидан қарашга кўникиш қийин кечади.

Том билан Дэзи келганларида қош қорайиб қолганди, барчамиз зиёфатга келганлар билан бирга сайр қила бошладик. Дэзининг жарангдор овози дам-бадам эшитилиб турарди.

- Мен ўзимда йўқ хурсандман, - деди Дэзи, - шундай маза қилаякманки, бу ердаги барча нарсалар менга жуда ёқаяпти, - шивирларди у. — Ник, агар сен мендан бўса олмоқчи бўлсанг, зиёфат ўртасида аста шипшитиб қўй, бунга мен, албатта, йўқ демайман.

Илтимос, исмимни айтиб чақир. Ёки менга яшил картангни кўрсат. Яшил картани мен истаган...

- Атрофга қаранглар, - таклиф этди Гэтсби.
- Мен томоша қиляяпман. Жуда ҳайратдаман...
- Ҳойнаҳой, бу одамларнинг купчилигини таниётган бўлсангиз керак, улар таниқли одамлар.

Том сурбетларча ён-атрофдагиларга қарай бошлади.

- Мен бу ерда бирорта ҳам таниш чехрани учратмаяпман, ~ деди у. - Биласизми, биз кўп жойларга бормаймиз.
- Манави хонимни танияпсизми? - Гэтсби қўли билан кўрсатаётган аёл жуда гўзал, худди фариштанинг ўзгинаси эди, Фаришта олхўри дарахти тагида ўтирарди. Том билан Дэзи негадир тўхтаб қолдилар.
- Жуда ёқимтой экан, - деди Дэзи.
- Унинг атрофида гирдикапалак бўлаётган одам режиссёри бўлади.

Гэтсби уларни у тўдадаы-бу тудага олиб ўтиб таништириб борарди:

- Бьюкенен хоним ва жаноб Бьюкеыен, — орадан бир дақиқа ўтгач, қўшиб қўйди: - Поло бўйича чемпион.
- Қаердан олдингиз бу гапни? - эътироз билдирди Том. - Мен ҳеч қачон чемпион бўлган эмасман.

Лекин Гэтсбига бу гап жуда маъкул тушди.

- Умримда бир кунда шунча кўп машҳур одамларни кўрмаган эдим, - деди Дэзи, - Менга анови жуда ёқиб қолди, бурни танқайган, оти нимаиди?

Гэтсби унинг исми-шарифини ва кичикроқ киноконцерннинг директори эканини айтди.

- Нима булганда ҳам, у менга ёқиб қолди.

- Мен поло бўйича чемпион бўлишни орзу ҳам қилмаганман, - камтарлик билан деди Том. - Ундан кўра, манави машҳур одамларни томоша қилиш менга ҳузур бағишлайди.

Дэзи Гэтсби билан рақс туша кетди. Дэзининг хиром билан рақсга тушишига қойил қолдим. Авваллари унинг рақсга тушганини сира кўрмагандим. Сўнгра улар аста менинг кўрғоним тарафга ўтиб, ярим соатлар чамаси зинада гаплашиб ўгиришди. Мен бўлсам Дэзининг илтимосига кўра, боғда уларни куриқлаб турдим, “Яна ёнгин чиқиб ёки сув босиб қолмасин”, деди у ҳазиллашиб.

Биз учаламиз кечки овқатга утираётганимизда кронфиликдан Том чиқиб келди:

- Йўқ демасангиз, мен анави столда ўтириб овқатлансам, - деди у. - У ерда бир кимса жуда қизиқ гапларни айтиб, ҳаммани кулдираяпти.

- Бемалол, азизим, - табассум билан деди Дэзи. - Манави олтин қаламни олвол, балки бирортасининг манзилини ёзиб оларсан.

Орадан бир дақиқа ўтгач, Том бориб утирган жойга Дэзи ўгирилиб қараркан, менга:

- Беодоб бўлса ҳам, кўҳликкина экан, - деди.

Менинг уйимга кираверишдаги зинада Гэтсби билан

ёнма-ён ўтирганини ҳисобга олмаса, унинг учун бугунги зиёфат кўнгилдагидек ўтмаганини тушундим.

Биз кайфи ошиб қолган кишилар тўдаси йигилган столга ўтириб қолган эканмиз. Бунга мен айбдор эдим. Гэтсбини ногаҳон телефонга чақириб қолдилар. Мен ўтган ҳафта бирга хурсандчилик қилган одамлар қаторига келиб ўтирган эдим. Лекин ўтган сафар бу тўдада ўтириб, мазза қилган бўлсам, бугун эса улардан жуда нафратлана бошладим.

- Хуш, Бедейкер хоним, узингизни қандай ҳис этаяпсиз?

Номи зикр этилган хоним уялмай-нетмай елкамга бошини қўйиб, мизғиб олмоқчи эди, лекин мен бунга йул бермадим. Берган саволимни

эшитгач, у бошини кўтариб, кузини очди.

- Нима дединг?

Ҳозиргина Дэзини клубда бир кур гольф уйнашга тинмай чорлаётган бесўнақай аёл унинг ёнини ола бош-

лади.

- У анча ўзига келиб қолди. Беш-олти қадах май ичиб олгач, хунграб йиглай бошлайди. Мен унга неча бор “май ичишни бас қил”, деб насиҳат қилганман.

- Мен ичмаяпман, - дея узини оқлади аёл, сузилиб.

Биз йкғи овозини эшитгач, ёнимдаги дўстимга, “сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди”, дедим.

- Ҳойнаҳой, курсатган “ғамхўрлигингиздан” у миннатдор будса керак, - гапга аралашди учинчи хоним энсаси қотиб, - унинг бошини совуқ сувга тикаётганингизда, кўйлагини шалаббо қилиб юбордингиз.

- Калламни сувга тикишларини ўлгудек ёмон кўраман, - дея ғўлдиради кайфи ошиб қолган хоним. - НьюЖерсида мени чўктириб юборишларига оз қолганди.

- Демак, ичиш сизга ёқмас экан, гапга кўшилди доктор Сивет.

- Менга насиҳат қилгандан кўра, ўзингизни билинг, - деди Бедейкер хоним жаҳл билан. - Қаранг, кўлингиз қалтираяпти. Ундан кўра даволанинг!

Орадаги гап шу тарзда давом этарди. Зиёфат охирлаб қолганда биз Дэзи билан тик турганча кинорежиссёр билан кино юлдузга нигоҳимизни тикдик. Улар олхўри дарахти остида бир-бирлари билан ошикрна кўз уриштиришар, юзлари юзларига тегай-тегай деб турарди. Режиссёр бу юлдузга келгандан-кетгунга қадар суйкаласуйкала, ниҳоят, уни ўз домига илинтирганди.

- Хоним менга ёқиб қолди, - деди Дэзи. - У жуда гўзал экан.

Кейинги воқеалар хонимни ҳанг-манғ қилиб қўйди, у шеригига қаршилиқ қила олмади. Улар ҳис-туйғуларига асир бўлган эдилар.

Мен мрамр зинада уларнинг машинаси келишини кутиб утирар эдим. Бу ер қоронғи эди, тирқишдан чироқ ёғдуси тушиб турарди. Баъзан кийим осилган хоналар дарпардаларида кимнингдир шарпаси у ёқдан-бу ёқда ўтиб турарди.

- Гэтсби ким узи? - дабдурустдан суради Том. - Ҳойнаҳой, йирик савдогар булса керак?

- Буни сенга ким айтди? - қовогимни уйиб сўрадим.

- Ўзим айтаяпман. Кўнглимга келиб қолди-да. Биласан-ку, янги бойларнинг деярли ҳаммаси йирик савдогар бўлишади.

- Гэтсби ундайлардан эмас, - гапни қисқа қилдим мен.

Том бир дақиқа жим булиб қолди. Оёғи остидаги шағалнинг гичирлаши эшитилиб турарди.

- Афтидан, турли-туман валакисалангларни уйида жамлаш учун анча-мунча маблағ сарфлаган булса керак.

Дэзининг буйнига илиб олган кулранг муйнанынг туклари шамолда аста ҳурпаяр эди.

- Ҳар ҳолда, бу ерда йиғилган одамлар бизникиларга келганлардан дурустроқ экан, - Томнинг гапига эътироз билдирди Дэзи.

- Негадир сен улар билан апоқ-чапоқ булиб ўтирганингни кўрганим йўқ.

- Яхши қарамабсан, Том.

Том кулиб, мен томон ўгирилди-да, деди:

- Ҳалиги малла соч аёл мендан душни кўрсатиб қўйишимни илтимос қилганида, Дэзининг ранги оқариб кетганини пайқадингми?

Дэзи мусиқа оҳангига жўр бўлиб хиргойи қила бошлади. Қўшиқнинг ҳар бир сўзига янгича маъно бағишларди.

- Йиғилганларнинг кўпчилиги таклиф қилинмаган одамлар, - кутилмаганда деди Дэзи. - Малла соч аёл ҳам шундайлардан бири. Баъзилар чақирилмасалар ҳам келаверадилар, Гэтсби одоб юзасидан индамайди.

- Ҳар ҳолда, у ким ўзи, нима иш қилади? Жуда қизикда, - суриштиришдан тинчимасди Том. - Мен бунинг тагига етмагунча қўймайман.

- Мен сенга шундоғам айтиб беришим мумкин, - жавоб қилди Дэзи. - Унинг турли шахарларда ўз дорихоналари бор. Уларни ўзи очган.

Муюлишда кечикиб келаётган енгил машина кўзга ташланди.

- Ник, яхши ётиб тур, - деди Дэзи ўрнидан тураётиб.

У нигоҳи билан кимнидир қидириб, юқорига қаради.

Ичкаридан урф бўлган “Эрта тонгда” номли оддий ва ғамгин куй оҳанги тараларди. Фавқулодда йиғилган оломон ўзини жуда эркин тутар, ён-атроф қувноқ давралар билан тўлганди. Бу қўшиқ Дэзини нимаси биландир ўзига ром этганди. Уни ҳеч ташлаб кетолмаётганди. Тонг ҳам ёришай деб қолганди. Кўнглидан нималар кечаётганини ўзи тушунмасди. Кутилмаганда қандайдир мўъжиза рўй бериб, ҳамманинг эътиборини ўзига тортувчи бўйи етган гузал қиз кириб келса-ю, унинг истиқболига Гэтсби чиқса. Ана шунда бу гузал Гэтсбини шайдо қилиб, беш йиллик сўққабошлиги эсидан чиқиб кетган бўлармиди.

Бу сафар мен Гэтсбиниқида узоқ вақт қолиб кетдим. Гэтсби меҳмонларни кузатиб бўлгунича шу ерда бўлишимни илтимос қилганди. Мен тунги чўмилиш ишқибозлари чумиладиган ердан чиқиб кетиб, меҳмонхоналарда тунги чироқлар ўчгунча боғда ёлғиз сайр қилиб юрдим. Ниҳоят, Гэтсби юқоридан мен томонга — боққа тушиб келди. Унинг юз-кўзидан чарчагани шундоқ кўриниб турарди.

- Дэзига қошо нам ёқмади, - деди у дарҳол.

- Йўқ, аксинча.

- Ҳа, ҳа, ёқмади. Дэзи зерикиб қолди-

Гэтсби индамай колди, унинг рухи тушиб кетгани шундоққина кўриниб турарди.

- Дэзи мендан жуда узоқлашиб кетгандай туюлди, - деди у. - Мен ўзимни қайта севишга уни мажбур қилолмайман.

- Сиз зиёфатни назарда тутаяпсизми?

- Зиёфат дейсизми? - деди у кўлини силкиб. - Зиё- фатнинг бунга нима алоқаси бор, биродар?

Гэтсби Дэзининг эри ёнига келиб: “Мен сени ҳеч қачон севмаганман ва севмайман ҳам”, дейишини жуда хоҳлаганди. Ўтган тўрт йил мобайнида Дэзи Том билан яшаган кунларини ҳисобдан ўчириб юборганда борми, унда Гэтсби шу заҳотиёқ кўнглини очган бўлармиди! У Том билан расман ажрашганида эди, улар Луис-Виллга кетиб, ёшлиги ўтган кадрдон уйида гуё беш йил аввал булмаган туйларини нишонлаган булардилар.

- Дэзи тушунмайди, - деди Гэтсби. - Авваллари бир қарашдаёқ мени тушунарди. Баъзан биз соатлаб ширин суҳбатлар қурадик ва...

Гэтсби гапини тугатар-тугатмас, апельсин пўстлоқлари ғижимланган қоғозлар, сўлиган гуллар сочилиб ётган йулка бўйлаб, у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади.

- Сиз ундан амалга ошмайдиган нарсани талаб қилаяпсиз, - дедим мен журъат этиб. - Ўтмишни ортга қайтариб бўлмайди.

Ўтмишни ортга қайтариб бўлмайди дейсизми? - ишонқирамай сўради Гэтсби. - Нега қайтариб бўлмас экан? Қайтариш мумкин! Ҳа, қайтариш мумкин!

Гэтсби талмовсираб ўтган ёшлик йилларини кўмсаб, ён-атрофга кўз югуртира бошлади. Гуё улар шу ерга уйининг ортига яширингандек эди назарида, уни қайтариш учун кўлини узатса, ҳаммаси бир зумда муҳайё бўладигандек туюларди унга.

- Мен шундай қилайки, ҳаммаси ортга қайтсин, — деди Гэтсби ишонч билан бош силхиб. - Бунга Дэзининг ўзи шоҳид булади.

Гэтсби ширин хотираларга берилиб еггинчи осмонда суза кетди. Кўз олдида Дэзи билан ўтирган унутилмас ширин дамлар жонланди. Севгилисининг ҳаёти бутз[^]нлай издан чиққанлиги унга алам қилди. Қани, энди ўша унутилмас ширин дамлар ортга қайтса, қани, қани энди, эвоҳ...

...Бундан беш йил муқаддам куз кунларининг бирида, дарахтлар баргларини тукаётган пайт улар шаҳар айланиб юриб, ой шуъласи тушиб турган дарахтсиз бир кучага кириб келдилар. Бир-бирларига тикилганча тухтаб қолдилар. Ташқари салқин эди. Ён-атроф қоронги. Дераза ойналаридан ташқарига ёруғлик тушиб турарди. Улар зинага яқинлашиб келардилар. Гэтсбининг кузи хуфия жойга тушиб қолди. Бу дарахт тепасигача етадиган зина булиб, у ерда қандайдир пана жой борлигини сизди. У зинадан юқорига кўтарилиши мумкин, у ерда ҳаёт завқидан туйиб-туйиб нафас олса булади. Дэзининг оппоқ юзи унга яқинлашган сари Гэтсбининг юрак уриши тобора кучайиб борарди. Гэтсбининг ҳаёлида нафаслари бир-бирларига шундай яқинлашдики, у қиздан буса олиб, уни бағрига босгудек булса, ҳаёл суриш эркинлигидан бутунлай маҳрум булишига ақли етарди. У асло шошмади. Ниҳоят, у Дэзидан буса олди. Бу бусадан қиз жуда яшнаб кетди ва улар бир-бирларининг бағриларига сингиб кетдилар...

Унинг ҳикоясида менга таниш оҳангнинг бир парчаси бор эди ва баъзи сузларини мен қачонлардир эшитган эдим. Мен айтмоқчи булган гап дарҳол ҳаёлимда пайдо булди ва лабларим пичирлай бошлади, лекин ташқарига ғиқ этган овоз чиқмади. Хотираларни бутунлай унутган эдим.

ЕТТИНЧИ БОБ

Гэтсбининг шоҳона яшашига булган қизиқиши авжга чиққан бир паллада, шанба куни кечқурун унинг уйида негадир чироқлар ёнмай қолди. Унинг шон-шуҳратига путур етганди. Шон-шуҳрат қандай сирли равишда бошланган бўлса, шундайлигича тугади. Шуни пайқадимки, унинг уйи оту[^]ига елдек учиб келаётган енгил машиналар бир дақиқа ўтар-утмас ортларига қайтиб кетаётган эдилар. У касал булиб қолмадимикан, деган ҳаёлга бориб, хабар олгани йўл олдим.

Афт-ангори қароқчиларга ўхшаш хизматкор остонада менга шубҳа билан тикилиб турарди.

- Жаноб Гэтсби бетобми?
- Йўқ, - бир оз хаёл суриб, аста жавоб берди хизматкор. - Сэр...
- Хавотир олиб чиққандим. Жаноб Каррауэй келиб кетди, деб айтиб қуйинг унга.
- Ким дедингиз? - дагал овозда сўради у.
- Каррауэй, денг.
- Каррауэй? Яхши, айтиб қуяман, - деди-ю, хизматкор эшикни ёпди. Оқсочимнинг айтишига кўра, Гэтсби бир ҳафта аввал барча хизматкорлар билан ҳисоб-китоб қилиб, янгиларини ишга олибди. Улар қишлоққа бормайдиган, сотувчилардан пора олмайдиган, ҳамда маҳсулотларга телефон орқали буюртма бериб керакли миқдорда харид қиладиган янги хизматкорларни ёллаган экан. Баққоллик дуконидан келган югурдакларнинг айтишича, уйдаги ошхона емакхона булмай қолибди. Қишлоқддги узунқулоқ гапларга қараганда, янги ёлланган хизматкорлар аслида хизматкор эмас экан, деган мишмиш тарқалди.

Эртаси куни Гэтсби менга сим қокди.

- Кетяпсизми? - сурадим мен.
- Бу гапни қаердан олдингиз?
- Айтишларича, барча хизматкорларингизни бўшатиб юборган эмишсиз.
- Менга миш-миш тарқатмайдиган хизматкорлар керак, биродар. Дэзи энди купинча тунда келаяпти.

Шундай қилиб, бу карвонсаройга келиб-кетувчиларга барҳам берилган эди, бу бемаъни келиб-кетувчилар Дэзига ёқмаётган экан.

- Бу одамларнинг бари Вулфшимнинг танишлари. У мендан буларни бирон жойга жойлаб қуйишимни илтимос қилгани сабабли ишга

олганман. Уларнинг барчаси бир оила аъзолари: ака-укалар ва опа-сингидлар. Бир вақтлар оиласининг кичикроқ меҳмонхонаси булган.

- Э, шундай демайсизми? Ҳаммаси тушунарли.

Билишимча, у Дэзининг илтимосига кўра менга сим қоқётган экан. Дэзи эртага мен уникига бориб нонушта қилишимни тайинлабди. Бейкер хоним ҳам ўша ерда буларкан. Орадан ярим соат ўтгач, Дэзининг ўзи менга кўнғироқ қилиб қолди. Розилик билдирганимни эшитиб, жуда қувониб кетди. “Ҳойнаҳой, бу бекорга эмасдир-ов”, деб ўйлаб қолдим. Ўйлаб ўйимга етолмасдим. Наҳотки, Гэтсби ўша тунда боғда менга айтган гапини амалга ошираётган бўлса.

Кун қизигандан қизиб борарди. Ёзнинг жазирама кунларидан бири. Мен кетаётган поезд ер ости йўлидан ёругликка чиқиб келганда вагон ичи дим, ҳаво етишмасди. Оқ кўйлак кийиб кетаётган ҳамроҳим бу иссиққа базўр чидаб келаётганди. Ниҳоят, у кўлидаги тердан ҳўл бўлиб кетган газетани четга суриб қўйди-да, ихраганча ўзини орқага ташлади. Сумкаси ерга тушиб кетди.

- Вой, худойим-ей, - дея қичқириб юборди у.

Дарҳол сумкани ердан олдим-да, мени ўғри гумон

қилмасинлар, деб уни авайлаб ушлаганча, эгасидан берирокда туриб, унга узатдим. Бари бир атрофдагилар ҳам, сумка эгаси ҳам мени уғри гумон қилганига шубҳам йўқ эди.

- Гапирманг, - қайта-қайта дерди вагон чипта сотувчиси таниш чехраларни кўрганда. - Кун жуда забтига олди!.. Тандирдек қиздираяпти. Ҳа, дўзахдан фарқи йўқ...

Қўлимдаги чиптада ҳатто унинг бармоқ изи қолганди. Бундай жазирамада вагонда кетиш дўзах азоби билан тенг эди.

...Биз Гэтсби билан Бьюкененларнинг уйи остонасида уй эгасини кутиб турганимизда ичкарида телефон жиринглаб қодд,и.

- Лаббай, хўжайинни сўраяпсизми? - гўшакни олиб жавоб қайтарди хизматкор. - Кечирасиз, хоним, бунинг сира иложи йўқ. Бундай иссиқда

у бу ерга келолмайди.

Аслида у бундай демоқчи эди:

- Ҳа...ҳа... ҳозир биламан.

Хизматкор гўшакни қўйди-да, бизга пешвоз чиқди. У кўлимиздаги нарсани олиш учун ошиқаётганди. Унинг юзи бир оз йилтирарди.

- Бьюкенен хоним сизларни меҳмонхонада кутиб ўтирибдилар - деди у бизга йўл курсатиб.

Меҳмонхона деразаларига тўқ парда тутилгани учун хона ичи ним қоронғи ва салқин эди. Дэзи билан Жордан катта диванда савлат тукиб утирардилар.

- Иссиқ барчамизни қийнаб юборди, - дейишди улар бараварига.

Жорданнинг куришгани узатган қўлини дарров қуйиб юбормадим.

- Машхур спортчи жаноб Томас Бьюкенен қани? - сурадим мен.

Шу топ айвондаги телефонда гаплашаётган Томнинг хирилдоқ овози қулоғимга чалинди.

Меҳмонхона уртасидаги тук қизил гилам устида Гэтсби тик турганча атрофга алангларди. Дэзи унга қараб, ёқимли овозда сурашиб, жилмайиб қўйди.

- Сезишимча, Том анави хоними билан сузлашмоқда, - шивирлади менга Жордан.

Барчамиз жим бўлиб қолдик. Айвондан келаётган овоз тобора аниқ эшитила бошлади, негадир у зарда билан гапирарди.

- Ундай бўлса сизга умуман машинални сотмаганим бўлсин... Сизга ҳеч қандай ваъда бермаганман... Уйимга меҳмонлар келган. Ҳадеб мени овора қилаверманг, бу одобдан эмас.

- Гўшакни қўли билан беркитиб турибди, - деди Дэзи захархандалик билан кулиб.

- Сен нотўғри гапиряпсан, - эътироз билдирдим мен. - Эринг хақиқатан ҳам машинасини сотмоқчи. Мен тасодифан бу келишувнинг шоҳиди бўлганман.

Меҳмонхона эшиги очилди, остонада баҳайбат Том пайдо бўлди, У ичкарига қадам қўйди.

- Жаноб Гэтсби! - уни ёқтирмаслигини билдирмай, кенг кафтини унга чўзди. - Ник, сизни куришдан ғоят хурсандман... Сэр... - гагшда давом этди - Бизга бирон яхна ичимлик олиб кел, — деди хизматкорига баланд овозда.

Том хонадан чиқиши билан Дэзи Гэтсбига яқинлашди ва уни ўзига тортиб, лабидан бўса олди.

- Сени жонимдан ортиқ кўраман, - шивирлади у Гэтсбига.

- Ёнингда бошқалар ҳам борлигини унутиб қўйдинг, чоғи? - деди Жордан.

Дэзи ишонқирамай атрофга аланглади.

- Сен Никдан буса ол.

- Уятсиз!..

- Майли, нима десанг деявер, - деди Дэзи кулиб.

Дэзи дарҳол оромкурсига келиб утирди.

Хонага Дэзининг қизини етаклаб, энага кириб келди.

- Оҳ, жоним қизим, - кулочини ёзиб шодон кутиб олди у қизини. - Қани, онажонингнинг ёнига кел-чи, сени қанчалик яхши куришимни биласанми?

Қизча хона бўйлаб югуриб, онасининг қучоғига узини отди. Онаси уни кучиб эркалади:

- Асал қизим! Онанг сени жуда яхши куради. Қани, урнингдан туриб, келган меҳмонлар билан саломлашгинчи!

Гэтсби иккимиз навбати билан энгашиб, қизчанинг истар-истамас узатган қўлини қисиб қўйдик. Гэтсби қизчага маҳлиё бўлиб ундан қўзини узмай тикилиб турарди. Афтидан, Дэзининг қизи борлигини ҳозир билиб тургандек эди.

- Ҳали нонушта қилмасимдан қўйлагимни кийгазиб қўйишди, - деди қизалоқ онасига ўтирилиб.

- Бунинг сабаби, мен сени меҳмонларга гўзал қилиб курсатмоқчи бўлганимдан, қизим.

Қизалоқ онасининг бўйнидан кучоқлаб олди.

- Сен менин! ҳаётимсан! Эркатойимсан! - деди Дэзи қизики эркалаб.

- Ойижон, Жордан холам ҳам оқ қўйлак кийиб олибдилар.

- Ойингнинг дўстлари сенга ёқдими? - сўради Дэзи қизининг юзини Гэтсбига қаратиб. - Қара-чи, улар келишганми?

- Дадам қаердалар?

- Қизим отасига сира ўхшамайди, — деди Дэзи бизга юзланиб. - У менга ўхшайди. Сочлари, юз-қўзи ҳам қуйиб қўйгандек ўзим.

Қизалоқ онасининг ёнига ўтириб олди. Энагаси келиб унга қўлини узатди.

- Пэмми, юра қол.

- Хайр, қизалогим, - деди Дэзи қизи билан хайрлашаркан.

Қизалоқ кетгиси келмаса-да, энага уни бир амаллаб хонадан олиб чиқиб кетди. Шу онда меҳмонхонага Том кириб келди, унинг ортидан эса муз солинган тўртта қадахда ичимлик оллб келдилар.

Гэтсби қадахлардан бирини қулига олиб:

- Бу чарчоқни олади, - деб қуйди.

Биз ичимликдан оз-оздан ҳуплай бошладик.

- Мен, йилдан-йилга куёшнинг ҳарорати тобора кўтарилиб бораётгани ҳақида қаердадир уқигандим, - очик чеҳра билан деди Том.
- Қизик, яқин уртада куёш ерга яқинлашар эмиш ёки аксинча, куёшнинг ҳарорати йилдан-йилга пасаярмишми-ей... - деди Том нигоҳини Гэтсбига тикиб. - Мен сизларга чорбогимни ва бор мулкимни курсатмоқчиман.

Мен уларга эргашиб, айвонга чикдим. Кўрфазнинг кум-кук сокин сатҳида сув мавжидан асар ҳам йук эди.

Мўъжаз кемача чексиз денгиз томон сузиб бормоқда эди. Гэтсби бир дақиқа кемачанинг сузиб кетаётганини кузатиб турди-да, сунг курфазнинг нариги томонини кўрсатиб:

- Уйим анави ерда, сизнинг уйингиз билан қарамақарши, - деди.
- Туғри айтасиз, - деди Том унинг гапини маъкуллаб.

Биз узоқларга кўз тикдик. Жазирама иссиқда буи'а\ар

ва сохилдаги қовжираган майсалар кузга ташланарди. Курфазнинг нариги тарафида анчагина оромбахш ороллар бор эди.

- Манави ерда ором олса булади, - деди Том гурурланиб, - мен бугун шу кемачада бир-икки соат сайр этишни таклиф этган бўлардим.

Улар куёш нуридан пана қилинган жойда тамадди қилдилар.

- Оқшомни қандай ўтказамиз? - сўради Дэзи. - Кун қизигандан қизибди.
- Илтимос, ошиқма, - деди Жордан. - Бир оз салқин тушиб, ўзимизга келиб олайлик.
- Иссиққа ҳушим йук., чидолмаяпман, — нолиди Дэзи,— Худди қоп ичида қолгандекмиз-а. Келинглари, шаҳарга бора қолайлик!
- Шундай ҳоллар бўладики, отхонани гаражга айлантирадилар, - деди Том Гэтсбига мурожаат этиб,- Лекин мен биринчиу\ардан бўлиб гаражни отхонага айлантирдим.
- Ким шаҳарга боришни истайди? - тинмай сурарди Дэзи.

Гэтсби Дэзига қараб кўйди.

- Эҳ, - овозини баландлатди у. - Сизлар иссиқни сезмаяпсизлар, чоғи? - зорланди Дэзи.

Гэтсби билан Дэзи бир-бирларига қараб туришарди. Улар ён-верларида гўё ҳеч ким йўқдек ҳис этардилар ўзларини. Дэзи Гэтсбидан аста нигоҳини олди.

- Сиз ҳеч қачон қизимасиз, - деди Дэзи Гэтсбига ўз севгиси ҳақида сўз ўйини қилиб. Том буни дарҳол тушунди ва нима дейишини билмай қолди. Томоғига бир нарса тикилгандек бўлди. Том аввал Гэтсбига, сўнг Дэзига қаради. Уларнинг бу қарашларидан қандайдир яқинлик борлигини сезиб қотди.

- Сиз реклама суратидаги жентельменга ўхшаб кетасиз, - гапида давом этарди Дэзи тортинмай. - Биласизми... реклама суратлари бўлади...

- Яхши, - Дэзининг гапини бўлди Том. - Майли, шаҳарга бўлса, шаҳарга-да. Қани, була қолинглар, шаҳарга кетдик.

Том ўрнидан тураркан, бир Гэтсбига, бир хотинига ўқрайиб қараб кўйди. Ҳеч ким ўрнидан жилмади.

- Нега ўтирибсизлар, - деди у ўзини зўрға босиб. - Қани, турмайсизларми энди, кетдик.

Том ўзини зўрға босиб турарди. Алаmidан идишдаги пивонинг ҳаммасини ичиб юборди. Дэзининг “кетдик”

деган овози барчамизни стол атрофидан туриб, қизиб ётган хиёбон томон боришга мажбур этди.

- Нега шошиб қолдинг, Том? - эътироз билдирди Дэзи. - Бир оз ўзимизга келиб, сигарета чекиб олсак бўлармиди?

- Ҳамма нонушта пайтида чекиб олган.

- Одамлар бемалол сигарета чекиб олсин, ахир! - ёлворди Дэзи. - Бундай жазирамада шаҳарга шошишга ҳожат йук.

Том хотинига лом-мим демади.

- Майли, сен нима десанг шу-да! - деди Дэзи эрига қараб. - Юр,
Жордан.

Хонимлар ўзларини тартибга солгани юқорига кўтарилдилар. Биз — уч
эркак қизиб ётган шағал устида хонимларни кутиб турардик. Гэтсби
бир нима демоқчи бўлиб томоқ қириб қўйди, сўнг фикридан қайтди,
лекин Том ўгирилиб, унинг юзига тик боққанча туриб қолди.

- Отхонангиз шу яқин ўртадами? — ўзини хотиржам тутиб сўради
Гэтсби.

- Шу ердан катта йўл бўйлаб чорак миля юрилади.

- Э-ҳа...

Орага сукунат чўкди.

- Шаҳарга бориш ғирт аҳмоқликдан ўзга нарса эмас,- портлади Том. -
Фақат товукмия аёлнинг калласига шундай фикр келиши мумкин. .

- Ўзимиз билан бирон ичимлик оламизми? - сўради Дэзи юқори
каватдаги деразадан калласини чиқариб.

- Мен виски олволаман, - деди Том ва ошхонага кириб кетди,
Гэтсби қовоғини уйиб, мен томон ўгирилди:

- Мен бу ерда гапиролмайман, биродар.

- Дэзи орқа-олдига қарамай гапираверади, - дедим мен... Унинг
овозида... - дедим-у, гапим бўғзимда қолди.

- Унинг овозида пул жаранглайди, - кутилмаганда деди Том.

- Албатта... Нега мен аввалроқ билмаган эканман. Бу овозда пулнинг
жаранги кўпроқ.

Том сочиққа уралган катта шишани кўтариб келди. Унинг ортидан
келаётган Дэзи ва Жордан бошларига мўъжазгина шляпа кундириб
олишганди.

- Барчамиз менинг машинада кетишимиз мумкин, - таклиф қилди Гэтсби, қизиб кетган чарм ўриндикни қули билан пайпаслар экан: - Машинани сояга олиб қуйсам буларкан, - деди у ачиниб.

- Сизнинг тезлик алмаштиргичингиз қандай? - суради Том.

- Одатдагидай, - жавоб қилди Гэтсби.

- Ундай булса, сиз менинг “Форд”имга ўтиринг. Мен сизнинг машинангизни ҳайдаб бораман, - деди Том.

Гэтсбига бу таклиф ёқмади.

- Бензин камроқми деган хавотирдаман.

- Ҳечқиси йуқ. Хавотир олманг, - деди Том сурбетлик билан машинадаги бензин кўрсаткичга қараб қуяркан. - Тугаб қолса, қуйдириб оламан.

Ҳаммалари жим булиб қолдилар. Дэзи қовоғини уйганча Томга қараб қўйди. Гэтсбининг башарасида бир зумда қандайдир ноодатий, лекин шу билан бирга таниш ифода намоён булди.

- Қани, ўтир, - деди Том рафиқасини Гэтсбининг машинаси томон судраганча. - Сени циркбоп манави “Фургон”да бир учирай.

Том машина эшигини очди, лекин Дэзи чаққонлик билан унинг қулидан сирғалиб чикди-да:

- Сен Ник билан Жорданни олиб кет. Биз эса кетингдан “Форд”да борамиз, - деди.

Дэзи Гэтсбининг ёнига бориб, унинг тирсагидан ушлади. Жордан, Том ва мен Гэтсбининг машинасига чиқдик, Том машинани аста юргизди. Юзимизга иссиқ шамол урила бошлади, Том тезликни оширди. Хотини билан Гэтсби келаётган машина ортда қолиб кетди.

- Курдингизми? - суради Том.

- Нимани?

Том менга маънодор қараб қуйди. Улар орасидаги сирни Жордан билан мен жуда яхши билардим.

- Сиз мени ҳеч нарсадан хабари йўқ деб ўйласангиз керак, - деди Том. - Майли, шундай деб ўйлай қолинг, лекин менинг учинчи кўзим ҳам бор. У менга барча нарсани ойдинлаштириб туради. Балки гапимга ишонмасиз. Мен ер тагида илон қимирласа биламан.

Унинг тили гапга келмай, гўлдираб қолди. Айти ҳақиқат унинг хаёлини айқаш-уйқаш қилиб юборди.

- Мен суриштириб баъзи нарсаларни билиб олдим, — гапида давом этди Том. - Янада чуқурроқ қовлаштираман бўларди-ю...

- Сен мабодо фолбинга бормадингми? - жаҳл билан суради Жордан.

- Нималар деяпсан? - захарханда кулиб деди Том. - Фолбинга эмиш, - деди у кўзини лўқ қилиб норози оҳангда.

- Хуш, Гэтсбини суриштиргандирсан, хойнаҳой?

- Гэтсбини дейсанми? Йўқ. Мен унинг ўтмиши ҳақида баъзи маълумотларни топдим деяпман.

- У Оксфордда, а 'ўқиганини билгандирсан? - сўради Жордан.

- Оксфордда эмиш! Бекорларни айтибсан! - Том елкасини қисиб қўйди - Пушти ранг костюм кийиб юривчи жаноб...

- Шунга ўхшаш...

- Нью-Мексикодаги Оксфордда... - менсимай гапирди Том. ~ Яна қаердадир...

- Том, ростини айтсам, улгудай худбин экансан, нима қилардинг уйингга таклиф этиб, - жаҳл билан деди Жордан.

- Уни Дэзи таклиф қилган, Дэзи у билан турмушга чиқишдан аввал таниш бўлган экан, худо билади, улар қаерда танишган!

Пиво ичганимиз иссиқда уз таъсирини курсатмоқда эди. Негадир барчамиз ўзимизга келолмаётган эдик. Бирмунча вақт жим кетдик. Шу

топ Гэтсбининг бензин ҳақидаги гапи ёдимга тушди, бу ҳақда Томни огоҳлантириб қўйдим.

- Ҳечқиси йуқ, шаҳарга етиб оламиз, - деди Том.

- Тайёр бензин шохобчаси ишлаб турганда шаҳардан бензин олишга бало борми, - эътироз билдирди Жордан.- Бундай жазирамада ярим йўлда қолиб кетсак-чи?

Том биздан ранжиб, машина тезлигини туширди, “Жордан Уилсон” деб ёзилган лавҳа олдида тўхтадик. Орадан бир дақиқа ўтгач, хўжайин кўринди. У бизнинг машинамизга рамз сола бошлади.

- Тезроқ бўла қолинглар? - қўпол овозда қичқирди Том. - Биз ёнилги қуйдиргани келганмиз. Бу ерни томоша қилгани эмас.

- Мен касалман, - деди Уилсон жойидан жилмай. - Эрта тонгдан мазам қочди.

- Нима бўлди?

- Қайдам. Бўшашиб, ҳолсизланиб кетаяпман.

- Ёнилгини ўзим қуйиб ола қолай бўлмаса? - сўради Том. - Телефонда овозингиз балодай чиқаётганди-ку.

Уилсон остона ҳатлаб ташқарига чиқди. У оёқда зўрга турарди. Ҳарсиллаганча ёнилги қуйишга тутинди. Унинг ранги докадек оқариб кетганди.

- Нонушта қилаётган пайтингизда сизни безовта қиламан деб сира ўйламагандим, - деди Уилсон. - Ҳозир менга пул жуда зарур. Машина ҳақида қандай қарорга келганингизни билмоқчиман.

- Янги машинам сизга ёқаяптими? - сўради Том. - Уни ўтган ҳафтада сотиб олдим.

- Сарик машинани-я? Яхши экан, - деди Уилсон.

- Сотсам оласизми?

- Ҳазиллашяапсиз, шекилли, - дея Уилсон кулиб кўйди. - Яхшиси, менга эски машинангизни сотинг. Ўшандаям пул ишлайман.
 - Сизга пул нима учун зарур бўлиб қолди?
 - Кетмоқчиман. Бу ерларда узок қолиб кетдим. Рафиқам билаи Ғарбга кетмоқчимиз.
 - Хотинингизни ҳам олиб кетасизми? - ажабланиб сўради Том.
 - Ўн йилдан бери огзидан шу гап тушмайди, - Уилсон бир дақиқа бензин солинган идишга суяниб, кафти билан кўзини куёшдан тўсди. - Энди у хоҳлайдими-хоҳламайдими, бари бир мен билан кетади. Уни бу ерларда қолдирмайман.
- Ёнларидан чанг-тузон кўтарганча “Форд” машинаси утиб кетди. Ичида кимдир уларга қўл силкитиб кўйди.
- Қанча тўлашим керак? - суради Том.
 - Бир доллару йигирма цент.

Иссиқдан миям говлаб кетди. Уилсон Томдан ҳеч қандай шубҳа қилмаётганди. Мен хотинининг хурмача қилиқларидан хабардор эдим. Уилсон хотини Миртлни бу ердан узокларга олиб кетишидан мақсад, унинг оёқ олиши бошқачалигини фаҳмлаб қолган. Шунинг учун ҳам у узини ёмон ҳис эта бошлаганди. Мен аввал Уилсонга, сўнг Томга қарадим. Ҳа, Том ҳам менга ичидаги дардини тўкиб солганди. Уилсонни айтмайсизми, ҳақиқатан ҳам эзилиб кетганди, худди айб қилиб кўйган одамдек куриниши мунгли эди.

- Яхши, машинамни сизга сотганим бўл.син, - деди Том. - Эртага у сизники булади.

Бу ерларда ҳам ҳамиша куёш чараклаб турса-да, негадир кишини ўзига тортмас, совуқ жойлардек туюлаверарди. Қандайдир хавфни юрагим сезаётгандек эди, ортимга утирилиб қарадим. Бизни кимдир кузатаётганини, кузатаётганда ҳам жуда яқиндан кузатаётганини фаҳмлаб қоадим.

Устахона тепасидаги ҳужра ойнасининг пардаси бир оз четга сурилди, у ердан бизга Миртл Уилсон қараб турарди. У шунчалик хаёлга берилган эдики, пастдагилар ҳам уни кузатаётганларини сира сезмасди, унинг чеҳрасида юрагидан ўтаётган ҳис-туйғулар шундоққина кўриниб турарди. Мен авваллари ҳам аёллар юзида шундай ифодани кўрган бўлсам-да, лекин ўзим учун тушунарсиз бир ҳолат Миртлнинг нигоҳида намоён эди. Бу унинг Томга тикилиб қараб Гурганидан эмас, балки Жордан Бейкерни Томнинг хотини дея фаҳмлаб, қизганиб қараётганини кейин тушундим.

Кўнгил ғашлигидан ёмон дард бўлмайди. Том машинани дилининг чигилини ёзиш мақсадида тез ҳайдаб борарди. Бир соат аввал хотинига ҳам, маъшукасига ҳам эга эди. Энди-чи, энди иккиси ҳам қўлдан чиқиб бормоқда.

У машина тезлигини тобора ошириб ҳайдаб борар экан, икки мақсадни кузлаб борарди. Биринчи мақсади Дэзига етиб олиш бўлса, иккинчиси Уилсондан қочиш эди. Биз Астория томон соатига эллик миля тезликда кетиб борардик. Бир оздан сунг олдимизда шошмай кетаётган “Форд”ни кўриб қолдик.

- Эллигинчи кўча яқинида катта кинотеатр бор. Унинг ичи жуда салҳик, - деди Жордан. - Мен НьюЙоркни ёз кунлари куннинг иккинчи ярмида, кўчаларида одамлар камайган вақтда ёқтираман, - гапини давом эттирди у. - Шу пайт ўзингни сархуш ҳис этасан. Гўё қулингни узатсанг, дарахтдан ажойиб мевалар тукилиб тушадигандек.

“Сархуш” деган сўз Томнинг юрагини ғулгулага солиб кўйди, аммо у бу ҳолатдан чиқдоасиданоқ ёнларига Гэтсби билан Дэзи тушган машина келиб тўхтади. Дэзи машинадаи тушаркан:

- Энди қаёққа борамиз? - деб суради. - Балки кинога кирармиз? Айтгандай, шундай иссиқда-я, - гапини давом эттирди Дэзи. — Хоҳласангиз кинога кираверишинглар мумкин. Биз бир оз сайр қилиб, кино туғашига яқин етиб келамиз.

Дэзи ўз кўнглида бизга ҳазил қилмоқчи бўлди:

- Чорраҳада учрашув белгилаймиз. Мен огзимда сигарета билан тураман.

- Бу ер баҳслашадиган жой эмас, - деди Том асабийлашиб. Улар йўлни тусиб қўйган эдилар. Ортда юк машинасининг сигнал товуши эшитилди. - Ортимдан “Плаза” меҳмонхонаси рўпарасидаги Марказий боғнинг жанубий дарвозаси енига боринглар.

Том дам-бадам ортга қараб-қараб қўярди. “Форд” ма~ шинаси ортида к5финмай қолса, у ўз машинаси тезлигини улар етиб олгунларига қадар пасайтириб борарди. Афтидан, Гэтсби билан Дэзи бирон-бир кўчага кириб, қочиб кетишларидан кўрқарди.

Бахтга қарши бу воқеа содир бўлмади. Барчамиз бир қарорга келдик-да, “Плаза” меҳмонхонасидаги шинам хоналарга жойлашдик. Меҳмонхонада чўмилиб, енгил тортишимиз керак, деган фикрга келдик барчамиз. Сўнг муз солинган ялпизли коктейль ичишга бир амаллаб келишиб олдик. Хоналар кенг бўлса-да, ниҳоятда дим. Соат бешга қараб кетаётганди. Деразаларни очганимизда боғдаги қовжираган ўтларнинг ҳиди хонага анқиб кирди. Дэзи бизга орқа ўгирганча кўзгу олдида туриб, соч турмагини тўғрилай бошлади.

- Шоҳона хона, - деди назокат билан Жордан. Барчамиз кулиб юбордик.

- Нариги деразани ҳам очиб юборинглар, - деди Дэзи соч турмаклашда давом этар экан.

- Бошқа дераза йуқ-да.

- Ундай булса...

- Жазирама ҳақида ҳадеб эзмаланишни бас қилинглар, - жаҳли чиқиб деди Том. - Дэзи, нукул “иссиқ, иссиқ” деяверасанми!

Том сочиққа уралган вискини стол устига қўйди.

- Нега сиз уни доим турткилайверасиз? - деди Гэтсби Томга юзланиб.
- Шаҳарга боришни узингиз таклиф этдингиз-ку.

Орага жимлик чўкди. Дабдурустдан деворга осиглик телефон маълумотномаси ерга тушиб кетди. Жордан шивирлаб, “кечирасизлар”, деди. Бу сафар ҳеч ким кулмади.

- Ўзим оламан, - дедим мен.

- Кераги йуқ, узим оламан, биродар, - деди Гэтсби. У узоқ вақт узилиб кетган арқонга тикилиб турди-да, сўнгра дафтарчани ердан олиб, стул устига қўйиб қуйди.

- Кечирасиз... энсақотар сузни ишлатмай ҳам гапира оласизми? - дея Гэтсбидан сўради Том.

- Қайси сузни?

- “Биродар” деган сузни. Бу сўзни қаердан топгансиз ўзи, а?

- Менга қара, Том, - деди Дэзи кўзгу олдқдн узоқлашиб. - Агар сен шунақа кўполлик қилаверадиган бўлсанг, шуни билки, мен бу ерда бир дақиқа ҳам қолмайман. Яхшиси, кўнгироқ қилиб айт, коктейлга муз келтиришсин!

Лекин шу топ меҳмонхонанинг биринчи қаватида тўй булаётгани маълум булди. У ердан қувноқ кушиқлару мусиқа овози келаётган эди.

- Тавба, шундай жазирамада қандай қилиб турмушга чиқиб булади, а?

- Нима бупти, мен ҳам саратонда — июнь ойида турмушга чиққанман, - хотирлади Дэзи. - Тўйимиз июнь ойида Луисвиллда бўлган! Кимдир иссиқда узидан кетиб колгани эсимда. Том, уша ким эди?

- Билокси, - қисқа жавоб қилди Том.

- Ҳа, ҳа, унинг исми Билокси эди. Блокс Билокси, У бокс билан шугулланарди. Теннесси штатидан эди.

- Ўшанда уни бизникига олиб боришган. Чунки биз черков ёнида яшар эдик-да, - деди Жордан. - У бизникида уч ҳафта қолиб кетган. Охири отам уни уйдан ҳайдаб юборгани эсимда. Эртаси куни отам

вафот этганди,- Бир оз сукунатдан сунг у: - Бу воқеаларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, тутрими? - деб кушиб қўйди.

- Мен бир Билоксини, Билл Билоксини танирдим. У мемфислик эди, - гапга аралашдим мен. — Бу унинг қариндоши. Уч ҳафта давомида у менга оиласи тарихини сўзлаб берганди. У менга гольф ўйнашим учун алюмин гольф таёгини совга қилган. Ҳали-ҳанузгача ундан фойдаланиб келаяпман.

Биринчи қаватда ўтаётган туй тантанасидаги мусиқа садоси тинди. Никоҳ маросими бошланди. У ердан табрик овозлари баралла эшитилиб турарди. Ва ниҳоят, никоҳ тантанасининг бошланишидан дарак берувчи куй янгради.

- Еиз қарияпмиз, - деди Дэзи. - Ёш булганимизда эди, югуриб бориб рақсга тушиб кетган булармидик.

- Билоксини эсла ундан кура, - насиҳатомуз деди Жордан. - Том, сен у билан қаерда танишгансан?

- Билокси билан дейсанми? - Том пешанасини тириштирди. - Мен уни танитайман ҳам. У Дэзининг дусту.

- Алжирама, - деди Дэзи. - Мен уни туйгача умуман танитайман. У сизлар билан бирга Чикагодан келган.

- Тугри, лекин у узини Дэзининг танишиман, деб айтганди менга. Луисвиллда ушиб-улғайганини айтганди.

Унга анча ёрдамим теккан, вокзалга олиб келиб, ёнимдан пул тўлаб, юртига жўнатиб юборганман.

Жордан мийиғида кулиб қўйди.

- Бу йигит туғилиб-ўсган ерига сизларнинг ҳисобингиздан кетмоқчи бўлган, холос. Менга айтишича, Йелда ўқиган эмиш.

Том билан мен бир-биримизга қараганча бақрайиб

ҚОЛДИК.

- Тавба, Билокси биз билан ўқиган эмишми? Бекорларнинг бештасини айтибди.

Гэтсби туфлиси билан полни оҳиста тақиллатиб турарди. Том дабдурустдан Гэтсби томон ўгирилиб:

- Жаноб Гэтсби, айтишларича, сиз Оксфорд университетида ўқиган экансиз, а? - дея лукма ташлади.

- Шунга ўхшашроқ....

- Ўша ерда ўқиган экансиз-ку?

- Ҳа, мен ўша ерда ўқиганман.

Орага жимлик чўкди. Яна Томнинг таҳқиромуз овози эшитилди:

- Ҳойнаҳой, бу воқеа Блокси Иелда уқиган вақтда содир бўлган булса керак.

Орага жимлик чўкди. Эшикни тақиллатиб, ичкарига официант кирди. У стол устига янчилган ялпиз билан муз қўйиб, аста эшикни ёпиб чиқиб кетди, аммо бу уртадаги оғир вазиятни ўзгартира олмади. Мен шу онда Гэтсби таржимаи ҳолининг муқим бир жиҳати очилишини куга бошладим.

- Айтдим-ку, ўша ерда ўқиганман, деб.

- Ўқиганингизни айтдингиз. Лекин мен қачон ўқиганингизни билмоқчиман.

- Ўн тўққизинчи йиллар эди. У ерда бор-йўғи беш ой бўлганман, холос. Шунинг учун ҳам ўзимни Оксфорд ўқувчиси деб ҳисобламайман.

Том Гэтсбининг гапларига ишонқирамай, биз томон қараб кўйди. Барчамизнинг кўзимиз Гэтсбига қадалган эди.

- Сулҳ тузилгандан сўнг баъзи бир зобитларга шундай имтиёчлсф бсридгаи пди, - деди у. - Бизга Англия ва

Франциядаги исталган университетда бир курс маъруза эшитиш имконияти берилганди.

Мен урнимдан даст туриб, унинг елкасига қоқмоқчи бўлдим. Гэтсбига авваллари шубҳа билан қараб юрардим, бу гапдан сўнг гумоним тарқаб кетди.

Дэзи мийиғида кулиб ўрнидан турди-да, столга яқин келди.

- Том, вискини оч! - деди у. - Сенга ялпизли яхна ичимлик тайёрлаб бераман. Анча ўзингга келиб қоласан... Мана, қўлимга ялпизии оляпман...

- Шошмай тур, - тўнгиллади Том. - Мен жаноби Гэтсбига яна бир савол бермоқчиман.

- Марҳамат, кулоғим сизда, - деди одоб билан Гэтсби.

- Оиламизда бузғунчилик қилишга нима ҳаққингиз бор?

Гап очиқчасига кетмоқда эди. Гэтсбига бу гап ёқиб тушди.

- Том, у ҳеч қандай бузғунчилик ғилгани йўқ, - деди кўрқиб кетган Дэзи дам эрига, дам Гэтсбига қараб. - Сен жанжал кўтаряпсан. Ўзингни тута билишни урган, Том.

- Ўзингни тута бил, деяпсанми? - қичқирди Том - Ия, тайини йўқ, қаердан келиб қолган бир валакисаланг хотиним билан дон олишиб турса-ю, мен индамай қараб туришим керакми? Йўқ, бунга йўл қуймайман... Бу ёғи неча пулдан тушди! Оиламга бепарво бўлсам, эртага кеч бўлади, оилам пароканда бўлиб кетади. Нима, мен унинг қилаётган ишига қўл ковуштириб ўтиришим керакми, Дэзи?

Том ичидаги бор аламини тўкиб солди. У ўзини жанг майдонида ёлғиз қотган жангчидек ҳис эта бошлади.

- Вой-вой! Нималар деяпсан? - деди Жордан нафаси ичига тушиб.

- Тугри, мен унчалик машҳур шахс эмасдирман. Ёнатрофдагиларга дам-бадам зиёфат беришга қурбим етмас. Афтидан, бизнинг даврда

дўст ортириш учун уйингни отбозорга айлантиришинг керак экан-да,
а?

Қанчалик ўзимизни тутишга ҳаракат қилмай, \ик, бари бир
барчамизнинг кайфиятимиз тушиб кетганди, Томнинг хужумларидан
эсанкираб қолгандим. Том нишонга уриб гапираётган эди. Бузукиларни
тартибга чақираётганди. Аекин айнан узи қилиб юрган ишлари-чи,
сурайдиган одам йўқ эди.

- Биродар, гапимга кулоқ солинг, - гап бошлади Гэтсби. Ёнида
турган Дэзи унинг нима демоқчилигини фахмлади.

- Йўқ, йўқ, керакмас... - Гэтсбининг гапини булди кўрқиб кетган
Дэзи. - Қани, уйимизга кета қолайлик... Келинлар, шу ердан уй-
уйимизга тарқалайлик.

- Дэзи тўғри айтаяпти. Тарқала қолайлик, - дедиму шартта ўрнимдан
турдим. - Қани, Том кетдик. Ичкиликдан ҳам кунгил қолди.

- Жаноби Гэтсби менга нимани айтмоқчи экан, игуни билмоқчиман.

- Хотинингиз сизни севмайди! - деди Гэтсби дабдурустдан. - Дэзи
ҳеч қачон сизни севмаган ва севмайди ҳам. У мени севади!

- Нималар деяпсиз? Ақлингиз жойидами? - ўзини йўқотиб қичқирди
Том.

Ўзини тута олмаган Гэтсби урнидан сапчиб турди-да:

- Дэзи сизни асло севмаган, эшитдингизми? - бор овози билан
қичқирди. - Камбағал бўтуганим, устигаустак ҳарбийга кетганим
сабабли мени узоқ вақт йўқотиб кўйди. Шунинг учун ҳам сизга
турмушга чиқишга мажбур бўлган. Бу мудҳиш хато, албатта. Лекин у
мендан ўзгани телбаларча севмаган.

Мен Жордан билан кетмоқчи бўлдим. Аммо Том билан Гэтсби
қолишимизни илтимос қилишди.

- Ўтир Дэзи! - буюрди Том қовогини уйиб. - Бу валакисаланг
нималар деяпти? Менга ҳаммасини очикойдин гапириб беришингни
талаб қиламан!

- Ҳаммасини мен очик-ойдин айтдим, - жавоб қилди Гэтсби. - Бу воқеага беш йил бўлган. Сиз бундан беҳабарсиз.

Том шартга Дэзига ўгирилди:

- Сен беш йилдан бери шу нусха билан учрашиб юрибсанми?

- Йўх, биз учрашмагаймиз, йўқ, - жавоб берди Гэтсби. — Учраша олмасдик ҳам. Бу давр ичида фақатгина бир-биримизни севиб келганмиз, биродар, узоқ вақт бир-биримизни йўқотиб қўйдик, Мен уни қанчалар қидирганимни биласизми? Уйимда бўладиган зиёфатларни уни топиш мақсадида уюштирганман. Мана, ниҳоят Дэзини топдим... - дея Гэтсби Томга ўқрайиб қараб Қўйди.

- Шу, холосми? - талвасага тушган Том узини йўқотиб гавдасини оромкурсига ташлади. Шу топда унинг ичида ғалаён қилаётган гагхлари ташқарига отилиб чиқа бошлади. - Сиз ақлдан озибсиз, - қичқирди Том Гэтсбига тик боқиб. - Беш йил аввал Дэзи мен билан танишгунча орангизда нима булгани менга қоронғи. Тавба, орадан беш йил утибди. Оилалик аёлнинг кузига куринишга қандай журъат этдингиз. Тушуна олмаяпман. Балки сиз боққоллик дуконидан Дэзилар уйига харид қилинган маҳсулотларни ташиб юргандирсиз. Менга айтган барча гапларингиз қип-қизил бухтон! Дэзи мени севиб турмушга чиққан. Ҳозир ҳам севади!

- Йўғе! Сизни севмайди! - деди Гэтсби қатъий оҳангда бош чайқаб.

- Ҳа, ҳа, мени севади, Дэзи баъзан ранжиган пайтида онда-сонда хатога йул қуяди, - деди Том, сунг чукур ўйга толди. - Энг асосийси, мен ҳам уни севаман. Баъзан адашиб шухликлар қилиб қўйсам ҳам, барибир унинг ёнига қайтиб келаман.

- Сен қабих одамсан, - деди Дэзи Томга қараб.

Дэзи дарҳол мен томон угирилди. Унинг овози ғамгин

тус олди. Ундаги нафрат бутук хонага к^гандек эди. - Ник, Чикагодан кўчиб кетишимизга нима сабаб бўлганини биласанми? Йигитчилик деб ялло қилиб юрганларини сенга гапириб бермагани галати туюлмайтими ?

Гэтсби Дэзининг ёнига келиб, т^Гриб олди.

- Дэзи буларнинг ҳаммасини унут, - деди у қатъийлик билан. -
Ҳаммаси ортда қолди, энди бу дийдиёнинг аҳамияти йўқ. Сен анави
аблаҳга фақат ҳақиқатни айт! Худо ҳаққи, барчаси бир умрга
унутилади.

Дэзи Гэтсбига тик боқди,

- Севиш... Мен уни қандай севишим мумкин, агар...

- Сен уни ҳеч қачон севмагансан!

Дэзи жавоб беришга шошмасди. У маънос кўзларини менга ва
Жорданга тикди. Гуё нима қилаётганини энди тушуниб етгандек эди.
Шу топгача уни ҳеч нарса безовта қилмаганди. Сўнг дабдурустдан бир
харорга келди. Ор~ қага чекинишга йўл йўқ.

- Мен Томни ҳеч қачон севган эмасман, - дея олди Дэзи бор
иродасини тўплаб.

Ҳатто Капиоландда ҳамми? - сўради Том жаҳл билан.

- Ҳа, ўша ерда ҳам...

Биринчи қаватдан ҳамон мусиқа садолари эшитилиб турарди.

- Дэзи, ҳатто оёқ кийиминг ҳул булмасин деб сени Панчбоулдан
кўлимда кўтариб олиб чиқиб келган кунимда ҳам мени севмаганмисан?

- Йўх! Йук! — такрор-такрор айтарди Дззи Томға, - сўнг угирилиб
Гэтсбига қараб қўйди, ва: - Мана менинг севгилим. Мени умр бўйи
куйдириб адо қилган кимса ёнимда турибди. У Жей, - деди Дэзи. сунг
қўлига сигарета олиб чека бошлади. Унинг қўллари қалтирарди.
Тўсатдан сигарета ва ёқилган гугуфт чўпини 1иламга отиб юборди. -
Нима қилай Том? Ўзинг айт! - деди Дэзи Томга қараб. - Ёшлик чоғимда
уни телбалардек севганман. Ўтмишимни унутолмайман, - деди-ю,
ҳўнграб йиғлаб юборди. ~ Ҳа, ҳа, бир вақтлар уни жуда севганман,
ҳозир ҳам жобимдан ортиқ севаман.

Гэтсби кўзини катта-кагга очди-ю, сўнг шартта юмиб олди.

- Мени ҳамон севар экансан, - қайтарди Гэтсби. - Раҳмат, сенга Дэзи.

- Ёлғон! Сени севмайди! - ўшқирди Том. - У сени хаё- линикг кўчасига ҳам келтирмаган. Тушунсанг-чи, Дэзи билан ўртамизда сен галварс ҳеч қачон тушунмайдиган сир бор. Иккимизгина биламиз ва ҳеч қачон унух'маймиз. Ҳа, бундай нарсалар ҳеч унугилмайди.

Бу сўзларнинг ҳар бири гўё Гэтсбининг юрагига пичоқ каби санчиларди.

- Дэзи билан ёлғиз гаплашишимга рухсат берсангиз,- деди Гэтсби Том томон ўгирилиб. - Кўрмаяпсизми, унинг хуши ўзида эмас...

- Ёлғиз қолган пайтимизда ҳам сени яхши кўрмаганман, Том, - аянчли овозда деди Дэзи. — Чунки сени севмаганман.

- Ёлғон гапиряпсан! - ўшқирди Том хотинига.

Дэзи эри томон қаради.

- Сенга мен борманми-йўқманми, бари бир-ку!

- Албатта, бари бир эмас. Бундан буён сен ҳақингда кўпроқ қайғураман, азизам.

- Йўқ, йуқ!.. - ваҳима билан деди Гэтсби. - Сиз энди у ҳақда гамхўрлик қила олмайсиз.

- Йўғ-э, шундайми? - Том кўзларини катта-капа очиб, хахолаб кулиб юборди. У ўзини анча тутиб олганди.- Хўш, нимага асосланиб буидай деяпсиз?

~ Дэзи сизни ташлаб кетади.

- Бўхтон! Булмаган гап, - қичқирди Том.

- Ҳа, Гэтсби туғри айтаяпти, унинг гапини тасдиқлади Дэзи.

- Дэзи ҳеч қаёққа кетмайди! - қичқирди Том талвасаға тушиб. - Кимникига кетади? Қ5? лига ўғирланган узук тақадиган муттаҳамникигами?

- Уни ҳақорат қилишингни истамайман! - Гэтсбининг ёнини олди Дэзи. - Кетайлик, Худо ҳаққи, шу ердан кетайлик!

- Сиз ўзи кимсиз? - ўшқириб сўради Том. - Мейер Вулфшимнинг тўдасидан эканлигингиз менга маълум. Сиз ва қилиб юрган ишларингиз ҳақида баъзи бир маълумотларни биламан. Лекин янада кўпроқ маълумотларни йигаяпман! Шунини билиб қуйишингизни истардим.

- Хоҳлаганча йиғаверинг. биродар, кўрқадиган жойим йуқ! - деди Гэтсби.

- Сизнинг “дорихона”ларингиз ҳақидаги маълумотни беш қулдек биламан, - Том биз томонга қараб гапида давом этди, - Улар Вулфшим билан биргаликда Нью-Йорк ва Чикаго тор кўчаларидаги юзлаб майда дорихоналарни кўлга киритиб олганлар. У ерда алкоголь билан ҳам савдо қиладилар. Унинг кирдикорларидан бири ҳозирча шу. Мен бир қарашдаёқ унинг фирибгар эканлигини пайқаган эдим, кўриб турганингиздек адашмабман.

- Борди-ю, шундай булса нима қилибди? - одоб сақлаб деди Гэтсби. - Масалан, сизнинг яқин дўстингиз Уолтер Чейз биз билан ҳамкорлик қилишдан ор қилгани йуқ.

- Сизлар ундан фойдаланиб, ғаламислик қилдинглар! Ўзингиз бу ерда ялло қилиб юрибсиз, у булса НьюЖерсидаги қамокхонада бир ой утириб чикди. Жин урсин! Иккингиз ҳақингизда нималар деяётганини бир эшитсангиз эди! Тепа сочингиз тикка булиб кетармиди!

- У бизга қушилганида ёнида ҳемири ҳам йўқ эди. Тез орада бойиб кетишга ошиқди, биродар, туғриси ҳам шу.

- Мени “биродар” деманг! - ғазаб билан кичқирди Том. Гэтсби лом-мим демади. - Сизни қонунга зид булган фирибгарликда айблаб, буйнингизга бирон моддани осииш дўстимга ҳеч қийинчилик туғдирмасди. Аммо Вулфшим унга тахдид қилиб, оғзини юмиб кўйди.

Гэтсби Томнинг тахдидига парво ҳам қилмай, ўша ноодатий, лекин нимаси биландир таниш қиёфада кулиб утирарди.

- Дорихоналар воқеаси сиз қаллоблар учун ўйинчоқдек гап эди — хотиржам гаида давом этдик Том. - Биламан, ҳозир сиз каттароқ қаллобликни амалга ошириш билан бандсиз. Уолтер буни очиб ташлашга чўчияпти. Сизлар уни қурқитиб қўйгансиз.

Ён-веримга қарадим. Дэзи қурқувдан ғужанак булиб олганча, эри билан Гэтсби орасидаги бўшлиққа тикилиб турарди. Жордан эса қўлини иягига тираганча ломмим демай утирарди. Мен Гэтсбига қарадим. Унинг кўриниши мени ҳайратга солди. Афтидан, у ҳозиргина кимнидир ўлдириб келганга ўхшарди. Орадан роппа-роса бир дақиқа ўтди. Сунгра Гэтсби ҳаяжонланганча Дэзига нималарнидир сўзлай кетди.

Гэтсби Томнинг гапларини инкор этиб, узи шаънини оқлай бошлади, ҳатто бу ерда айтилмаган айбловлардан ҳам ўзини ҳимоя қила бошлади. Дэзи Гэтсбининг гапини эшитмас, ўз хаёли билан банд эди. Шунинг учун ҳам Гэтсби гапиришдан тўхтади.

Дэзи ёлворишда давом этарди:

- Том, худо ҳаққи, кетайлик! Мен бу ҳолга ортиқ дош беролмайман.

Унинг даҳшатга тушган кузлари узидаги аввалги қатъиятлик ва жасоратдан асар ҳам қолмаганлигини яққол курсатиб турарди.

- Дэзи, сен жаноб Гэтсби билан кетавер, - деди Том, - Марҳамат, унинг машинасида кетишинг мумкин.

У эрига бақрайиб қараб қолди, лекин Том узини хотиржам тутиб:

- Кетавер. У сени асло зериктирмайди, кўнглингни овлайди. Шуни тушуниб етдимки, сизларнинг ишқий саргузаштингиз шу билан якун топади.

Дэзи эрига бақрайиб қараб қолди, сўнг жаҳл билан Гэтсбини қўлтиқлаб, бир оғиз ҳам гапирмай, икковлари бир зумда кўздан ғойиб булдилар.

Том сочиққа уралган, оғзи очилмаган вискини олиб Урнидан турди.

- Балки виски ичармиз?.. Жордан!.. Ник!.. Нима дейсизлар?

Мендан садо чикмади.

- Ник?
- Нима дейсан?
- Балки сен ичарсан?
- Ҳа-я... Агар янглишмасам, бугун туғилган куним. Ўттиз ёшни крралаб қуйибман-а! - дедим ниҳоят.

Биз учаламиз ҳаворанг “Форд” машинасига утириб, ортимизга қайтаётганимизда соат етти бўлиб қолганди. Том ўзидан ўтганини ўзи биларди, йўлда ҳазиллашиб, кулиб гапирса-да, гаплари бир-бирига ковушмасди. Биз шаҳар чироқлари ёғдуси остида бўлиб ўтган машъум воқеадан юрагимиз эзилганча ҳар биримиз ўзимизча хаёл суриб борардик. Уттиз йил сўққабош булиб яшабман. Ёнимда Жордан бор эди, Дезидан фарқли ўлароқ, у аллақачон унут бўлган орзуларни йиллар бўйи хаётшда олиб юришга мойил эмасди.

Кўз ўнгимизда кўприкнинг қора панжаралари бирин-сирин ўгиб бораётган пайтда Жордан бошини аста елкамга қўйди, иссиқ кафти эса қўлимдан маҳкам тутди.

Қуёш ботиб, ҳарорат тушиб бораётган бир пайтда биз йўлда давом этардик.

Шлак уюмлари олдидаги мўъжазгина ресторан хужайини Михаэлис иссиқдан ҳолсизланиб, кеч уйқуга кетганди. У ўрнидан эринибгина туриб, ташқарига чиқди. Жорж Уилсоннинг гаражи томон нигоҳини тикди-ю, кўзи Уилсонга тушди. Уни касал деб эшитганди. Уилсон қалтираб турар, ранг-рўйи сочининг ранги каби сапсаргайиб кетганди. Михаэлис ётиб даволанинг, деб маслаҳат берганига анча бўлганди. У бўлса касалига кулоқ солиб, даволангани ётса мижозларидан айрилиб қолишини айтганди. Ногаҳон гумбурлаган овоз кулоққа чалинди.

- Шовқин солаётган хотиним, уни уй ичига қамаб, устидан кулфлаб қўйганман. Ҳозирча ўша ерда ўтира турсин, индинга бу ердан кетамиз, - деди Уилсон.

Михаэлис Уилсоннинг бу гапидан ҳанг-манг бўлб қолди; улар тўрт йил давомида ёнма-ён яшаб келганлар. Уилсон бундай ишларга қодир эканлигини аввал эшитса борми, бунга ишонмаган бўларди. Бу кимса ҳаётдан чарчаган, хотинига сўзи ўтмайдиган одам эди. Устахонада иш бўлмаган вақтларда дарвоза олдидаги курсисида ўтириб, ўтган-кетганларни, онда-сонда гизиллаб ўтиб бораётган машиналарни томоша қиларди. Мабодо, бирон кимса у билан гаплашиб қолгудек бўлса борми, у ҳам юзида кулги ва одоб билан жавоб қайтарарди. Ихтиёри ҳеч қачон ўзида бўлмаган. Хотини юр деса юрар, ўтир деса ўтирарди, хуллас, унинг измидан чиқмасди.

Михаэлис Уилсондан нима содир бўлганини сўрабсуриштирмоқчи бўлди, аммо ундан бирон жавоб олиш қийинлигини тушунди, жавоб бериш ўрнига қўшнисига шубҳали қараш қилди-да, фалон куни, фалон соатда қаерда ва нима қилганлигини суриштира кетди. Михаэлис Уилсоннинг бундай қарашлари ва берган саволларидан гангиб қолди, ресторани томон кетаётган бир тўда ишчиларни кўргач эса, уларга хизмат қилишни баҳона қилиб, яна келарман, дея шошиб кетиб қолди. Аммо ортига қайтмади. Ишга шўнғиб кетган бўлса кераг-ов. Соат саккизларга яқин ташқарига чиқди, устахонадан Уилсон хонимнинг баланд, қаҳрли овозда эрига дағдаға қилаётганини эшитди-ю, эрталабки бўлиб ўтган суҳбатни эслади.

- Қани, ур! - дея қичқирди Уилсон хоним. - Қани ур, тепкила, кўрқоқ, ярамас!

Устахона эшиги очилиб, Уилсон хоним қўлини силтаб, бақирганча ташқарига отилиб чиқди. Эри қадам босишга ҳам улгурмаган эдики, барчаси барҳам топди...

Газетада “автомобиль ҳайдовчиси ҳатто тўхтамади ҳам”, деб ёзгандилар. Қуюқлашиб бораётган қоронғилик қаъридан чиқиб келган машина, бир силкинди-ю, йўлида давом этиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлди. Михаэлис машинанинг рангини дурустроқ кўриб қололмаганди. Етиб келган полициячиларга у, машина оч яшил рангда эди, деди. Нью-Йорк томон кетаётган бошқа машина юз ярдларча ўтиб кетгач, такқа тўхтади. Унинг ҳайдовчиси орқага югуриб Миртл Уилсон ғужанак бўлиб ётган жойга етиб келди. Кутилмаганда ҳаётдан куз юмган аёлнинг

оқаётган қуюқ қони тупроққа сингиб кетаётганининг шоҳиди бўлди. Хайдовчи ва Михаэлис воқеа содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келдилар. Улар жароҳат олган аёлнинг эғнидаги кўйлак тугмаларини ечиб, нафас олаяптими, деб эшитмоқчи бўлганларида, унинг кўкраги узилиб, биқини ёнида шалвираб ётганини кўрдилар. Аёл вафот этганди. Лаблари очик ва конга беланган ҳолда узала тушиб ётарди.

Биз узокдан йўлда машиналар ва одамлар тўпланиб турганини кўрдик,

- Фалокат содир бўлган шекилли! - деди Том. - Уилсоннинг омади бор экан. Энди унга иш кўпаяди.

Том машина тезлигини бир оз секинлатди, аммо тўхташ нияти йўқ эди. Лекин Том уларга яқинлашиб, тўпланган одамларнинг саросимада турганликларини курди-ю, машинани тўхтатди.

- Нима фалокат содир бўлганини билайлик, - деди у истар-истамас. - Фақат кўп т^атамаймиз.

Устахонадан бўғик ва узук-юлуқ ихраш овози эшитилмоқда эди, биз машинадан чиқиб, гараж эшигига яқинлашганимизда овоз аниқ-тиник эшитила бошлади:

- Вой худойим, вой худойим! - деган овоз қулоққа чалинарди.

- Афтидан бирон жиддий воқеа содир бўлган, шекилли, - қизикди Том.

Том оёқ учида туриб, одамлар оша устахонага қаради. Устахонани металл қопламали лампочкаларнинг сариқ нурлари ёритиб турарди. Тусатдан Томнинг томогида қандайдир хиридлаган овоз пайдо бўлди. Бақувват елкалари билан оломон тудасини ёриб, олдинга интилди.

Тупланганлар унинг ортидан жавраганча қараб қолавердилар. Мен ҳеч нарсани кўролмамай гарангсиб турардим. Орқадан қизикувчилар купайгандан купайиб, сиқиб келардилар. Ниҳоят, мен билан Жордан оломон ичида қолиб кетдик.

Миртл Уилсоннинг жасади аделга ураб, бир четга ётқизиб қуйилганди. Том бизга орқа угириб, жасад устига энгашганча турарди. Ёнида эса бошига мотоциклчининг шлемини кийиб олган полициячи иссиқдан

терлаб-пишганча ён дафтарига исм-шарифларни ёзиб борарди. Қаердандир узук-юлуқ ихраш овози тинмай эшитилиб турарди. Мен атрофга алангладим. Уилсон устахонада ихраганча бўзларди. У икки кули билан устахона эшигининг кесакисига ёпишганча баланд остонада туриб, бошини у ёқдан-бу ёққа тебратарди. Қандайдир бир киши паст овозда уни юпатишга уринарди, аммо Уилсон ҳеч нарсани курмас ва эшитмасди. У нигоҳини шифтга осилган лампочкадан аста узиб, тахта устида ётган хотинининг жасадига қараб-қараб қуяр, сунг яна шифтга тикилиб оларди, юракни ўртовчи инграш овози тинмасди.

- Ё худойим! Ё худойим-ей! Бу қанақаси бўлди! Ё худойим...

Том бошини даст кўтариб, атрофга аланглади ва полициячига мурожаат этиб, ниманидир гўлдиради.

- М-и... - полициячи ҳарфлаб исм-шарифни ёза бошлади, - к...

- Йук, х... - деб уни тўғрилади Михаэлис.

- Ҳой, гапимни эшитсангиз-чи! - овозини кўтариб бақирди Том.

- Нима? - деди полициячи. - Э...

- Л...

- Л... - шу пайт Томнинг забардаст кенг кафти полициячининг елкасига тушди. Полициячи угирилиб унга қаради. — Сизга нима керак?

- Бу воқеа қандай содир булди? Қандай содир булганини мен билишим керак!

- Уни автомобиль уриб кетибди. Жабрланувчи уша заҳоти тил тортмай улган.

- Тил тортмай ўлган... “ қайтарди Том бир нуктага тикилганча.

- У йулга югуриб чиққан эди. Аблах, хатто тухтатмади ҳам.

- Иккита машина келаётган эди, - деди Михаэлис. - Бири у томондан, бири бу томондан, тушундингизми?

- Қаердан деяпсан? - шоша-пиша суради полициячи.

- Бири шаҳардан келаётганди, иккинчиси шаҳарга кетаётган эди. У булса... - деди мурдани курсатиб, - у эндигина йўлга югуриб чиққанди, шаҳардан келаётган машина зумда бу аёлни уриб кетди. Машина катта тезликда келаётганди.

- Бу жойнинг номи нима деб аталади? - суради полициячи.

- Ҳеч қандай, бу ернинг номи йуқ.

Норгул, яхши кийинган бир йигит олдинга чиқди.

- Машинанинг ранги сариқ эдя, - деди у. - Катга сариқ машина. Яп-янги.

- Аниқ курдингизми?

- Йуқ, лекин бу машина катта йулда мендаы узиб кетди. КаіТа тезликда келаётган эди. Ҳа, ишонинг менга.

- Олдимга келиб, исми-шарифингизии айтинг. Ҳой, барака топкурлар, унга йул беринглар, унинг исм-шарифини ёзиб олишим керак.

Афтидан, бу гаплар ҳамон узига келолмай турган Уилсоннинг қулогига ҳам кирди шекилли, инграши тўхтаб, бехосдан гапира кетди:

- Мен у машинани биламан! Жуда яхши биламан! Томнинг бирдан сергак тортганини куриб турардим.

У шошиб Уилсоннинг олдига келиб, елкасидан маҳкам ушлади.

- Ўзингни қўлга ол! - дея уни юпатмоқчи бўлди Том. Уилсон Томга қаради. Қаддини тик тутмоқчи бўлди-ю,

аммо тиззалари букилиб кетди, Том уни абжир қўллари билан ушлаб қолмаганида, йиқилиб тушган бўлармиди.

- Гапимга қулоқ солинг, - деди Том Уилсонни силкитиб. - Мен бу ерга ҳозиргина келдим. Сиз билан келишганимдек, эски "Форд"имни ҳайдаб келдим. Кундуз куни мен миниб ўтган ўша сариқ машина

меники эмас эди, эшитаяпсизми? У машинада фақат Нью-Йорккача этиб бордим, холос. Уни бошқа кўрганим йук.

Том жуда секин гапирарди. Гапларини ёнида турган мен ва гувоҳлик берган кимсадан бошқа ҳеч ким эшитмаётганди, аммо унинг гаплари полициячини сергак торттирди.

- Нима ҳақида гапиряпсиз? — жиддий тортиб сўради полициячи.
- Мен унинг дўсти бўламан, - Том Уилсонни кўлтиқлаб, бошини полициячи томон бурди. - У босиб кетган машинани биламан деяпти. Сарик рангда экан.

Полициячи Томга шубҳа билан қаради.

- Сизнинг машинангиз қандай рангда?
- Ҳаво ранг. Икки ўриндикли “Форд”.
- Биз ҳозиргина Нью-Йоркдан келаяпмиз, - гапга қўшилдим мен. Катта йўлда ортимиздан келаётган бир кимса гапимни тасдиқлади. Полициячи яна Михаэлисга юзланди.
- Келинг, яна бир бошдаы бошлаймиз. Ҳарфлаб...

Том Уилсонни бамисоли кўгирчоқдек кутариб устахонага олиб кирди-да, оромкурсига ўтқазиб, сунг узи ташқарига қайтиб чикди,

- Кимдир унинг ёнидан жилмасин! - буюрди у. Яқинроқ турган икки эркак бир-бирларига қарадилар-да, истар-истамас устахона томон кириб кетдилар. Том уларни ичкарига ўтқазиб юборди ва мурдага қарамасликка ҳаракат қилиб, эшикни беркитиб қуйди, ёнимга келганидан сўнг шивирлаб:

- Кетдик, - деди.

Ўзимизни ноқулай ҳис этиб, тўпланган оломон орасиыи ёриб ўта бошладик, Том кенг елкалари билан йул очиб борарди. Кузимиз кулида жомадони билан югуриб келаётган шифокорга тушди.

Аввалига Том машинани аста ҳайдаб борди. Катта йулдаги муёулишдан уггач, у тезликни оширди, машина уқдек учиб кетди. Атрофга

қоронғилик уз чодирини ёпишга улгурган эди. Бир оздан сунг пиқиллаб йиғлаётган овоз эшитилди. Томнинг юзини куз ёшлари юваётганди.

- Қўрқоқ, аблах! - ҳиқиллаб деди у. - Ҳатто тухтамабди ҳам-а...

Дарахтлар ортидан Бьюкененлар уйи кузга ташланди. Том машинани уйи остонаси ёнида тухтатиб, дарҳол юқорига қаради; ток новдалари билан қопланган девордаги икки деразадан ташқарига ёруғлик тушиб турарди.

- Дэзи уйда экан, - деди у. Биз машина ичидан чиққанимизда, Том менга қараб бир оз қовоғини уйди. - Ник, сени Уэст-Эгга олиб бориб қуйишим керак эди. Бугуш қиладиган ишимиз йуқ,

Томнинг хаёли паришон эди; у ишонч билан узига бино қуйиб сузларди. Биз ой шуъласи тушиб турган майдондан утиб борар экаьимиз, Том менга:

- Сенга ҳозир телефон орқали такси чақириб бераман. Ҳозирча Жордан билан ошхонага киринглар. Овқатланиб оласизлар, - дея эшикни очди-да, бизга мулозамат қилди, - киринглар.

~ Раҳмат. Иштахам йуқ. Илтимос, менга такси чақириб бер, Мен шу ерда очик ҳавода кутиб тураман.

Жордан ёнимга келиб, тирсағимдан ушлаб деди:

- Ник, ичкарига киринг. Бир оз ўтирамыз.

- Раҳмат. Ҳозир мавриди эмас.

Кунглим беҳузур булаётган эди, шу сабабли ёлғиз қо' лишни истардим. Лекин Жордан кетишга шошилмасди.

- Соат энди тухқиз ярим булибди, - деди Жордан.

- Йуқ, мен жуда чарчадим булардан. Ёлғиз қолмоқчиман, - дедим, сунг узим пайқамаган ҳолда “булар” деганимда Жорданни ҳам назарда тутган эдим. Ҳойнаҳой, буни юзимдаги ифодадан сезган шекилли, кескин бурилиб, уй ичига кириб кетди. Мен зинага утириб, бошимни қўлларим орасига олдим. Ичкарида хизматкор такси чақираётганини

эшитгунимга қадар, бир неча дақиқа шу алфозда ўтирдим. Шундан сўнг ўрнимдан туриб, таксини дарвоза олдида кутиш ниятида хиёбон бўйлаб аста юра бошладим.

Ҳали йигирма қадам босмасимдан ортимдан кимдир отимни айтиб чақирди. Буталар орасидан Гэтсби чиқиб келди.

- Бу ерда нима қияпсиз? - сўрадим ундан.
- Ҳеч нарса, биродар, шунчаки турибман.

Негадир унинг бу ҳолати менга галати кўринди. Назаримда, у уғирликка тушмоқчи булган одамдек куринди кўзимга. Шу топда унинг ортидан, буталар орасидан Вулфшимнинг танишлари — яъни, “жоҳил” одамлари куришиб қолса ҳам ажабланмаган булардим.

- Сиз катта йўлда бирон нарсани кўрдингизми? - дея сўради у бир оз сукунатдан сўнг. Кейин саросимага тушиб:

- Ўлдими у? - дея олди зурға. .
- Ҳа.
- Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Дэзига ҳам шундай деб айтдим. Бундай вақтда туғриси айтган яхши. Дэзи жуда кўрқиб кетди, шунинг уйу?и ҳам жуфтақни ростлаб қолди.

Гэтсби Дэзининг ёнини ола бошлади.

- Мен Уэст-Эгга айланма йул билан келдим, - гапида давом этди Гэтсби, - машинамни уйимга қуйиб келдим. Менимча, бизни ҳеч ким кўргани йўқ. Ишончим комилки, сиз ҳам бизни сотмасангиз керак.

Шу пайт у кўзимга жирканч булиб кўришиб кетди Мен индамадим.

- Ўша аёл ким экан? - сўради у.
- Устахона эгасининг хотини, Уилсон хоним. Жин урсин, бу воқеа қандай содир бўлди, а?
- Биласизми, мен рулда эмасдим... - Гэтсби жим булиб қолди. Масала равшан эди.

- Рулда Дэзи эдими?

- Ҳа, - у жавоб беришга шошилмади. - Лекин мен буйнимга оламан, рулда мен эдим дейман. Биласизми, Нью-Йоркдан чиққанимизда Дэзи жуда асабийлашаётган эди. Машинани бошқарсам, бир оз тинчланаман, деб уйлаганди. Кутилмаганда бу аёл олдимиздан югуриб чиқиб қолса буладими. Шу пайт қарама-қарши йўналишдаы тагин битта машина келаётганди. Бу воқеа кўз очиб юмгунча содир булди. У аёл бизга нимадир демоқчи булгандек туюлди менга. Балки унинг кузига биз танишдек курингандирмиз. Шу пайт Дэзи рулни аввал чап томонга бурди, аммо қарама-қарши томондан бошқа машина келаётгани сабабли, шошиб ўнг томонга буриб юборди. Мен рулни ушлаганимда қаттиқ зарбани сездим. Ҳойнаҳой, у тил тортмай улган булса керак?

- Абжағи чиқиб кетибди,

Ник сесканиб кетди.

- Биродар, узингизни қўлга олинг. Мен Дэзига машинани тухтатайлик, дедим. У саросимага тушиб машинани тўхтата олмади. Шунда кул тормозидан фойдаланишга мажбур булдим. Қурқиб кетган Дэзи узини тиззамга ташлади. Сунг машинани мен бошқариб кетдим. Эрталабгача у анча узига келиб қолади, - деди Гэтсби қиска сукутдан сунг. - “Плаза” меҳмонхонасида булиб утган воқеа сабабли эри уни қийнамаслиги учун эҳтиёт шарт, мен шу ерда пойлаб тураман. Дэзи уз ётоғига қамалиб олган. Агар Том унинг ётоғига кириб, куч ишлатадиган булса, бир неча маротаба чироқни учириб-ёқиб, менга белги беради

- Том ҳозир узида эмас, Дэзига ҳеч нарса қилмайди.

- Биродар, мен унга ишонмайман.

- Бу ерда қачонгача турмоқчисиз?

- Ҳеч бўлмаганда эрталабгача.

Миямга бир фикр чакмоқдек урилди. Рулни Дэзи бошқарганини Том билса, нима қиларкин? Мен уй тарафга қарадим. Пастки қаватдаги

деразалардан ташқарига чирок нури тушиб турарди, юқори қаватдаги Дэзининг ётоги деразасидан ҳам пушти ранг чирок нури кузга ташланарди.

- Мени шу ерда кутиб туринг, - дедим Гэтсбига. - Бориб кулоқ солиб кўрай-чи, бирон-бир товуш эшитилмаяптимикиан ичкаридан.

Мен эҳтиёткорлик билан майсазор четидан юриб, уй томон келдим. Майдонни кесиб ўтиб, уйга кираверишдаги зинага кўтарилдим. Мехмонхона деразаларидаги дарпардалар суриб қўйилган, шунинг учун у ерда ҳеч ким йўқлигини яққол кўриш мумкин эди. Ёруғлик тушиб турган томон йул олдим. Деразага калта дарпарда тутилган эди. Тирқишдан ичкарига қарадим.

Дэзи билан Том ошхонада бир-бирларига қарамақарши ҳолда утирардилар. Стол устида совиб қилган овқат билан икки шиша пиво турарди. Том Дэзига ниманидир жон-жаҳди билан тушунтирарди. Кўлини эса стол устида турган хотинининг қўли устига қуйди. Дэзи дамбадам Томга кўз тикиб, розилик аломатини билдириб, бош ирғарди.

Уларнинг муглақо кайфиятлари йўқ. Овқатга ҳам, пивога ҳам қўл урмагандилар. Улар гамни унутиб, бирбирларига яқинлашдилар. Афтидан ниманидир келишиб олишаётганди.

Мен зинадан ҳовлига оёқ учида туша бошлашим биланоқ чақирилган такси овозини эшитиб қолдим. Гэтсби меини кутиб турарди.

- Хуш, тинчликми, жанжаллашмаяпти.\арми? - хавотирланиб сўради Гэтсби.

- Ҳа, тинчлик, - иккиланганча туриб қолдим ва унга дедим: - Юринг мен билан. Сиз ухлаб дам олишингиз керак.

Гэтсби бош чайқаб “йўқ” ишорасини қилди.

- Дэзи чирокни ўчирмагунча пойлаб тураман. Қачон ухлагани ётса, кўнглим тинчийди. Хайрли тун, биродар.

У қўлини чўнтагига тикқанча, шошиб ортига ўгирилди-да, тез-тез кета бошлади. Гўё мен бу ерда бўлсам, унга халақит бераётгандай ҳис этдим ўзимни. Дэзи учун жонини ҳам беришга тайёр эди. Мен индамай

жўнаб кетдим. Гэтсби бўлса ой шуъласи остида ёлғиз ўзи Дээини кўриқлаб турарди. Бу билан севгилисига ўзининг муқаддас муҳаббатини исботлаётгандек эди.

СЛККИЗИНЧИ БОБ

Тун бўйи ухлолмай чикдим. Ён-атрофни туман қоплаган эди. Кўрфаз томондан тинмай сирена овози келарди. Мени гуё безгак тутаётгандек қалтирардим. Кўз ўнгимда гоҳ даҳшатли ҳақиқат жонланар, дам кўрқинчли тушлар кўрардим. Тонг отишига яқин Гэтсби вилласи олдига бир такси келиб тўхтади. Дарҳол урнимдан туриб, кийина бошладим — мен унга ниманидир айтишим, уни огоҳлантиришим ва буни иложи борича тезроқ қилишим керакдек туюларди.

Узоқдан эшик ёпилмаганлигини кўрдим. Гэтсби эса ё рухий чарчоқдан ёки жисмоний чарчоқдан эзилиб, рангрўйи бир аҳволда айвондаги столга суянганча турарди.

- Худога шукур, ҳеч нарса бўлгани йўқ, - деди у менга қараб ҳазин овозда. ~ Соат тўртгача Дээининг уйи олдида пойлоқчилик қилдим. У дераза ёнига келди-да, мени тинчлантириш мақсадида чироқни ўчирди.

Ниҳоят, Гэтсби тинчланди.

- Сиз кетишингиз керак, - дедим унга. - Ҳойнаҳой, полиция машинангизни излаб топади.

- Биродар, ҳозироқ кетишим керакми?

- Ҳа-ҳа! Бир ҳафтага Атлантик-Сити ёки Монреалга бориб келишингизни маслаҳат берардим.

Гэтсби гапимни эшитишни ҳам истамади. Ҳа-я, Дэ- зини ташлаб кетишга кўзи қиймаяптимики? У нима қилмоқчи узи? Бир қарорга келиши керак-ку, ахир! Гэтсби телбаларпа хаёл сурарди, нимадандир умид қиларди умидидан маҳрум қилишга журъатим етмади.

Гэтсби ёшлик йилларида содир бўлган антиқа воқеани ва Дэн Коди билан дарбадарликда ўтказган кунлари ҳақида менга сўзлаб берди. Бунга сабаб у Томнинг ғазабига дучор бўлиб, кўнгли бамисоли синган

шишадек чил-чил бўлган эди. Куп йиллик орзуси энди руёбга чиқай деганди, ҳозирда улар чиппака чиқаётганлиги унга жуда алам қилмоқда эди. Том унинг бошидан тегирмон тоши юргизган тақдирда ҳам беш йилдан буён орзиқиб кутаётган ширин орзусидан асло воз кечмоқчи эмасди. У фақат Дэзи, ҳа, ёлғиз Дэзиси ҳақида ўйлайвериб неча тунларни бедор ўтказмади, дейсиз.

Дэзи Гэтсбининг ҳаёт йўлида учраган ягона соҳибжамол қиз. У авваллари ҳам кўпгина қизлар билан танишган. Лекин қизлар билан худди тўсиқ ортида тургандек тортиниб сўзлашарди. Дэзини илк дафъа кўрганидаёқ унга мафтун бўлди-қолди. Гэтсби Дэзиларникига тез-тез борадиган бўлиб қолди. Аввал кэмп-тэйлорлик зобитлар билан бирга борса, кейинчалик ёлғиз узи қадам ранжида этадиган булди. Энг ҳайратланарли жойи шунда эдики, қиз қанчалик бой булса, йигит шунчалик қашшоқ эди. Қизнинг уйи жуда ҳашамдор, у ерда узингни эркин тутиш мумкин эди. Бу уйнинг қандайдир сири бордек эди. Ётоқхонаю меҳмонхоналар, узун йулақлар билан дабдабали қурилган уйларида кирди-чикди кўп эди. Дэзи Гэтсби билан танишгунига қадар кўплаб йигитлар унга ошику беқарор бўлган эдилар. Бу ҳол унинг қадрини янада оширарди. Шундай кезларда Гэтсби бу ҳолни кўриб, ўзини кўрмаганликка соларди.

Гэтсби бу хонадонга тақдир тақозоси — ақл бовар қилмас уйини сабабли ташриф буюрганди. Жей Гэтсбини ажойиб, гўзал истиқбол кутиб Гурган бўлса-да, лекин у ёнида ҳемириси Й5^к бир йигитча эди. Шунинг учун ҳам бошига келиб қўнган бахт қушини — Дэзини тиш-тирноғи билан қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиларди. Бахтини кўлида ушлаб қолиш учун шу кезларда ҳар қандай ваҳшийликдан ҳам тоймаган буларди. Куз кунлари бошланди. Гэтсби куз оқшомларининг бирида соҳибжамол Дэзини ўзига ром этиш шарафига муяссар бўлди. Қўли қисқалиги ҳақида уйлаб ўтирмади ҳам.

Гэтсби ўзидан қанча нафратлаёйса, шунча арзийди, чунки у Дэзини алдов йўли билан ишончини қозонди. У маҳбубасини кўлида йўқ мил^ионлари билан ишонттира олди, келажакда бутун орзуингни муҳайё қиламан деб, қизнинг кўйинини пуч ёнгоққа тўлдирди. Гэтсби қизга узининг тақдири порлоқлигини ва келгусида бадавлат зодагонлардан бўлишини айтиб, ишонттира олди. Аслида Гэтсби келиб

чикишининг тайини йуқ кимса эди. Уни ҳар дақиқада армияга чақириб, ҳукумат қарори билан дунёнинг бир чеккасига улоқтириб юбориши турган гап.

Лекин Гэтсби ўз ҳаётидан нолимасди, жон-жаҳди билан юқори табақага кўтарилишга интиларди. Қийналган пайтлари бошини олиб кетмоқчи ҳам булган. Лекин Дээини кўзи қиймасди. Бу қиз унинг кўзига таърифи йўқ хилхат булиб куринар, унга жонини беришга ҳам тайёр эди. Улар тез-тез учрашиб туришарди. Бир куни у Дээини уйига кузатиб кўйди. Дээи Гэтсби билан хайрлашиб, ҳашаматли кошонасига кириб кетди, Гэтсби эса ёлғиз, ташвишлар гирдобида ташқарида қолди. У ўзини хулди ичи бўшаб қолгандек ҳис этарди, чунки Дээига жуда ўрганиб қолганди.

Орадан икки кун ўтгач, яна учрашдилар. Гэтсбининг юраги соғиычдан гупиллаб урарди. У Дээининг уйига келганди. Уйнинг айвони шинамгина безатилганди. Улар чоғгина тўқима диванга келиб ўтирдилар. Ўтирганларида диваы ғичирлаб кетди. Гэтсби чучиб аушди, сўнг ўзини ўнглаб олгач, ён-атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, Дээининг нозик лабидан бўса олди. Дээи шамоллагани учун томоғи бир оз бўғилиб қолганди. Гэтсби тортинмай уни қучоғига олди. Дээининг кийган кийимидан таралиб турган муаттар ҳиддан 'уйиб-тўйиб нафас ола бошлади. Унинг кийими кумушдек ялтираб турар, қашшоқлик нималигини билмаган бадавлат ойимқиз бу йигит олдида ўзини мағрур тутиб турарди.

- Дээини жуда севиб қолгандим. Буни сизга тушунтириб беролмайман. Аввалига у мени ташлаб кетса керак, деб ўйладим. Йуқ, у мени ташлаб кетмади, чунки менинг ўй-фикрларим уникига қараганда бошқачароқ эди. Шундай қилиб, мен ўзимнинг иззат-нафсимни кондириш йўлидаги ниятларимни унутдим. Фақат дақққа сайин ўг олиб бораётган севгим билан яшардим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. Келажакдаги орзуларимни, аниқ мақсадимга етиша олишимни, келгусида нима қилмоқчи эканлигимни унга очик-ойдин сўздаб бериш, Дээига хуш ёқарди.

Европага кетиш арафасидаги сўнгги оқшомда Гэтсби Дээи билан узок вақт қучоқлашиб, индамай ўтирган эдилар.

Ҳаво салқин, зах эди. Хонада камин ёқиғлиқ турарди. Дээининг юзи иссиқдан қизариб кетганди. Баъзан Дэзи Гэтсбининг кучоғида сиқилиб кетганидан типирчилаб кўярди, шунда уни бағридан бир оз бушатарди. Гэтсби Дээининг қорамтир, ипакдек сочларидан упди. Улар қош қорайиши билан жим бўлиб қолдилар. Узоқ айрилиқ олдидан учрашаётган бу оқшом хотираларида яхши сақланиб қолиши учун улар лом-мим демай ўтирардилар. Бир ой давом этган бу севги висолида ҳеч ҳам бугунги кундагидек яқинлашиб кетмагандилар, бир-бирларига дил розларини ҳам очмагандилар Дэзи чурқ этмай Гэтсбига қапишиб турар, Гэтсби эса гўё қизни уйғотиб кўйишдан чўчигандек эҳтиёткорлик билан унинг бармоқларини силаб-сийпарди.

Ҳарбий хизматда Гэтсбининг омади келди. Фронтга жўнатилиши олдиданоқ унга капитан унвони берилди. Аргонн жангларида сўнг, унга майор унвони берилди ва у дивизиядаги ўқчилар батальонига кўмондонлик қила бошлади. Тузилган сулхдан сўнг Гэтсби дарҳол уйига кетишга ошиқди, аммо қандайдир вазиятми ёки тушунмовчилик сабабли Оксфордга келиб қолди. Дэзи ёзган хатларида уни жуда соғинаётганини, руҳий азобларга дош беролмаётганини айтганди. Гэтсбининг кўнгли беҳаловат бўла бошлади. Бу ерда нега ушланиб қолганлигини сира туигунмасди. Ташқи дунё уни ҳар томонлама сиқиб келарди. Дэзи Гэтсбини ўз кўзи билан кўриб, ёнида эканлигини ҳис этишини жуда-жуда истарди.

Дэзи ёш бўлгани учун хаёлида турли хил фикрлар ғужғон ўйнарди. Йилдан-йилга ҳаётнинг ташвиши-ю, ғамғуссалари унинг ҳам ҳаётига кириб кела бошлаганди.

Вақт ўтгани сайин Дэзи яна севгилиси кетшаётганидан ташвишга тушар, ўзини исқанжага тушиб қолгандай ёлғиз ҳис этарди. Кунлар шундай ўтаверди. Дэзи ўзини чалғитиш мақсадида аста-секин давраларга кўшила бошлади, кўплаб йигитлар билан учрашиб, алаmidан ичиб, кайфу сафо қилар, тонготарга яқин уйга кириб келарди. Зиёфатга кийиб борган кўйлагини ерга отиб, ўзини эса каравотга ташларди. Аммо қатъий ички нидо ундан бир қарорга келишини сўрарди. У ўз ҳаётини шу сониядаёқ урнига кўйишини жуда-жуда хоҳларди. Бир қарорга келиши учун тезда кимнидир севиб

қолишни истарди. Севган кишиси пулдор, кулини қаерга узатса етадиган бўлишини чин юракдан хоҳларди.

Баҳор кунларидан бирида Дэзининг орзуси амалга ошди. Луис-Виллга Том исмли йигит келиб қолди. Унинг қадди-қомати келишган, ўзини тутишидан бойвачча йигитга ухшарди. Бу йигит Дэзининг кўнглига ўтиришиб қолди. Кутилмаганда улар тил топишиб, бир-бирларини ёқтириб қолдилар.

Лонг-Айлендда тонг отмоқда эди. Биз биринчи қаватнинг хоналарига кириб, барча деразаларни биринкетин оча бошладик. Хоналарга қуёшнинг сарғиш нурлари туша бошлади. Шудринг тушган ерга дарахтларнинг сояси тушди. Яшил дарахтларнинг шохида қушларнинг чуғур-чуғури қулоққа чалинди. Аста эсаётган шабада бугунги кун мўътадил бўлшиидан дарак берарди.

- Йўқ, Дэзи Томни ҳеч қачон севмаган, - Гэтсби у ҳозиргина очилган дераза олдида турганча менга ўгирилиб қаради. - Биродар, унутманг, ахир у кеча ҳаяжондан ўзида эмасди. Том уни кўрқитган. Мени фирибгар деб кўрсатишга ҳаракат қилган. Кеча у нималар дегани ёдида бўлмаганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Гэтсби қовоғини уйганча ўтирарди.

- Дэзи Том билан турмуш қурганининг дастлабки кунларида балки уни ёқтиргандир, лекин ўшанда ҳам кўпроқ мени ўйлаган.

Гэтсби бир оз сукут сақлади-да, сўнгра:

- Нима бўлгандаям, ҳаммасини Дэзининг ўзи ҳал қилади. Қандай хулосага келади, билмадим, ўзига ҳавола. Дэзи билан бўлган муносабатларимиз жиддий эди. Ахир у билан бир умрга бирга бўламиз, деб аҳду паймон қилганмиз.

Том билан Дэзи тўй саёҳатида юрган кезларида Гэтсби Штатга қайтиб келган эди. Бор пулини орзуларига эришиш мақсадида Луис-Виллга боришга сарф қилди. Бу ерда у бир ҳафта булиб, Дэзи билан сайр қилган кўчаларни, унинг оқ машинасида шаҳар четидаги гўзал жойларда сайр этган ерларки айланиб чиқди. Дэзи истиқомат қилган

уй бошқа уйларга караганда доим сирли, ўзига оҳанрабодек тортадиган бўлганидек, у яшаган шаҳар ҳам кузига мафтункор булиб куринарди.

Гэтсби Дэзини яхшироқ кидирсам уни албатта топаман, деган ўйда эди. У кетаётган вагон жуда дим ва иссиқ эди. Шу сабабли вагоннинг очиқ майдончасига чиқиб ўтирди ва бирин-сирин ўтиб бораётган уйлар ва кенгликларни томоша қила бошлади. Сунгра унинг куз унгида 1уллар очилиб ётган кенг далалар намоён бўлди. Қаердандир ичи одамларга лик тўла трамвай чиқиб келди, у поезд билан пойга ўйнай бошлади. Балки шу трамвайда кетаётган одамлар бир муддат булса ҳам Дэзининг оппоқ юзини кургандирлар эҳтимол.

Йул бурила бошлади, Поезд қуёшдан тобора узоқлашиб борар, қуёш эса ботишга тараддуд кураар экан, бир вақтлар Дэзи нафас олган мазкур шаҳар устига ўз нурларини таратиб турар эди. Гэтсби умидсизликка тушиб, бир вақтлар Дэзи яшаган бу ердан гўё бир қисм “ҳавоси”ни олиб кетиш мақсадида деразадан ташқарига қўлини чўзди. Аммо поезд ўз йўлида давом этарди. Йўлдаги барча нарсалар унинг кўз ўнгида лип-лип ўгиб бормоқда эди. Гэтсби ҳаётининг гўзал ва осуда кунларидан бир умрга маҳрум бўлганини тушуниб етди.

Биз нонушта қилиб бўлгач, ташқарига чиққанимизда соат тўхқиз бўлган эди. Ҳаво кескин ўзгариб, кузнинг ҳиди келаётган эди. Аввалги хизматкорлардан ёлғиз. ўзи қолган богбон мрамар зиналар ёнига келиб, тўхтаб қолди.

- Жаноб Гэтсби, ҳавзадаги сувви чиқариб, янгилаб қўймоқчиман. Сув юзини барглардан тозалаб қўяй, бўтшаса қувурларга барглар тикилиб қолиши мумкин, - деди хўжайинига.

- Йўқ, яна бир кун кутинг, - эътироз биддирди Гэтсби хизматкорга, сўнг менга ўгирилиб:

- Ишонасизми, биродар, ёз бўйи бу ҳавзада бирон мартаям чумилмадим, - деди.

Соатимга қараб, урнимдан турдим.

- Ўн икки дақиқадан сўнг поездим келади, - дедим Гэтсбига.

Ишга боришга хоҳишим йўқ эди. Кайфиятим тушкун. Ишга борсам ҳам қўлим ишга бормаслигига амин эдим. Гап бунда эмас, мен Гэтсбининг ёлғиз узини ташлаб кетишни истамаётган эдим. Поезд аста-секин юра бошлади. Мен шошмасдим.

- Сизга шаҳардан кўнғироқ қиламан, - дедим ниҳоят Гэтсбига.
- Барака топинг. Шундай қилинг, биродар. Суянган одамим сизсиз.
- Тахминан, ўн иккилар атрофида кўнғироқ қиламан.

Биз аста пастга тушдик.

- Дэзи кўнғироқ қилиб қолар, - у гапини тасдиқлашимни истаб, менга қараб қўйди.
- Ҳойнаҳой, қилса керак.
- Яхши етиб олинг. Учрашгунча.

Биз қўл бериб хайрлашдик. Мен шоссе томон йул олдим. Йўлнинг муюлишига етганда кўнғилим гаш бўлиб, жойимда тухтаб қолдим. “Ҳаммангиз бевурд одамсизлар”, дея хайқирдим ортимга ўгирилиб. “Гэтсби, сиз ҳаммасидан ҳам тубан одамсиз!” Унга нисбатан орқасидан бўлса-да, бу сўзларни айтганимдан анча енгил тортдим. Чунки Гэтсбини бировнинг бахтига чанг солаётган ёвуз одам деб билардим. Аслини олганда, мен дастлабки кунданок унинг бу ишини маъқулламаган эдим. Аввалига гапимни эшитган Гэтсби бош ирғаб қуйди, сўнгра гапимни тушунгандек жилмайди. Унинг пушти ранг костюми оқ мармар зиналар ёнида гўё қизил доғдек куриниб кетди. Бундан уч ой аввал унинг уйига биринчи бор қадам ранжида қилган оқшом ёдимга тушиб кетди. Ўшанда унинг боғи ва йўлкалари ундан бирон-бир камчилик қидираётган одамларга лиқ тула эди. Гэтсби эса уз орзусини ичига яширганча, мана шу зиналардан туриб улар билан қўл силкиб саломлашарди.

Мен унга куюқ меҳмондорчилик учун миннатдорчилик билдириб қўл силкидим. Келганларнинг барчаси унга миннатдорчилик билдирар эдилар. Мен ҳам ўшалар қаторида эдим.

- Хайрли тун, Гэтсби, - дея қичқирдим овозимни эшитсин деб, - Ажойиб зиёфат учун раҳмат.

Ниҳоят, идорамга келгач, бутунги курсни қимматбаҳо қоғозлар реестрига қайд эта бошладим. Орадан бир неча дақиқа утиб, ўтирган жойимда — айлана курсида ухлаб қолибман. Соат ун иккилар атрофида телефон қўнғироғидан уйғониб кетдим. Ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Қўнғироқ қилаётган кимса Жордан Бейкер экан. У менга игундай пайтда тез-тез қўнғироқ қилиб турарди, чунки доим танишларининг турли меҳмонхоналари-ю, клубларида кезгани учун уни ҳеч тутолмас эдим. Унинг телефон гўшагидан келаётган овозидан тетиклигини сезиб турардим, доимо маин оҳангда гапирарди, негадир бу сафар унинг овози дағал эшитилди.

- Дэзиникидан кетдим, - деди Жордан. - Ҳозир Хэмстеддаман, чошгоҳдан кейин Саутгемптонга ўтмоқчиман.

Афтидан, у Дэзиникидан кетиб туғри иш қилганди. Унинг қилган ишидан жаҳлим чикди. Сўнгги айтган гапи мени лол қолдирди.

- Кеча кечқурун сиз менга қарамай жуфтақни ростлаб қолдингиз, - деди хафа бўлиб Жордан.

- Аҳво/шмни кўриб турган эдингиз-ку. Нега мендан хафа бўласиз, - дедим Жорданга.

Бир дақиқа сукутдан сўнг:

- Очигини айтсам, сизни к5фмоқчиман, - деди Жордан.

- Мен ҳам сизни кўргим келаяпти,

- Балки мен Саутгемптонга бормай, куннинг иккинчи ярмида шаҳарга борсаммикан?

- Йўқ, фақат бугун эмас.

- Яхши.

- Бугун ишим бошимдан ошиб ётибди...

Биз телефонда узоқ гаплашдик, бир оздан сўнг алоқа узилиб қолди. Қайси биримиз аввал гўшакни осиб қўйганимиз ёдимда йўғу, лекин бу менинг кайфиятимни туширгани йук. Чунки ўша куни у билан чой ичиб суҳбат куришга мажолим йўқ эди. Жордан мендан хафа булса ҳам учрашувни бошқа кунга қолдирдим. Бир оздан сўнг Гэтсбиникига қўнғироқ қилдим. Унинг телефони банд экан. Мен тўрт маротаба телефон қилдирдим, тоқати тоқ бўлган алоқани улаб берувчи қиз Детройтдан қўнғироқ бўлишини кутаётганини айтди. Мен чўнтагимдан темир йўл жадвалини олиб 3.50 рақамини доирага олиб қўйдим. Сўнг ўзимни оромкурсига ташлаганча фикримни бир ерга тўплашга ҳаракат қилдим. Соат роппа-роса ўн икки эди. Эрталаб мен келаётган поезд шлаклар уюмига яқинлашаётганида вагоннинг қарама-қарши томонидаги ўриндикқа ўтиб олдим. Назаримда ҳали ҳам бир тўда қизиқувчилар ва болалар шовқин солиб ердаги қорамтир доғларни томоша қилишаётгандек, бир эзма чол бўлиб ўтган воқеани қайта-қайта сўзлаб бераётганди.

Ҳалокатга учраган Миртлнинг синглиси Кэтринни қидиришга тушдилар. Топиб келганларида у ғирт маст эди. “Тез ёрдам” машинаси жасадни Флашингга олиб кетганини унга ҳеч тушунтириб бўлмасди. Ниҳоят, кайфи тарқаб, опасининг ўлганини билгач, хушидан кетиб қолди. Йиғилганлардан бири уни машинасига ўтқазиб, тез ёрдам машинаси ортидан олиб кетди.

Тун ярмидан оққан бўллшига қарамай қизиқиб сўровчилар ҳамон келаётган эдилар. Жорж Уилсон эса ҳамон устахонасидаги курсида тебранганча бир аҳволда ўтирарди. Аввалига устахона эшиги ланг очик эди. У ерга қадам ранжида А.илганлар, қизиқиб ичкарига ҳам қараб қўярдилар. Кимдир эшикни ёпиб қўйди. Бир неча киши, шу жумладан, Михаэлис ҳам Уилсоннинг ғамига шерик бўлиб ўтирганди. Уилсоннинг олдида беш-олти киши ўтирган бўлса, улар аста-секин тарқаб, икки кишигина қолди. Михаэлис қаҳва олиб келгунига қадар ёнидаги кишилардан Уилсонни ёлғиз ташлаб кетмасликларини илтимос қилди. Шундан сунг, бир ўзи тонг отгунга қадар, Уилсоннинг ёнида ўтириб чиқди.

Соат учларга яқин Уилсон ўзига келиб қолди. Энди у анча тинчланган эди. Уилсон сариқ машина ҳақида гапира бошлади. У машинанинг

эгасини албатта топишини қайта-қайта айтарди. Сўнгра кутилмаганда бундан икки ой мукаддам хотини шаҳардан бурни шишган, юзи қон талашган ҳолда қайтиб келганини ҳикоя қила бошлади. Орадан бир оз ўтгач, Уилсон яна аввалги ҳолига қайтиб, тебранганча: “Ё худойим-ей, нималар бўлди! Ё худойимей”, дея бошлади. Михаэлис кўлидан келганча уни чалгитмоқчи бўларди.

- Жорж, уйланганингизга қанча вақт бўлди? Дўстим, энди тинчланинг. Қани саволимга жавоб беринг-чи, - деб уни чалгитмоқчи бўлди. - Хўш, уйланганингизга неча йил бўлди.

- Ун икки йил.

- Фарзандларингиз борми? Тинчланинг Жорж. Нима ҳақида сўраётганимни эшитаяпсизми? Фарзандингиз борми, деб сўраяпман.

Вақти-вақти билан йўлда кетаётгаы машиналарнинг шовқини эшитилиб қоларди. Михаэлисга эса ўтиб кетаётган ҳар бир машина, гўё бир неча соат аввал, одам уриб, тўхтамай қочиб кетган машинадай кўринаверар эди. У кеча жасад ётган, қон доглари қотган тахтани кўрмаслик учун кўзини четга оларди, Уилсонни тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Тонг отгунга қадар Уилсонга ҳамроҳ булиб чиқди. Тинмай унга панд-насихат қиларди.

- Жорж, сен қайси черковга борасан? У ерда кўгтдан буён бўлмагандирсан. Майли, ҳечқиси йўқ. Агар хоҳласанг ўша ўзинг қатнайдиған черковга қўнгироқ қилиб, руҳонийдан сен билан суҳбатлашини илтимос қилайми, а, Жорж?

- Мен ҳеч қандай черковга бормайман!

- Бу қанақаси бўлди Жорж? Бошига кулфат тушганда одам черковга бориши керак-ку. Сен черковда никоҳ ўқитганмисан? Жорж, гапимга кулоқ солсанг-чи! Қайта сўрайман, никоҳни черковда ўқитганмисан?

- Унга анча бўлган.

Уилсон Михаэлиснинг саволларига жавоб бераётганида бир маромда чайқалишдан тўхтади ва сукут сақлаб қолди. Сўнгра довдирай бошлади.

- Қара-чи, анави тортмада нима бор? - деди Уилсон ўз иш столини курсатиб.

- Қайси тортмада?

- Ҳов анави.

Михаэлис яқин турган стол тортмасини очди. У ерда чармдан қилинган ит бўйнига осиладиган буйинбоғдан ўзга ҳеч нарса йуқ эди. Боғич куринишдан қимматбаҳо эди.

- Манавими? - суради Михаэлис тортмадаги буйинбоғни олиб.

Уилсон унга тикилиб қолди, сунг бошини ирғаб қуйди.

- Мен уни кеча хотинимнинг столидан топиб олдим, - деди ниманидир тушунтирмакчи бўлиб. - Мен бундан дарҳол шубҳаландим.

- Буни хотининг сотиб олибдими?

- Йуқ, унинг столи устидан топдим.

- Хўш, топиб олган булсанг, нима бўпти?

- Михаэлис, бу буйинбоғ шубҳали туюлмаётими? Уилсонга хотини итнинг қимматбаҳо бўйинбоғини сотиб олиши учун турли хил баҳоналарни қилиб кўрсатганди.

Аслида Миртл эрида шубҳа уйғотган эди. Уилсон булса яна асли ҳолига қайтди: “Ё худойим, ё худойимей”, дея ихрай бошлади, ёнида тасалли бериб турган Михаэлиснинг гапиға парво ҳам қилмади.

- Унинг ҳалок булишига шу бўйинбоғ сабаб булди, - деди Уилсон тусатдан. Унинг пастки жағи осилиб, огзи очилганча анграйиб ўтирарди.

- Нима деяпсан?

- Мен албатга бунинг тагига етаман.

- Жорж, нима деяётганингни узинг ҳам билмаяпсан, - деди дустига Михаэлис. - Бошингга тушган қайғудан миянг айниб қолибди.

Тинчланишга ҳаракат қил. Дам олишинг керак. Ҳадемай тонг ҳам отади.

- У — Миртлнинг қотили.
- Жорж, бу бахтсиз ҳодиса.

Уилсон бошини сарак-сарак қилди. Унинг кузлари кичрайиб, юзида ғалати, тушуниб бўтшас ифода содир булди.

- Йўқ, - деди у қағий оҳангда. - Мен оддий одамман. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайман. Аммо унинг кимлигини биламан. Машинада кетаётган ўша эди. Миртл уни тўхтатиб, ёрдам сўрамоқчи булган, аммо у аблах тўхтамай, хотинимни уриб кетган.

Михаэлис булиб ўтган воқеани ўз кузи билан кўрган эди. Аммо бу ишда қандайдир шубҳа борлиги унинг хаё- лига ҳам келмаганди. У Уилсон хоним қандайдир машинани тўхтатиш учун эмас, балки эрининг дагдағасидан қутулиш учун катта кучага қочиб чиққан, деган ўйда эди.

- Нималар деяпсиз? Тушунмаяпман.
- Сен уни билмайсан, - деди Уилсон. - Эҳ-ҳ-ҳ!

Уилсон яна тебраниб, ихрай бошлади. Михаэлис эса

қўлидаги бўйинбоғни ушлаганча, унинг тепасида турарди.

- Жорж, балки сенинг бирон дўстинг бордир. Қўнғироқ қилиб, уни чақирай.

Уилсон индамади. Михаэлис билдики, Уилсоннинг ҳеч қандай дўсги йўқ экан. Ҳатто хотинининг кўнглини олишга ҳам иши кўплигидан вақти етишмасди.

Орадан бир муддат ўтгач, Михаэлис дўстини ташлаб, ташқарига чиқди-ю, ўзини енгил ҳис этди. Тонг отмоқда эди. Соат бешларга яқин ташқари ёришиб кетганди, кўчадаги чироқни ўчирдилар. Уилсон деразага тикилганча турарди, узоқдан шлак уюмлари устида осилиб

турган паға-паға булутлар эсаётган шамол таъсирида турли хил шакллар ҳосил қилганча учиб борарди.

- Мен хотиним билан гаплашиб олдим, ~ шивирлаб де^ди у ўзига-ўзи узоқ сукутдан сўнг. - Мени алдасанг ҳам, Худони алдай олмайсан, - дедим.

Сўнг уни дераза олдига бошлаб келди. Миртл зур-базур урнидан турди-да, дераза олдига келиб, пешанасини ойнага тираганча тураверди. Сўнг яна: Худойим барча қилмишларингни билиб, куриб турибди. Мени ҳар қанча аддашинг мумкин, Худони алдай олмайсан, деди.

Шу орада Михаэлис Уилсон қаерга тикилиб турганини сезиб, сесканиб кетди. У ғира-шираликдан чиқиб келган Эклбергнинг синиққан кўздарига тикилиб турар эди.

- Худо ҳар бир нарсани кўргувчидир, - такрорлади Уилсон.

Михаэлис уни ҳушига келтирмоқчи бўлиб:

- Ахир бу реклама сурати-ку! - деди.

Аммо нимадир уни эътиборини тортиб, дераза ёнидан кетишга мажбур этди. Уилсон эса бошини аста чайқаганча тонг ёришишини кузатиб, узоқ вақт туриб қолди.

Соат олтига бонг урганида Михаэлис зур-базур оёғида турарди. Устахона олдига машина келиб тўхтаганида, бир хўрсиниб қуйди. Бу, ярим кечада касалхонага кетиб, қайтиб келаман деган эркаклардан бири эди. Михаэлис уч кишига мўлжаллаб нонушта тайёрлади. Уилсоннинг томоғидан овқат ўтмади. Бу вақт ичида Уилсон бир оз тинчланди. Михаэлис қаттиқ чарчаган эди, хийла дам олиб келиш учун уйига кетди; турт соат ухлаб, устахонага келди, қараса, Уилсон йўқ.

Уилсоннинг қаерга кетганини Михаэлис тушунди. Уилсон Порт-Рузвельтгача пиёда борган, у ердан Гэдсхиллгача етиб бориб бир финжон қаҳва билан егулик олган, қаҳвани ичди-ю, томоғидан овқат утмади. Уилсон Гэдсхиллга чошгоҳда етиб келганида жуда ҳолдан тойган эди. Эс-хуши ўзида йўқ, кетиб борарди. Ўтиб кетаётган

машинага ёвқараш қилиб тикилаётган бу ғалати кимсага ҳайдовчилар ҳайрон бўлиб қарарди. Аммо ундан кейин қаерга борди, буни ҳеч кимса билмасди. Михаэлиснинг полициячига берган хабарига кўра, у устахоналардан сариқ машинани қидириб юрганмиш. Аммо устахона эгалари уни кўрмаганликларини айтишди. Уилсон қандай бўлмасин, хотинини уриб кетган машинани топишни от\дига мақсад қилиб қўйганди. Соат икки яримда уни Уэст-Эггда Гэтсби вилласига олиб борадиган йўлни суриштириб юрганини кўришган экан. Демак, хотининг ўтшмида у Гэтсбининг қўли борлигини билган.

Соат иккилар чамаси Гэтсби ҳавзада чўмилишга тайёр бўлиб турганди. У хизматкорига, бирон кимса уни сўраса, ҳавзага келиб ўзига хабар беришини буюрди.

Ёз бўйи сон-саноксиз меҳмонлар фойдаланган чўмилиш тўшагига ҳайдовчиси ҳаво уриб, шишириб берди. Гэтсби ҳайдовчисига усти очик машинани ташқарига ҳайдаб чиқмаслигини қайта-қайта тайинлади. Машинанинг ўнг қаноти пачоқ бўлганди.

Гэтсби чумилиш тўшагини елкасига ташлаганча ҳовуз томон йўл олди. Кета туриб, ортига қараб қўйди ва елкасидаги тўшакни тугрилаб олди. Ҳайдовчиси “ёрдам керакми?” деб сўради. У “йўқ” дегандай бош чайқади-да, барглари сарғаётган дарахтлар ортида кўздан йўқолди.

Ҳеч кимса кўнғироқ қилмади. Хизматкор кўнғироқни соат тўртгача кутиб ўтирди. Гэтсбининг ўзи ҳам бирон кимса кўнғироқ қилишидан чўчиётган эди. Кўнғироқ бўлмаса, кунини тинч ўтказди. Миртлнинг ўлими билан боғлиқ кўнғироқ бўлса, осуда ҳаётдан маҳрум бўлиши тайин. Бу орзусига етишиши йўлидаги садоқати учун катта тўлов бўлган бўларди.

Вулфшимнинг танишларидан бири Гэтсбиникига келаётган эди. У ўқ овозини эшитди-ю, унга эътибор бермади.

Мен вокзалдан туғри Гэтсбининг вилласи томон йўл олдим. Ҳаяжонланганча шоша-пиша унинг ҳовлисига кириб бордим. Кўнглим безовта эди. Ўқ овозини эшитгач, барчамиз ҳавза томон югурдик.

Ҳавзада шиширилган тўшак сув сатҳида тебраниб борарди.

Сув юзасидаги тупланган барглар уюмига келиб урилган чўмилиш тўшаги айлана ҳосил қилиб, бир ерда айлана бошлади. Биз Гэтсбини хонасига олиб келаётганимизда богбон йўлдан чеккароқдаги майса устида Уилсоннинг жасади ётганини кўриб қолди.

ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Гэтсбининг вилласи полициячилар, суратчи-ю журналистларга тўлиб кетди. Қизиқувчилар ичкарига кирмасликлари учун полициячилар вилла дарвозаси олдига арқон тортиб қўйишган эди. Болалар менинг ҳовлим томонидан Гэтсбининг богига кирадиган туйнукни топиб олишибди. Чўмилиш ҳавзаси атрофида бир тўда болалар мазза қилиб чўмилишаётган эди. Тўда орасидаги бир эркак, Уилсоннинг чўзилиб ётган жасади ёнига келиб “телба” деб қўйди. Кибор билан айтилган бу сўз мухбирлар томонидан тонгги газеталарда босилиб чикди. Михаэлис терговда Уилсоннинг рашкона шубҳалари ҳақида гапириб берди. Лекин синглиси Кэтрин опасининг яширин сирларини, яъни эрига қилган хиёнатини айтмади. У кутилмаганда кучли ирода соҳиби эканлигини намойиш қилди. Терилган қошлари остидан терговчига тик қараб, унинг опаси Гэтсбини умуман танимаслигини ва уз эри билан доимо аҳил яшаганлигини, умуман, опасининг бу ерда гуноҳи йўклигини айтиб, онт ичарди. Кэтриннинг айтган гаплари ёлғон бўлса-да, бу гапларга узи ҳам ишониб, юзига рўмолчасини босганча ҳунграб йиғларди. Шу билан тергов ишлари ёпилди.

Аслида бу ишлар мен учун аҳамиятсиздек туюлди. Гэтсбининг бу атрофда мендан бошқа яқин кишиси йуқ эди. У юрагини фақат менгагина тукиб соларди. Мен Уэст-Эгг шаҳарчасига кўнғироқ қилиб, бахтсиз ҳодиса ҳақида хабар қилган ондаёқ ҳар қандай ечилиши керак бўлган муаммолар ва саволларнинг ечимини ўзим топишимга тўғри келарди. Бўлаётган ишлар мени жуда ажаблантириб, ҳайратга соларди, вақт ўтгандан ўтиб борарди. Гэтсби эса уйида жонсиз ётибди. Унинг танишбилишларига кўнғироқ қилиб, дафн этиш маросими билан мен шугулланишим керак эди. Чунки Гэтсби билан ҳеч ким қизиқмасди-да.

Орадан ярим соатлар утгач, содир бўлган воқеани айтиш учун Дэзига кўнғироқ қилдим. Маълум бўлишича, Дэзи Том билан саёҳатга кетган экан.

- Қаерга боришларини айтишмадими?
- Йўқ.
- Қачон қайтишларини ҳам айтишмадими?
- Йўқ.
- Сиз уларнинг қаердаллгини биласизми? Улар билан қандай боғланса бўлади?
- Билмайман. Айтилмайман.

Мен Гэтсбининг бирон-бир яқин кишисини излаб топмоқчи бўлдим. у ётган хонага кириб, гарчи у эшитмаса ҳам “Гэтсби, мен албатта бирон яқин кишингизни топаман”, деб ваъда бердим ичимда.

Телефонлар руйхати китобидан Мейер Вулфшимнинг телефон рақамини қанча қидирсам-да, топа олмадим. Хизматкордан Вулфшимнинг Нью-Йоркдаги идораси

манзилини билиб олдим-да, ўша ердаги маълумотхонага кўнғироқ қилдим. Аммо соат олти булганлиги сабабли ҳеч ким телефон гўшагини кутармади.

- Илтимос, яна бир марта кўнғироқ қилиб берсангиз.
- Кечирасиз, мен уч марта телефон қилдим.
- Узр, унда жуда муҳим ишим бор эди.
- Афсусдаман. Ҳамма ишдан кетган бўлса керак.

Меҳмонхонага қайтиб кирсам, у ер одамларга тўлиб

кетибди. Бу ҳокимият вакиллари экан. Улар Гэтсби устига ёпилган чойшабни очиб, кўрқув билан унга узоқ вақт қараб турдилар, шу пайтда миямдан шу гаплар утарди: “Биродар, кулоқ солинг, сиз менга кимимнидир топиб беришингиз керак. Бор имкониятингизни ишга

солишинғиз даркор. Буларнинг барчасига ёлғиз узим дош беролмайман”.

Тупланганлар мендан булган воқеани сураб-суриштириб, саволга кумиб ташладилар, лекин мен уларга чап бериб, юқори қаватга кутарилдим-да, Гэтсбининг ёзув столидаги қулфланмаган тортмаларни шоша-пиша тита бошладим. Гэтсби менга ота-онаси ҳақида лом-мим демаганди. Тортмадан керакли телефон рақамларини топа олмадим. Деворда аллақачон унутилиб кетган буронли кунларнинг 1увоҳи булмиш Дэы Кодининг суврати осиб қуйилган эди.

Эртаси куни эрталаб Гэтсбининг хизматкорини хат билан Нью Йоркка, Вулфшимнинг ёнига жунатдим. Хатда мен Гэтсбининг қариндошлари бор-йуклигитш сурадим ва рўй берган воқеани батафсил баён этиб, тезда етиб келишини илтимос қилдим. Очиғи, сўйиғи илтимосим уйымга эриш туюлди. Чунки Вулфшим унинг яқин дустри ҳисобланади. Гэтсби ҳақидаги хабарни уқиганидан сунг, унинг югуриб келишига жуда ишонган эдим. Дэзи ҳам Гэтсбининг бошига тушган фалокатни эшитиб, дарҳол менга телеграмма жунатса керак, деб ўйлагандим. Бахтга қарши на жаноб Вулфшим, на Дэзидан телеграмма келди. Фақат янги полициячилар, суратга олувчилар ва янги репортёрлар кети узилмай келаётган эдилар. Мен хизматкор қулимға тутқазган Вулфшимнинг жавоб хатини уқиган пайтимда вужудимни ғазаб қамраб олди.

“Ҳурматли жаноб Каррауэй!

Бу мудҳиш хабар ҳаётимдаги энг кучли зарбалардан бири бўлди десам янглишмайман! Гэтсбининг ўлганига ҳечам ишонгим келмаяпти. Тентакларча қилинган ишдан жуда қайғудаман, Узр, шу кунларда етиб боролмайман. Фавкулодда муҳим ишлар билан бандман. Бундай воқеага умуман аралашмайман. Кейинчалик ёрдамим керак бўлса хат ёзиб, Эдгар орқали бериб юборинг. Мен карахт ҳолдаман. Дўстимнинг ўлиmidан ҳамон узимға келолмаяпман!

Сизнинг Мейер Вулфшимингиз”.

Хат остига шу сўзлар шошиб ёзиб қўйилган эди: “Илтимос, дафн маросими ва ҳоказолар ҳақида хабар беринг Қариндошларим бор-

йўқлигини умуман билмайман”.

Оқшомда айвондаги телефон жиринглаб қолди. Ундан: “Сизни Чикаго чақиряпти”, деган шахарлараро тармоқдан овоз эшитилганда, ниҳоят, Дэзи кунғироқ қияпти, деб ўйладим. Аммо гўшакдан буғиқ, зурға эшитилаётган эркак овози келди:

- Гапираётган Слэгл...
- Сизни эшитаман. - Бу исм менға нотаниш эди
- Яхши иш булмабди-ку. Телеграммамни олдингизми?
- Ҳеч қандай телрграмма олгапим йўқ.
- Ёш Паркер қўлга тушибди, - деди гўшакдаги овозтуйнукдан қоғоз узатаётганда уни қўлга олишибди Ундан беш дақиқа аввал Нью-Йоркдан рақам ва сериялари кўрсатилган маълумот келган эди. Бунга нима дейсиз, биродар?

Нпфасим бўл'зимга тиқилиб, гўшакдаги нотаниш одамнинг гапини бўлдим:

- А-ЛЛЮ! Қулоқ солинг. Сиз жаноб Гэтсби билан гаплашаётганингиз йўқ. Жаноб Гэтсби оламдан ўтган.

Бу сўзни эшитиб. гапираётган одам жим бўлиб қолди. Сўнг алоқа тақатқ тақ узилиб қолди.

Тахминан, учинчи куни Миннесотадаги қандайдир кичик бир шахарчадан Генри Ч. Гэтс имзоси билан телеграмма келди. Телеграмма юборган одам зуддик билан йулга чиқаётганини, у етиб келгунига қадар дафн

маросимини тухтатиб туриш ҳақида илтимос қилган эди.

Бу Гэтсбининг отаси эди. У жуда заиф кимса бўлиб, довдираб қолганди. Сентябрь кунларининг илиқ булишига қарамай, эгнига арзон, узун пальто кийган афтодаҳол кўринишдаги бир қария эди.

У узини босолмай, тинмай йиғларди. Мен унинг қулидан саквояж ва соябонини олишим билан оқарган сийрак соқолини силаб қуйди.

Пальтони эгнидан зўрға ечиб олдим. У оёкда зур~базур турарди. Мен қарияни етаклаб, мусиқа хонасига олиб кирдим-да, хизматкорни чақириб, унга егулик олиб келишни буюрдим. Унинг то моғидан овқат утмади. Қўли қалтираётганидан ушлаб турган сутли стакан чайқалаётган эди.

- Мен Чикаго газетасидан укиб билдим бу воқеани, — деди у. - Ўғлим ҳақда ёзишган экан. Дарҳол йулга тушдим.

- Манзилингиз менда йук эди. Булмаса сизни чақирган булардим.

Қария ўтирган жойида хонадаги нарсаларни кўздан кечири бошлади.

- Бу ишни ақлдан озган кимса қилган булса керак, - деди у. - Ҳа, ақлдан озган кимса қилгай.

- Балки қаҳва ичарсиз? - сурадим бир оз узига келиши учун.

- Йўқ, раҳмат, ҳеч нарса керак эмас. Ўзимни яхши ҳис этаяпмай, жаноб...

- Каррауэй.

- Ташвишланманг, анча узимга келиб қолдим. Жимми қаерда?

Уни уғли ётган хонага олиб кириб, ёлғиз қолдирдим. Бир неча болалар пешайвонга чиқиб, Гэтсби ётган хонага муралай бошдадилар. Мен уларга ким келганлигини айтганимдан сунг, истамайгина нари кетдилар.

Орадан бир муддат утгач, ичкаридаи жаноб Гэтс чиқиб келди, унинг кузи қизарган эди. Кузларидан шашқатор ёш оқарди. Қария ёши бир ерга бориб қолганлиги сабабли, унга улим курқинчли булиб туюлмади шекилли, атрофга куз югуртириб, уйнинг баланд шифтларинк, ҳашаматли хоналар буйлаб утиладиган дах^зларни кўрганидан сунг уғли яхши яшаганлигидан кунгли тоғдек кутарилди ва қайғусини бир оз унутиб, гурурланиб қўйди. Мен қарияни юқори қаватдаги меҳмонлар кутиладиган хоналарнинг бирига бошлаб кирдим.

У эгнидаги костюми билан нимчасини ечаётганда барча тараддудлар тухтатиб қўйилганлигини унга тупгунтирдим.

- Сизнинг режангиздан мен беҳабарман, жаноб Гэтсби...

- Менинг фамилиям Гэтс.

-...Жаноби Гэтс. Балки сиз углингизнинг жасадини киндик қони тўкилган жойга олиб кетарсиз, деб ўйладим.

Қария бош чайқади.

- Ўғлим Жимми шу ерни — Шарқни ёқтирар эди. У шу ерда иззат-обрў топди. Жаноб, сиз ўғлимнинг дўстисиз-а?

- Ҳа, яқин дўст эдик.

- Ўғлим янаям кўп нарсага эришган бўларди, менга ишонаверинг. У ёш бўлсаям, жуда ақлли эди, қария шу сузни айтаркан, бармоғи билан бошини кўрсатди. Мен “ха” дегандай бош ирғаб кўйдим. - Тирик бўлганда борми, обрўли одам бўларди. Худди Жеймс Ж.Хилл каби. У мамлакатга катта фойда келтирарди.

- Тўғри айтасиз, - дедим мен саросимага тушиб.

Гэтсбининг отаси ўрин устидаги ёпинчикни қовуш-

майгина очиб, каравотга ётганча, бир зумда уйқуга кетди.

Кечқурун дабдурустдан телефон жиринглаб қолди. Телефон қилаётган одам ўзининг кимлигини айтмай, ким билан гаплашаётганини сўради,

- Сиз билан жаноб Каррауэй гаплашаяпти, - деб жавоб қилдим.

- Э-ха, - деди телефондаги одам қувониб. ~ Мен Клипс Прингерман.

Мен суюниб кетдим. Демак, Гэтсби тобути ортидан яна бир эски кадрдони борар экан-да, деб умид қилдим. Бир тўда қизиқувчиларнинг эътиборини тортмаслик учун матбуотга хабар бермадим. Кераклин одамларга телефон орқаАИ хабар қилмоқчи бўлдим. Бахтга қарши, уларнинг биронтаси билан ҳам боғлана олмадим.

- Дафн маросими эртага ўтказилади, - дедим мен. - Соат учда виллада булишнгиз керак. Илтимос, келувчиларнинг барчасига хабар қилинг.

- Ҳа, ҳа, албатта, - шошиб жавоб қилди менга телефон қилган одам. - Мен бирон кимсани кўришим қийин. Лекин тасодифан...

Гапираётган овоз оҳангидан сергак тортдим.

- Ўзингиз келсангиз керак?

- Ҳаракат қиламан, албатта, ҳаракат қиламан. Мен кўнғироқ қилаётганимнинг сабаби...

- Бир дақиқа, - унинг гапини булдим мен. - Аниқ жавобингизни билмоқчиман. Келасизми, йўқми?

- Ҳм-м... Биласизми... Гап шундаки, мен ҳозир Гриничдаги бир танишимникида истиқомат қилаягхман. Улар эртанги кунга мени таклиф этишган. Боғ сайлига... Иложи борича у ердан тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қиламан.

Оғзимдан бехосдан “воҳ” деган суз чиқиб кетди, у гапимни эшитди шекилли, шошиб гапира бошлади:

- Мен аслида бир сабаб билан кўнғироқ қилган эдим: у ерда менинг бир жуфт туфлигим қолиб кетганди, сизга малол келмаса, уларни менга жунатиб юборсангиз. У теннис уйнаётганда киядиган туфлигим эди. Уларсиз мен гўё кўлсиздекман. Манави манзилга юборсангиз...

Унинг гапини эшитишга тоқат қилодмай, дарҳол гушакни осиб қўйдим.

Орадан бир оз вақт утгач, телефон қилган кишининг сурбетлигидан уялиб кетдим, чунки кўнғироқ қилган одам, уз дардини айтди, холос. Тавба, дустига зигирчаям ачингани йўғ-а! Ҳаммасига узим айбдорман, бу жаноб, тузини еб, тузлуғига тупурадиганлар тоифасидан экан.

Мейер Вулфшим билан боғланишнинг сира иложи булмагач, дафн қиладиган куни эрта тонгда унинг олдига узим йул олдим. Лифт кўтарилди, тугмасини босган эдим, менга керакли эшик олдида тухтади. Эшикда: “Свастика акционерлик жамияти” ёзуви осиглиқ эди, лифтда олиб юрувчининг тавсиясига кура, мен эшикни итардим — эшик қулфланмаган экан. Очиб ичкарига кирдим. Аввалига хонада ҳеч ким йўқдек туюлди менга. Бир неча бор овоз чиқариб чақирганимдан

с5^нг, тусиқ орасида икки киши баҳслашаётганининг шоҳиди бўлдим. Орадан бир дақиқа ўтгач, ичкаридаги эшик очилиб, у ердан ёқимтойгина яхудий аёли чикди ва рўйихуш бермайгина катта қора кўзларини менга тикди.

- Уйда ҳеч ким йўқ, - деди у. - Жаноб Вулфшим Чикагога кетган.

Мен унинг гапига ишонмадим. Чунки тўсиқ орасида кимдир қандайдир куйни огзида бузиб хиргойи қилаётганди.

- Илтимос, жаноб Вулфшимга айтсангиз, жаъоб Каррауэй ҳузурингизга келибди деб!

- Кечирасиз, у ҳозир Чикагода бўлса, гапларингизни унга қандай етказишим мумкин.

Шу онда эшик ортидан:

- Стелла, - деган овоз эшитилди. Бу Вулфшимнинг овози эканлигини дарҳол фаҳмладим.

- Стол устига ташриф қоғозингизни қўйиб кетинг, - шоша-пиша деди бояги аёл. — Қайтгач, унга бериб қўяман.

- Менга қаранг, унинг шу ердалигини яхши биламан.

Аёл икки кўлини белига қўйганча энсаси қотиб, овоз келган тарафга йўл олди.

- Истаган одам, истаган вақтида бу ерга келишга ўрганиб қолибди, - деди у жаҳл билан. - Дастингиздан бу уйда тинчлик йўқ! Чикагода деб айтдимми, тамомвассалом, у Чикагода!

Мен Гэтсбининг номини тилга олдим.

- О-о-о! - дея яна менга қараб қўйди. - Ундай бўлса бир дақиқа кутиб туринг. Фамилиянгизни нима деб айтдингиз ?

Аёл ичкарига кириб кетди.

Орадан бир зум ўтгач, ичкаридан Мейер Вулфшим чиқиб келди. У ғамгин кўринишда менга кўлини чўзди. Ўз кабинетига бошлаб кирди. Бутун ҳаммамиз учун қайгули кун эканини ҳурмат билан таъкидлади. Менга сигарета таклиф қилди.

- Гэтсби билан илк учрашганимда қандайлиги ёдимда,- деди у ўрнашиб ўтирар экан. - Кўкраклари медалларга тўлиб, яқинда армиядан келган ёш майор эди. Эгнига ҳарбий кийим киярди. янги кийим олишга чўнтагида ҳемири ҳам йўқ эди. Илк бор уни мен қирқ учинчи кўчадаги Уайнбрэннер билъярдхонасида учратган эдим. У бу ерга иш сўраб келганди. Бахтга қарши, бир неча кундан бери оч-наҳор юрган экан. Мен уни нонушта қилишга таклиф қилган эдим, ишонасизми, ярим соат ичида турт долларлик овқатни кўрдим демай еб қўйди!

- Сиз уни оёққа туришига ёрдам берганмисиз? - сўрадим мен.

- Ёрдам дейсизми? Мен уни одам қилдим.

- Ҳм-м-м...

- Уни қашшоқликдан кутқариб, одам қилганман. Қарасам одобли, хушбичим йигит экан. Оксфордда ўқиганини эшитганимдан сўнг, у одам бўлишига ақлим етди. Мен унга Америка легионига киришни маслаҳат бердим. У тезда кузга курина бошлади Шу орада олбанелик бир миждим унга иш топиб берди. Биз у билан гўё бир қўлнинг икки бармогидек эдик, - Вулфшим иккита йўгон бармоғини менга курсатди. - Иккимиз доимо ёнма-ён эдик.

Қизиқ, 1919 йилдаги “Уорлд Сириз” воқеаси даврида ҳам, уларнинг бу ҳамдустлиги мавжуд булганмикан, деб ўйлаб қолдим мен.

- Гэтсби ўлди, - дедим мен. - Унинг яқин дўсти сифатида бугун унинг дафн маросимида иштирок этишингиз керак.

- Ҳа, албатта бораман, - деди у.

- Ундай бўлса тезроқ боринг.

Вулфшимнинг кўзларига ёш қалқиб, бошини чайқай бошлади.

- Кечирасиз, боролмайман, яхшиси унинг ишларига аралашмаганим маъкул, - деди.

- Қандай ишларига? Барчаси ортда қолди.

- Агар инсон ўз вақти-қазоси билан улмаса, мен бундай ишларга аралашмасликни афзал кўраман. Кечирасиз, дафн маросимига қатнаша олмайман. Ёш бўлганимда эди, унда бошқа гап. Ҳа, мен дўстимни охирги маъзилига кузата олмайман, бу жуда ачинарли. Нима деб ўйласангиз ўйлайверинг, биродар.

Вулфшимнинг бу сўзларидан лол бўлиб қолдим. Ҳа, дафн маросимига қатнаша олмаслиги аниқ. Мен ўрнимдан турдим.

- Сиз университетни тугатганмисиз? — деган саволни берди у менга.

Ҳойнаҳой, гап “алоқа”лар хусусида борса керак, деб ўйлагандим. Вулфшим бош иргади-да, кўлимни қисиб кўйди.

- Энг муҳими, инсонга тиригида дўст керак, - дедим. - Ўлган одамга бунинг кераги йўқ, шахсан мен шундай деб ҳисоблайман.

Мен Вулфшимнинг ёнидан чиққанимда осмонни қора булут қоплаганди. Уэст-Эгга қайтганимда ёмғир шивалаб ёғмоқда эди. Уйга кириб, тезда кийимимни алмаштирдимда, Гэтсбининг вилласи томон йўл олдим. Гэтсбининг отаси ҳаяжонланганча меҳмонхонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб кедарди. Унинг ўғли ва мол-мулки билан фахрланиш туйғуси тобора кучайгандан кучайиб борарди. Афтидан, у менга ниманидир айтмоқчи бўлиб кутиб турганди.

- Мана бу расмни менга Жимми юборган эди, - деди. У қалтираётган бармоқлари билан чўнтагидан ҳамёнини олди; - Мана, кўринг.

Бу вилланинг кўриниши акс этган сурат эди. Сурат анча эскирган ва четлари гижимланиб кетган эди. Чол ҳаяжонланганча: “Мана қаранг!” деб суратнинг дам у ерини, дам бу ерини кўрсатарди. Ҳар сафар мен ҳам ҳайратланишимни кутгандек, юзимга қараб-қараб қўярди.

- Бу суратни менга Жимми жунатган эди. Суратга қаранг, унда ҳамма нарса гўзал акс этган.

- Ҳа, жуда чиройли. Углингиз билан кўришганингизга анча бўлдими?

- Ўғлим икки йил аввал мени Кйга келганди. Ўшанда ҳозир яшаб турган уйимни сотиб олиб берганди. Ўғлим уйимиздан кетиб қолганида, биз ундан жуда хафа бўлгандик. Ҳозир ўйласам, у тўғри қилган экан. Узини катта истиқбол кутаётганини сезган эканми, дейман. Ишлари юришиб кетгач, менга катта ёрдам кўрсатди.

Қаркя суратдан кўзини узолмасди. Ҳамон уни менга кўрсатганча турарди. Ниҳоят, суратни ҳамёнига солиб қуйгач, кетидан титилган бир китобчани олди, яна менга кўрсатди.

- Манави китобчани унинг болалик давридан буён сақлаб келаман. Бу китоб — ўтмишдан хотира.

У китобчанинг охири бетини очиб, менга кўрсатди. Охири тоза бетида босма ҳарфлар билан “жадвал” ва ёнида 1906 йил 12 сентябрь санаси ёзилган эди. Унинг остида эса кун давомида қилинадиган ишлар ва вақти бирма-бир ёзиб қўйилганди.

Уйқудан туриш эрталаб соат 6.00

Гантеллар билан машқ қилиш ва

девордан ошиб тушиш..... 6.15 - 6.30

Электрни ўрганиш ва бошқалар..... 7.15 - 8.15

Иш вақти..... 8.30 - 16,30

Бейсбол ва спорт..... 16.30 - 17.00

Нотиклик борасида машқ қилиш ва

кадди-қоматни шакллантириш..... 17.00 - 18.00

Зарур ихтиролар устида бош қотириш..... 19.00 - 21.00

Умумий қоидалар

Штефтерсга (исми аниқ ёзилмаган).

Беҳуда вақт сарф этмаслик.

Чекишни ва сақич чайнашни ташлаш.

Кунора ванна қабул қилиш.

Фикр доирасини кенгайтириш учун ҳар ҳафтада битта китоб ёки журнал ўқиб туриш.

Ҳар ҳафтада 5 доллар (ўчирилган) 3 доллардан жамғариш.

Ота-оналарга нисбатан яхши муносабатда бўлиш.

- Буларни мен тасодифан кўриб қолдим, - деди қария. - Бу куп нарсани аниқлаш учун қўл келади. Тўғрими?
- Ҳа, тўғри. Жимми ҳаёт бўлганида, кўп нарсага эришган бўларди.
- Бир нарсага киришса охирига етказмагунча қўймасди, - дея қария кўлидаги китобчасини ёпгиси келмай, у ердаги ёзувларни бирма-бир ўқир экан, дам-бадам менга қараб қуярди. - Уғлим бу ёзувларни узим учун Ластуриламал қилиб ёзиб омшимни истарди.

Соат чоракам учда Флашингдан лютеранлик руҳоний келди. Мен беихтиёр бошқа машиналар ҳам келаяптими деб деразадан ташқарига қарадим. Гэтсбининг отаси ҳам деразадан ташқарига қараб турганди. Барчамиз йиғилиб бўлгандик. Қария эса безовталаниб, кўзларини пирпиратганча ҳавонинг ёмонлашиб бораётгани ҳақида нималардир деб ғўлдирай бошлади. Руҳоний дам-бадам соатига қараб кўяётганини сезиб, уни четга оддим-да, яна ярим соат кутиб туришини илтимос қилдим. У илтимосимни рад этди, Бу орада дафн маросимига ҳеч ким келмади.

Соат бешларда учта машинага утириб, қабристон томон йул олдик. Қабристон дарвозаси олдига етиб келгач, тўхтадик. Олдинда ёмгир остида қолиб кетган тим қора рангдаги тобуг қуйилган машина, унинг ортидан Гэтсбининг отаси, руҳобий ва мея ўтирган машина, Гэтсбининг шахсий усти очик куп ўринли “Форд”¹⁵ида ивиб кетган хизматкорлар ва уэст-эгглик хат ташувчи борар эдик. Биз қабристонга кириб бораётганимизда дарвоза олдига қандайдир машина келиб

тўхтаганини кўриб қолдим. Кимдир орқамиздан шошиб-пишиб келарди. Ўгирилиб қарадим. Кузойнакли бу кимса бундан уч ой муқаддам Гэ1'сбининг куту^Гбхонасида китобларни куздан кечираётган ўша таниш кимса — кузойнакли киши Филинга ухшаб кетарди.

Ўшандан буён уни кўрмаган эдим. Гэтсбининг дафн маросимидан қандай хабар тоиди экан. Ёмгир ёғаётганидан унинг кўзойнаги хира тортиб қолганди.

Шу онда фақат Гэтсби ҳақида ўйлардим, энди орамизда йўқ. Дэзи уни эсламади ҳам. Ҳеч булмаганда гуллар ҳам юбормади. Орқамда турган кимдир: “Худо ёрлакаган одамнинг гўрига ёмгир тушади дердилар”, деди. Унинг “Омин!” деган овози эшитилди.

Биз машинамиз томон ошиқдик. Жуда ивиб кетгандик. Ёмгир тезлашиб кетди. Дарвоза олдига етганимизда Филин:

- Виллага етиб келишга у,^Грмадим, ~ деди.
- Етиб келиш кўпчиликка насиб этмади, додим
- Ҳазиллашаяпсизми, - ўрнидан сапчиб туриб кетди у. - Худойим-ей, ахир унинг уйидан юзлаб одамлар аримас эди-ку.

У яна кўзойнагини ечиб, икки томонини тинмай артарди.

~ Эҳ, бечора! - деб қўйди у ниҳоят.

Ҳаётимдаги энг ёрқин хотиралардан бири бу Рождество таътил кунларида аввал мактабдан, сўнгра университетдан уйга борган кунларим эди. Декабрь ойининг оқшомларидан бирида Чикагодан узоққа кетадиганлар Юнион-Стритдаги вокзалнинг ним қоронгу эски биносида йиғилар эдик, биз билан хайрлашиш учун байрам кайфиятида юрган чикаголик дўстларимиз шоша-пиша биз билан хайрлашиб чиқиб кетар эдилар.

Қиш кунларининг оқшомида поезд жойидан жилгач, дераза ортида бирин-сирин қор босган далалар, чироқлари милтираб ёниб тургаы қишлоқлар ўта бошлар эди. Ҳаво кескин ўзгарган бўларди. Биз вагон ресторанига ўтаётганимизда вагоннинг очиқ жойида туриб совуқ

ҳаводан тўйиб нафас олардик. Тобора она қишлоғимизга яқинлашиб келаётганимизни ҳис эта бошлардик.

Мана шуларнинг барчаси мен учун Ўрта Ғарб ҳисобланар эди. Ғарбнинг яйловлари, буғдойзорлари шведлар истиқомат қилувчи нотинч шаҳарчалари эмас, балки мени уйим томон олиб кетаётган поездлар, совук қиш оқшомида кўнғироқларини жиринглатиб кетаётган чангилар, кўчаларни ёритиб турган фонарлар — ҳамма ҳаммаси ниҳоятда қадрли эди.

Уй эгаларининг номи билан айтиш одат бўлган шаҳарда туғи. \иб-ўсган, бир оз ўзига бино кўйган ва узоқ қишга кўникиш ҳосил қилган мендек биродари азиз ҳам ана шу борлиқнинг бир қисми эдим. Аслида бу Ғарб ҳақидаги қисса бўлганлигини мен энди тушундим, чунки Том ҳам, Гэтсби ҳам, Дэзи ҳам, Жордан ва мен ҳам ғарбданмиз. Балки Шарққа кўникиш учун керак бўлган нимадир бизга етишмаса керагов.

Ҳатто Шарқ мени жуда мафтун этганида ҳам унинг Ғарбдан кўра анча устунлигини аниқ фаҳмлаган эдим. Уэст-Эгг шу пайтгача тез-тез тушимга кириб чиқади.

Гэтсбининг ўлимидан сўнг кўрқинчли тушлар кўриб чиқа бошладим. Куз фасли келгач, дарахт барглари сарғайиб тўкила бошлаганда, мен уйимга — Ғарбга кетишга қарор қилдим. Қиладиган бир ишим қолганди. Котишдан аввал барча ишларимни тартибга солиб, бажариб кетишни уз бурчим деб билардим. Жордан Пейкерни учратиб крддим, у билан иккимиз кўрганбилганларимиз ва менинг бошимга тушган воқеалар \ақида суҳбатлашдик. У оромкурсида ястаниб ётганча гамларимга индамай кулоқ соларди. Эгнида гольф ўйидаганда кийиладиган кийим. Шу тобдаги куфиниши спорт журналларида босилиб чиққан суратга жуда ўхшаб кетарди. Мен гапимни тугатгач, у тўсатдан эрга гсгаётганини айтди-кўйди. Аввалига ишонмадим, гарчи у хушторларига бир имо қилса, унга уйланишга тайёр жанликларини билсам-да, ўзимни ажабланаётгандек тутдим. Бир зумда хаёлимдан мен янглишаётгандирман, доган ўй ўтди. Жордан билан бўлган барча воқеаларни бир зумда кўз ўнгимдан ўтказдим ва хайрлашиш учун ўр мимдан турдим.

- Очиғини айтганда, сиз мени рад этдингиз, - деди кугилмаганда Жордан. - Телефондаги гапингаздан менга бофарқ эканлигингизни билиб олдим. Хушим бошимдаи учди. Саросимага тушиб қолдим. Менга нисбатан бефарқ (канлигингизни англаб етдим.

Жордан билан кул беришиб хайрлашдик.

- Ҳа-я, айтгандай, - деди Жордан. - Эсингиздами, биз бир вақтлар автомобилда сайр қилиш ҳақида сўзлашгандик.

- Ҳа, эсимда. Сўзлашган эдик.

- Ўшанда скз менга ношуд ҳайдовчи ўзига ўхшаш ношуд ҳайдовчини учратмагунча хавф-хатардан холи бўл<|ди, деган эдингиз. Айнан шу ҳолат менда содир булди. Япглитганимга ўзим ҳам хайронман. Сиз менга тўтрисуз п.1 пок инсон бўлиб кўринган эдингиз. Лекин сизда ғурур <>ор экан. узингиз биласизми, йўхми?

- Ёшим ўттизда, ~ дедим Жорданга. ~ Ўзимни алдаб, |*упи поклмк, ҳалот\лик деб атайдиган ёшдан ўтганимга

III йил бўлди.

Жордан лом-мим демади. Уни севгандим. У буни |>илмаганидан афсусда эканлигимдан жаҳлим чиқиб, \11фи^диму ортимга қарамай чиқиб кетдим.

Х О Т И М А

Октябрь ойининг сўнгги кунларининг бирида Том Бюкененни кўриб қолдим. У мендан олдинда илдам кадам ташлаганча, гуё йўлида учраган тўсикни олиб ташлашга тайёр одамдек икки кўлини осилтирганча, атрофга алангжаланг қараб кетиб борарди.

Унга жадаллик билан етиб олмаслик учун кадамимни бир оз секинлатдим, лекин шу пайт такқа тўхтади-да, пешанасини тириштириб, заргарлик дўконининг кўрғазмасини куздан кечира бошлади. Тусатдан менга кузи тушиб қолди-ю, узокдан кўлини узатганча мен томон ошиқди.

- Бормисан, Ник? Нима, мен билан гаплашгинг келмаяптими?

- Ҳа, сўрашгим келмаяпти. Сен ҳақингда қандай фикрда эканлигимни узинг яхши биласан.

- Жинни бўпсан, Ник! - хитоб қилди Том. - Ҳа, ақлдан озибсан. Нима демоқчисан, а?

- Том! ~ дедим асабийлашганча унга ўқрайиб қарарканман. - Том, ўша куни Уилсонга нима дегандинг?

У менга бақрайганича қараб қолди. Ўша аниқланмаган уч соат ҳақидаги шубҳам тасдиқланганини тушуниб етдим. Шарт ўтирилиб кетмоқчи бўлгандим, у йўлимни тўсиб, елкамга қўлини қўйди.

- Мен фақат ҳақиқатни айтгандим. Дэзи билан кетмоқчи бўлиб турганимизда Уилсон келиб қолди. Мен хизматкорим орқали у билан гаплашишга вақтим йўқлигини айтдим. Шунда у куч ишлатиб, ёнимга кирмоқчи бўлди. Агар унга машина кимники эканлигини айтмасам, мени турган жойимда отиб ташлашга шай турганди. Унинг қўлида ўқланган 'гўппончаси бор экан.

Том дабдурустдан кишининг гашини келтирадиган овозда:

- Хўш, унга айтган бўлсам нима бўпти? У нусха бир кунмас-бир куни ўз бошини ерди. У ҳамманинг кўзига, шу жумладан, сенинг ҳам, Дэзининг ҳам кўзига авлиёдек кўринарди. Аслида у боскинчи экан. Бечора Миртлнинг устидан машинасини гўё кучук боласини босиб кетгандек юрғазиб кетди, ҳатто тўхтамади ҳам, - деди.

Мен эътироз билдира олмадим, чунки гапинг нотўғри, деб оддий ҳақиқатни айта олмадим.

- Менга осон деб ўйлайсанми? Утган ишларни ўйлаб кўр! Эрлик хотинни тортиб олмоқчи бўлса-я! Сен бунга индамай “хотинимни сизга бердим”, деб қараб турармидинг Жин урсин, эсласам, этим жимирлаб кетади...

Мен Томни на кечира олардим, на юпата олардим. Ҳар қандай киши ҳам, унинг қилган ишини қилишини тушуниб етдим. Бу ерда беписандлик бормиди ёки узокни уйламасликми, билмадим. Улар — Том билан Дэзи бепарво, бировни писанд қилмайдиган махлуқлар

сарасига кирувчи, одамлар тақдири билан ўйнашишларини тушундим. Ҳа, ўзгаларнинг қалбини топтаб-юлардилар. Ифлос қилиқларини яшириш учун пуллариинг ортига яширинардилар.

Том билан хайрлашдим. У билан тортишиш бефойдадек туюлиб кетди, ўзимни ёш боладек ҳис эта бошладим. Шундан сўнг Том хотинига антиқа тақинчоқ ва ўзига кўйлакка тақадиган запонка (илматугма) сотиб олиш учун заргарлик дўконига кириб кетди.

Мен кетаётганимда Гэтсбининг вилласига қарадим. Вилла бум-бўш эди, майсазордаги ўтлар қаровсиз ўсиб ётарди. Маҳаллий такси ҳайдовчиларидан бири ҳар сафар шу ердан ўтаётганида йўловчиларга Гэтсбининг уйини кўрсатиб ўтарди, балки Дэзи билан Гэтсбини ўша фалокат юз берган тунда Уэст-Эгга олиб бориб қўйган ҳайдовчи бўлса ажаб эмас. Унинг ҳикоясини эшитмаслик учун, машинасини четлаб ўгардим.

Шанба кунлари Нью-Йоркда ушланиб қолиб, уйга кечроқ қайтардим, Гэтсби вилласидаги ҳашаматли зиё- фатлар шунчалик хотирамга михланиб қолганидан кулогим остида богдан келаётган кулги ва келиб-кетаётган машиналар шовқини жаранглаб турарди. Кунлардан бир кун машина овозини эшитдим ва вилла олдида чироқларини ёққанча туриб қолган машинани кўриб қолдим. Ҳойнаҳой, бу узок вақт хорижда бўлган, бу ердаги зиёфатлар барҳам топганидан беҳабар меҳмон бўлса керак. Мен бунга эътибор бермадим. Кетишим олдидан буюмларим йигиштирилиб, машинага ортилгач, Гэтсбининг вилласи томон йул олдим. Қандайдир болакай ғишт бўлаги билан оқ зиналарга нималарнидир ёзиб қўйибди, мен бу ёзувни ишқаб, ўчириб ташладим. Сўнг соҳилга тушиб, ям-яшил майса устига чўзилдим.

Бўғоз соҳилидаги барча шоҳона қурилган виллалар ҳувиллаб қолган эди. Ҳеч қаерда чироқ шуъласи кузга таигланмас, фақат сув сатҳида сол кетиб бормоқда эди. Ой тобора кўтарилган сари ён-атрофдаги уйларнинг шакллари кўзга кўринмай бораётганди. Мен бир вақтлари голланд денгизчилари кўз унгида пайдо бўлган қадимги оролни, яъни янги дунёнинг қўл тегмаган ям-яшил сатҳини томоша қилиб турар эдим. Гэтсби вилласи учун жой бўшатиб, сўнгра йўқ бўлиб кетган ўша дарахтлар баргларининг шитирлаиш худди мусиқага ўхшаб кетарди.

Ҳойнаҳой, инсон бир неча маротаба нафас олыай бу янги қитъадаги гўзалликни томоша қилган булиши керак. Бир неча эски номаълум дунё тақдири ҳақидаги қайғули фикрлар гирдобиди мен Гэтсби ҳақида ўйлардим. Дэзи яшаган соҳилдйги ям-яшил чироқни ҳаяжон билан кузатганини ўйлаб қрим. Бахмаддек майсазорларга уни етаклаб келган йўл ниҳоятда узоқ эди. Ҳойнаҳой, орзуси ушалишига оз қолганда у қўлини узатса етадигандек туюлгаы бўлса керак. Унинг орзуси бир умрга ортда — шаҳардан ташқаридаги тим қора узоқликда, яъни тим қора осмон остиди ястаниб ётган Америка ерларида қолганини у билмас эди.

Йилдан-йилга узоқлашиб бораётган ақл бовар қилмайдиган бўлғуси бахт шуъласи булмиш яшил чироққа Гэтсби жуда ишонгаы эди. Майли, у бугун кўлдан чиқиб кетди, зиёни йуқ, биз эртага уни яна-да тезроқ қувамиз ва унга етишиш мақсадида кўлларимизни яна-да чўзамиз... Гўзал тонгларнинг бирида...

Шу алфозда биз оқимни енгиб, олга сузишга ҳаракат қиламиз, у эса бизнинг қайиғимизни орқага — ўтмишга улоқтириб ташлаяпти.